Нур томонга

Ёш мусулмон йигитининг
ҳақиқатни қидириши

Стивен Масуд

Нур томонга

Стивен Масуд

© 1986 by Steven Masood.
Published originally in English as
Into the Light from STL Publishers

© 2005 for the Uzbek edition
All rights reserved.
International copyright obtained.

Миннатдорчилик изҳори

Мен Исо Масиҳни таниб билган пайтдан бошлаб инсонлар менга: „Сиз қандай қилиб ва нима учун масиҳий бўлдингиз?“, — деб тез-тез саволлар беришадилар. Тарихим ҳақида севинч билан сўзлаб бермоқчиман, лекин буни узоқ ёзмасликка, айниқса инглиз тилида ёзмасликка қарор қилдим.

Ахири, менинг Абу-Дабидаги, масиҳий дўстларим Билл Хумпсон ва Брюс ҳамда Иввет Альбрехтлар, бу нарсани ёзишга ундадилар. Мен уларга, ҳамда Роджери ва Колетт Баклига, мени қўллаб-қувватлаганлари ва ибодатлари учун ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман.

Шу билан биргаликда Дена Вудингга ва Джеффа Ричардга, менинг қўл ёзмаларимни тартибга келтирганликлари учун ҳамда, магнит тасмалари учун миннатдорчилик айтаман.

Ли Тернерга, А лан Ашертга ва Маргарет ҳамда Оскарга алоҳида миннатдорчилик билдираман. Шу билан биргаликда, Унинг ғалабаси учун менинг ёнимда ишлаган, ҳамма масиҳий ва мусулмон дўстларимга миннатдорчилик билдираман.

Стивен Масуд

1

Туш

Мен кўзларимда ёш билан адашиб чорраҳага чиқдим. Мен йўловчилардан қайси йўл менинг уйимга олиб боришини сўрадим, аммо улардан ҳеч бири менга жавоб бераолмас эди. Охири мен таваккал қилиб бир йўлни танладим ва шу йўлда ёлгиз, бебахтларча дайдиб юрдим.

Очликдан тинкам қуриган эди. Шу пайт кўзим гўзал бир боғга тушди. У ерда дарахтларнинг шохи ҳосили кўплигидан энгашиб турган эди. Боғ баланд девор ва буюк дарвоза билан ўралган эди. Дарвозани очишга жуда уриндим, аммо барча ҳаракатларим бекор эди.

Мен баланд овоз билан: „Илтимос, эшикни очинг! Мен жуда очман. Мен сиздан озгина мева сотиб олмоқчи эдим. Менинг пулим бор! Илтимос, эшикни очинг!“ Эшик эса шовқинсиз секин очила бошлади.

Чорбоғда болалар ўйнашар эди. Мен уларга яқинлашганимни кўришиб, улар ўйинларини тўхтатишди. Мен уларга: „Мен адашиб қолдим. Агар мен уйга кеч қайтсам менинг ота-онам мени савалашишади“, — дедим. Болалардан бири қўлидаги олмани бир тишлаб менга қараб турганини кўриб мен уларга яна: „Менинг жуда ҳам овқатлангим келаяпти!“ — дедим.

Болалар баланд овозда: „Ота, қаранг ким келди“, — деб чақиришди. Мен қайрилиб, бутазор томондан келаётган кишига кўзим тушди. У кекса бўлишига қармасдан, соғлом ва қувватлилиги кўриниб турар эди. Кутилмаганда менда қизиқ бир туйғу пайдо бўлди, яъни бу киши менинг ҳам отамлигини ҳис қилдим! Мен қўрқиб кетдим ва қочиб кетмоқчи эдим. Унинг: „Ўглим! Мен сендан газабланганим йўқ. Ҳамма қаторида сен ҳам Менинг ўглимсан“, — деган овози мени тўхтатди.

Унинг овози отамнинг овозига ўхшамас эди, аммо мен унга қайрилишим билан ўзимни унинг қучоғида бахтли ҳис этдим. Болалар бизни ўраб олишди. Болалар мени қучоқлаб, ўзларининг қўйнидаги олмаларини менга беришди ва отасининг уларга бўлган севгисини менга айтди. Мен улар билан бирга қолишга ижозат сўрадим. Мен ўзимнинг севги йўқ бўлган туғилган уйимга қайтишни хоҳламас эдим.

„Илтимос, сизлар билан бирга қолишга ижозат беринг. Мен сизлар билан бирга мактабга бораман, ва менинг имоним комилки, бу ерда ўқитувчилар Муҳаммад Исмоилга ўхшаб мени уришмайди!“

Отам кулиб менга: „Ўғлим, мен Муҳаммад Исмоилдан сени урмаслигини сўрадим. Мен унга сен ҳақингда ғамхўрлик қилишини тайинладим“ — деди.

Мен унинг оппоқ кийимига юзимни босиб, унинг этагига ёпишганимча унга: „Йўқ Ота, мен шу ерда яшашни хоҳлайман, мен сен билан қолишни хоҳлайман“, — дедим.

„Ўғлим, — деди мулойим оҳангда, — сен ақлли боласан, ақлли болалар эса, отасига қулоқ солишади. Сен ҳозир мактабга қайтгин, ўқишни тугатганингда эса, мен сени ўзим олиб келаман. Юр, энди мен сени уйингга олиб бораман“, — деди.

2

Аҳмадийлар орасидаги ёшлигим

Мен тонг номози вақтида дунёга келганман. Бизнинг урф-одатларимизда бу яхши аломатдир. Отам мени қўлига кўтариб, ота-бобомиздан қолган, мусулмон дунёсидаги менинг ўрнимни мустаҳкамловчи махсус ибодатни қулоғимга пичирлаган вақтда, у жуда бахтли эди. Бу ерда, ота-онасининг уйидагилар орасида, аёлнинг ўз эрига ўғил туғиб бериши жуда муҳим эди, ҳаттоки буни урф-одат ҳам талаб қилар эди. Кўпчилик ўзининг ибодатида Худодан ўғил ҳад-я қилишни сўрашади. Камдан-кам киши Худодан қиз бола ҳад-я қилишини сўрашади.

Мени Масуд Аҳмад Хан деб номлашди. Аҳмад — бу Муҳаммад пайғамбарнинг иккинчи исмидир: мана шу исмдан бизнинг жамоатимиз Аҳмадийлар[1] номи ҳам — пайдо бўлишган. Бундай шароитда Аҳмадийлар орасида Аҳмад исмида юриш — катта обрў эътибордир. Пешавордан 30 мил узоқликдаги Покистоннинг шимолидаги Таркаб шаҳарчасида 1951 йил 30-ноябрь тонги салқин келди. Онамнинг ота-онаси ғайратли деҳқон фермерлар қаторида эди. У ўзининг ерини деҳқонларга ижарага берар эди. Деҳқонлар менинг бобомга ҳосилнинг бир қисмини ижара тўлови сифатида берар эди. Афсуски, менинг бобом доноликбилан ажралиб турмас эди ва охир оқибатда ҳамма ерини йўқотди, аммо бу бошқа воқеа.

Мен туғилишимга қадар менинг бобом 25 жондан иборат катта оиланинг боши эди. Унинг бир ўғли ва бир неча қизи бор эди. Унинг уйида ўтган ҳаётимнинг биринчи уч-тўрт йилида, унинг уйи менинг болаларча тасаввуримда жуда катта кўринган. У шу жойдаги уйлар каби, сомонли ғиштдан қурилган бўлиб, ички қисми совуқ эди. Унда ички ҳовлини ўраб турадиган 10–15 та хона бор эди. Узум новдаларининг шохлари билан ўралган, катта айвон иссиқ об-ҳаводан

[1] *Аҳмадий таълимотини тарғиб қиладиган мусулмонлар*

хонани қуёшдан ҳимоя қилар эди. Бу ажойиб уйни ташлаб кетиш менга жуда оғир бўлди. Охирги марта ота-онам билан 7 ёшимда у ерга борган эдим.

Менинг бобом, шу пайтдаги бой ер эгалари каби ўзининг шахсий мачитига эга эди. Буни ҳозирги бойлар ҳам такрорламоқда. Бир кунда 5 маротаба номозга чақириб, унинг минорасидан аъзон айтилар эди. Биз ҳамма ишларни йиғиштириб худога мурожаат қилар эдик.

Оллоҳ-о Акбар, Оллоҳ-о Акбар...
Худо буюкдир, Худо буюкдир...
Ашхадо Анна Муҳаммадар-Расулуллаҳ...
Гувоҳлик бераманки, Муҳаммад — Худонинг пайғамбаридир...
Номозга келинглар, Оллоҳдан бошқа ҳеч Ким таъзимга лойиқ эмас...

Имонли мусулмонларни номозга чақираётган Муидзиннинг (аъзон айтувчи киши) овози эрталабки салқин ва тинч ҳавода акс-садо билан тарқаларди. Акс-садо уни қайта қайтараётгандек туюларди.

Ёш бола учун бу жуда гўзал олам эди. Катта оиланинг севгиси атрофида, мен ўзимни хавф-хатарсиз сезар эдим. Мусулмон мамлакатида дунёга келган ҳар қандай бола каби, мен ҳаётимнинг биринчи йилларини асосан аёллар орасида ўтказдим. Фақат кейинчалик эркаклар менинг ҳаётимда қандайдир аҳамиятга эга бўла бошлади. Отам тез-тез уйда бўлмасди. У ҳамма вақт саёҳатда юргандек туюлар эди. Лекин, у қаерга кетганини ҳеч ким билмас эди, мен уни яхши кўрсамда, у менинг ёшлик йилларимдан ҳеч қандай ўрин эгалламаган.

Менинг отам Афғонистонда туғилган. Унинг оиласи қишлоқда муҳим ўрин эгаллар эди, менинг бобом отам тарафидан у ерда диний бошлиқ бўлган. Менинг отам бир неча ойга тўлганда, отаси вафот этган. Бир оздан кейин бувам ҳам вафот этган. Бир неча йил отам шу қишлоқда онасининг акаси билан яшади. Менинг бувимнинг 13-ёшида шундай воқеа юз берди-ки, бу воқеа унинг ҳаётини буткул ўзгартириб юборди.

Менинг бобом ўлимидан кейин катта ер мулкини ўғлига васиятида ворис қилиб кетган эди. Бу ерга вақтинча тоғам қараб турган эди. Бола бўйи етилганида, бир куни унга қандайдир кимсалар келиб ворисликка эга бўлиш ниятида, тоғаси уни ўлдирмокчи эканлигини айтди. Лекин отам жуда қўрқишига қарамай, фақат икки йилдан кейин қочиб кетишга журъат этган. У Афғонистоннинг жанубий-

шарқий чегарасидан узоқ бўлмаган Кветта шаҳрига келди. Кейин Кветта Индия қўлига, кейинчалик, 1947 йил ажралгандан кейин Покистон қисмига ўтди. Бу ерда отам Аҳмадий бўлган бир меҳрибон сектасининг миссионери бўлган инсонни учратди. Бу киши ачиниб уни уйига олди. Бир оз вақтдан кейин отам бу меҳрибон кишининг қизига уйланди ва уларнинг бир неча фарзанди туғилди.

1935 йили Кветтадда бир куни оқшом кучли зил-зила юз берди. Шаҳар вайрон бўлди, 60 мингга яқин киши ҳалок бўлди, улар орасида отамнинг хотини ва ҳойнаҳой ёки шу билан бирга уни икки қизи ҳам бор эди. Отамни қутқарган нарса шу эдики, уй бузиладиган вақтда, у яширинган эшик уни синиб тушаётган бўлаклардан ҳимоя қилган. Шу сабабли ҳозир мен яшаяпман.

Мен туғилганимда, менинг отам ислом динини аҳмадий масҳаби Халифасининг, яъни раҳбарининг шахсий қўриқчиси эди. Лекин бу унинг ягона маблағ келадиган жойи эмасди, у ҳар хил ишлар билан шуғулланиб кўрди. Бир вақтлар у катта бўлмаган электрон маҳсулот магазин эгаси, кейин ўзининг оёқ-кийим фабрикасини очди. Бу ишларни у Кветтада ўрганган эди, аҳмадий миссионерлари бу ҳунарни ўрганиши шарт эди. Дўстларим „этикдўз ўғли“ деб, менинг баъзида ғашимга тегар эди.

12 млн. дан иборат киши ўзларини „Аҳмадийлар“ деб номлашарди. Уларнинг катта қисми Покистонда яшайди. Шундай бўлишига қарамасдан, жамоа ўлчами бўйича етарли даражада бошқа жойларда яшайди.

Ғулом Аҳмад тахминан 1835 йили Локардан 70 мил шарқдаги Ҳиндистоннинг ва Покистоннинг ҳозирги чегарасидаги Кадиана шаҳрида туғилган. У диндор мусулмон бўлиб янги ҳаётга тўлган исломни қуришни жуда хоҳлар эди. 1880 йилларда у арвоҳлар ва ҳар хил хаёллар кўра бошлади, у ваъда берилган Масиҳлигини тасдиқлай бошлади. Масиҳийларни муқаддас китоби бўлмиш „Библия“ ва бошқа кўп дунё динлари ваъз қиладиган ва кутадиган, келишига ваъда берилган қутқарувчи эканлигини тасдиқлай бошлади. У Исо пайғамбар руҳи ва куни билан келганини хабар қилсада, аммо шунга қарамасдан Исо Масиҳнинг издошлари бўлмиш масиҳийларга ҳурмат кўрсатмаган.

Аҳмадийларнинг таълимоти 2 та тушунчадан ёки саволдан бошқа Мусулмонларнинг ортодоксал[2] таълимотига тўғри келади. Биринчи

[2] *Ортодоксал — умумий келишилган мусулмонларнинг тугри таълимоти.*

фарқ шундан иборатки, Муҳаммад охирги пайғамбарлар ичида буюги деб ишонардилар. Шу қаторида Аҳмадийлар тасдиқлашига Ғулом Аҳмадга йўлбошчи вазифаси берилиши шарт ва бусиз таълимот тўлиқ бўлмайди. Иккинчиси шундан иборатки, эътиқоди мустаҳкам мусулмонлар: Исо Масиҳ хочда ўлмаган, балки У арши аълога кўтарилган. Аҳмадийлар бу саволда узоқ кетади, уларнинг тасдиқлашича: Исо Кашмирда вафот этган ва Унинг қабрини ҳозир ҳам кўрса бўлади. Аҳмад Ғулом ўқитишича: Исо хочга михланган, лекин ўлими олдидан хочдан ечиб олинган. Кейин махсус мазь ёрдамида тузалган. Кейин Кашмирга келди ва 120 ёшида шу жойда вафот этди. Худди мана шу Аҳмадийлар таълимоти менинг ҳақиқатни топишимга туртки бўлди. Ғулом Аҳмад вафотидан кейин унинг издошлари орасида келишмовчилик ҳосил бўлди. Бири у оддий муджадид, реформатор, яъни ислом динини тозалаш учун келган — деса; бошқалар эса у пайғамбар ва ҳақиқий Масиҳ (миссия), яъни ваъда берилган мадҳи деб ишонишарди. 1914 йили Ғулом Аҳмад вафотидан олти йилдан кейин очиқ ажарлиш бўлди. Кўпчилик ташкил этган 2 фикрдагилар ўзларини Ғулом Аҳмаднинг ўғли деб номлади. Башир-у-Дина, 2-халифа ва Ғулом Аҳмаднинг ватани Кадинада ташкил топди. Бу кун аъзоли жамоа, Кадиан партияси деб номланди. Уларнинг рақиблари буюклиги бўйича 2-чи ўринда турадигани Покистондаги Лохарга қочиб кетди ва партия Лохар деб танилди.

Менинг отам руҳи ва юраги билан Кадинага тегишли эди. У биринчи хотинини вафотидан кейин Кадинага келди. Менинг билишимча, 40-йиллари у яна 2-марта уйланган. 1947 йил Индия мустақилликка эга бўлган вақтда ундан Покистон ажралди, менинг отам бошқа Аҳмадийлар сингари Покистонда яшаш учун Лохарга келди. Мусулмон бўлгани сабабли Индияда қолишга қўрқдилар. Ҳақиқатдан ҳам минглаб мусулмонлар Покистонга қочаётган вақтда ўлдирилган. Лекин Худо яна бир бор Отамни асради. 1950 йили Отам менинг онамга уйланганда, у катта оилага эга эди. Эҳтимол, бу отамнинг ҳаётидаги асосий ташвиш эди. У ҳамиша янги уйланиш гўёки, унинг тақдирини ўзгартириб ва охири бой бўлишига умид қилар эди. Аммо бу сафар ҳам бундай бўлмади.

Ортодоксал — умумий келишилган мусулмонларнинг тўғри таълимоти.

Мен чақалоқ бўлганим учун албатта, бу нарсаларни билмас эдим. 10 ёшга тўлганимда биз Кадиана партиясига тааллуқли Аҳмадийлар

маркази бўлган Рабвахга кўчиб келдик. Рабвах янги шаҳар эди. У 1951 йилда ташкил топган. Кадианларнинг таъсири бу ерда шунчалик кучли эди-ки, 1974 йилгача Аҳмадийларга тааллуқли бўлмаган одамлар, умуман яшай олмас эди. Мана шу шаҳарда мен ўсдим. Бошиданоқ менинг илмим Қуръонга асосланган. Мусулмонлар учун муқаддас китобни ёддан билиш ҳурматга сазовордир. 10 ёшимда мен Қуръондаги узун бўлимларни ёддан билар эдим. Ҳамма мусулмонларнинг фарзандлари Қуръонни араб тилида ёд олишади. Айтишларича, Қуръон Муҳаммадга худди мана шу тилда берилган. Менинг она тилим „Урду“ тили эди.

Мусулмонларнинг муқаддас китоблари Таврот, Забур, Инжил, ва Қуръондан иборат. Бу китоблардаги мавзу(мазмун)лар менга болалик йилларимдан таниш, Нуҳ ва Иброҳим менга эски каби эди. Бизни бутун ҳаётимиз қаттиқ тартибланган кунлик номозга бўйсундирилган эди: Бу мени тартибга солди ва имонни менинг ҳаётимнинг муҳим қисмига айлантирди.

> Мен Худога ишонаман. Мен унинг пайғамбарларига унинг фаришталарига, уч китобларига, унинг қиёмат кунига ишонаман. Мен коинот тангриси бўлмиш Худодан миннатдорман. У буюк ва бизга меҳрибон, қиёмат кунида У бизни ҳукм қилади. Сенинг марҳаматингга лойиқ... ва ғайридин яъни қабул айлагин.

Кечқурунлари мен одатда онам билан, гоҳида отам билан ибодат қилар эдим. Мен кичик эдим, шунинг учун ўзимнинг хонамда ёки ота-онамнинг хонасида ибодат қилар эдим.

— Онажон, менинг уйқум келаяпти, ибодат қилайлик. — Яхши, ўғлим, мен сенинг ибодатинга қулоқ соламан, — деб онам жавоб берар эди.

Баъзида, уларнинг хонасига ибодат қилиш учун борганимда, мен уларнинг урушаётганини кўрар эдим. Кўпинча бунинг сабаби молиявий ташвишлар ва шу билан биргаликда Отамнинг тез-тез кетиб қолиши эди.

Бир куни кечқурун отам билан онам бошқа хотини устида урушаётганини эшитиб, мен ўз ичимда, „катта бўлганимда, менинг фақат битта хотиним бўлади“, дедим.

Номоз бизнинг ҳаётимизга соатлар бўйича тақсимланган. Ҳар куни тонг ёришишидан олдин бизни Оллоҳга мурожаат қилиш учун чақирар эди. Кейинчалик Зуҳр, яъни тушки номоз куннинг кундалик

ташвишларининг оқимини бузади, лекин кун ботишидан бир соат олдин бизни яна номоз учун чақирар эди. Қуёш ботганида бирданига биз номоз ўқиймиз ва охирги номоз тахминан кеч соат 8:00 ларда ўқилар эди. Унинг вақти қаттиқ белгиланмаган, яъни бошқа номозларга ўхшаб қаттиқ белгиланмаган.

Менинг ёшлик йилларимдан хотиралар...

Ибодат вақтида мен бир нарсага ёшлик йилларимдан ҳижолат тортар эдим. Ниҳоят охир оқибат 10 ёшимда, нима мени ҳижолат қилаётганини тушундим. Ухлашдан олдин ибодат қилиб Муҳаммад учун Худодан марҳамат сўрашни ўргатган, яъни ўқитган эди: „О Тангри, Муҳаммадни ва унинг авлодини марҳаматлагин...“

Аммо мен ўйладим, „агар Муҳаммаднинг ўзи бутун дунё учун Марҳамат бўлса, унда нима учун биз Тангридан уни марҳаматлашини сўраймиз!?“ Ҳаттоки, болалик йилларимда бунда ҳеч қандай маъно кўрмаганим учун кейин жуда ҳижолатга тушар эдим.

— Яна номознинг бир жойида, Муҳаммадни хотирлаб, „Унга тинчлик бўлсин“ — деб қўшимча қилар эдик. Демак, мен ўйладим — биз тинчликни Муҳаммад учун сўрасак, Унда Муҳаммад тинчлик манбаи эмас эканда? Агар-да, ҳатто у тинчликка эга бўлмасада, унда кимхудонинг тинчлигига эга? Менинг бутунлай миям гангиб қолди.

Қуръондаги кўп оятларни ёд олиб, аҳмадий мачитида кўп вақтимни ўтказа бошладим. Оқсоқолларнинг суҳбатига қулоқ солар эдим. Мен бизнинг аҳмадий жамоатимиз бошқа мусулмон жамоатларидан нимаси билан фарқ қилишини жуда билишни хоҳлар эдим. Ўша пайтлардаёқ мен фарқ борлигига имоним комил эди. Қўшни қишлоқда яшайдиган мусулмонлардан, биз дўстларимиз билан тез-тез „Бу ердан йўқолинглар, Мирзан! Кофир, Нопок!“ деган сўзларни эшитар эдик.

Албатта ажабланарли жойи йўқ-ки, биз фақат жамоатимиз атрофидан узоқлашмасликка ҳаракат қилар эдик.

Бу ерда биз хавф-хатардан узоқ эдик. Бизнинг шаҳримиз Лахор шаҳрининг шарқий қисмидаги дарё бўйида жойлашган эди. Мени отам дарёни жуда яхши кўрар эди, шунинг учун у тез-тез балиқ овлашга бориб турар эди. Менинг фикримча, бу машғулот у учун бир оз бўлсада ташвишлардан ва кўнгилсизликлардан қочишнинг бир йўли эди. Уни чанг ва кир билинмайдиган қора кир сифат эркин кийим кийиб, оёғидаги этик билан катта қадам ташлаб кетаётганини мен кўрганман. У соатлаб дарё томон йўқ бўлиб кетар эди. Бу вақт у нималарни ўйлаган экан? Мендаги шубҳалар, унда ҳам туғил-

димикан? Буни мен била олмас эдим, чунки Покистонда ота ўғил билан бундай мавзуларда фикр алмашмайдилар.

10 ёшга тўлганимда мен мачитда ўтириб, одатдагидек бир киши билан домланинг суҳбатини эшитиб ўтирган эдим. Суҳбат ибодатнинг кучига келиб тақалди. Мени бу мавзу жуда қизиқтирар эди. Бу воқеа зухр номозидан кейин эди. Мен бир кишининг: „Агар банда (киши, одам, инсон) дарё ёқасида турган одам, калима(ибодат)га ишонса, дарёдан қуруқликда юргандек ўтиб кетади“ — деганини эшитдим.

Менинг юрагим тез ура бошлади. Наҳотки ибодат орқали шундай иш қилса бўлади. Ҳамма мусулмонлар каби мен ҳам калимани ёшлигимдан билар эдим. Мен секин ўрнимдан турдиму, ҳеч кимга сездирмасдан мачитдан чиқиб кетдим.

Мен мачитдан 1,5 км узоқликдаги дарёга қарад йўл ондин. Югуришдан чарчаб қирғоқда тўхтадим ва оёқларим остидан оқаётган тинч дарёга кўз ташладим. Дарёда узоқдан бир нечта қайиқ билан балиқчилар кичкина бўлиб кўринарди. Улар қўшни қишлоқдан эдилар. Мен атрофга қарардим, бошқа ҳеч ким кўринмасди.

Овозим борича бақириб муқаддас сўз калима қайтара бошладим: — „Во имя Аллаха, великого и милосердного, верую что нет бога кроме Аллаха и что Мухаммад его Пророк“.

Мен шолвордан ва камзулдан ибодат учун (ноқулай) кенг кўйлакдан иборат мактаб формасида эдим. Мен ўйладим, кийимларимни ечишим шартмикин, лекин шу заҳоти эсладим. Ахир сув устида юришга тайёрланаяпман, сувда чўмилиш учун эмас! Ўйлаб туриб, нима бўлса ҳам, оёғимдан оёқ кийимимни ечдим.

Қўрқиб ва шайланиб мен сувга қадам ташладим. Сувни қуруқлик каби қаттиқ бўлмаётганини сезганимда, менинг жасоратим йўқола бошлади. Лекин ўйламасдан олдинга дарёга ташланар эдим. Сув тиззамга қадар келди. Мен яна калима қайтариб, тез орада ибодат (номоз ёки калима) таъсир қилади ва мен сув устида юраман, деган фикрда қадам ташлай бошладим. Тўсатдан қадам ташлаб, дарёнинг таги, яъни оёғим остида ҳеч нарса йўқлигини ва оёғим ҳеч нарсага тегмаётганини сездим. Аммо мен тўхтай олмас эдим. Мен сувга шўнғиб кетдим. Қўрқувдан овозим чиқмас эди, мен сузишни билмас эдим! Мен чўкаётганимни тушундим ва иложсизликдан бақириб юбордим.

О, шундай хурсандчиликни сездимки, кимнингдир кучли қўллари мени тутгандагина! Қандайдир мўъжиза орқали балиқчилар бари бақирган овозимни эшитиб, мени қутқаргани сузиб келишди. Мени

қайиққа тортиб олганида, мен алам қилганидан ва қўрққанимдан йиғладим.

Мен ўзимга келганимдан кейин, улардан бири мендан сўради:

— Нима қилганинг бу? Нима учун сувга кийимингда тушдинг.

Ўлимга яқин бўлганимни эслаб, мен яна йиғлавордим. Унинг устига мен жуда қўрққан эдим ва унга ростини айтишга қарор қилдим. Кулмасдан балиқчиларга қараб, мен ҳаммашни айтиб бердим:

— Мен агар имон билан калимани қайтарсам, сувдан ўтиб кета оламан, деб ўйлабман.

Бу улар учун ёлғон каби жаранглар эди. Бу одамлар нима деб ўйлайди, энди? — улар ҳайрон бўлиб тикилиб қолди, кейин улардан бири баланд овозда устимдан кулди:

— Ах, сен кофирнинг ўғли! Сенинг отанг кофир, онанг кофир, сизлар оилаларинг билан Кофирсанлар, Кадиани, Мирзан. Қандай қилиб сен нопоклар, Худо сизларни эшитишига ишонасанлар? Наҳотки сен калима қайтариш орқали сувдан юриб ўтаман, деб ўйласанг? Йўқол кўзимдан, бориб ота-онангга айт, олдин ҳақиқий мусулмон бўлсин, кейин келиб уриниб кўр! Йўқол сувга чўктириб юбормасимдан! — деди.

У шундай қарадики, уни қарашидан қўрқиб кетдим. Қайиқ қирғоққа яқинлашиши билан мен ундан сакраб тушиб, қирғоққа тирмашиб чиқдиму, қишлоққа югуриб кетдим. Мен жуда шарманда бўлдим ва ўзимни оқлаш сифатида, Худодан жуда хафа бўла бошладим, чунки у менинг ибодатимга жавоб бермагани сабабли, бу фикр мен уйга етгунимча ичимни гулхан каби ёқарди. Оёқ кийимсиз оёқларим шилинган эди. Унинг устига агар отам оёқ кийимимни йўқотганимни билса, жуда жаҳли чиқишини билар эдим. Уст-бошим қуриб қолган бўлсада, лекин оёқ кийимим йўқолганини қандай тушунтираман? Мени қурқув ва ёлғизлик қоплаган эди.

Ҳаммаси худди мен кутганимдек бўлди. Уйга етишим билан онам менга бақирди:

— Қаерга йўқолдинг, Масуд? Қаерга бординг? Мен нима деб жавоб беришимни билмас эдим. Онам мени савалай кетди. Отам уйга қайтиб келганида, онам мени йўқ бўлиб кетганимни айтди ва отам менга бақирди. Ҳозиргача эслайман, унинг бақирганини эшитиб ўзимни йўқотганимни, уст-бошимдаги доғлар, худди юрагимга қуйилгандек эди. Шунинг учун мен бўлиб ўтган воқеани айтиб бердим. Кўз ёши билан айтган бу воқеамга онам билан синглим кулди, лекин отам жим бўлиб қолди. Мен унга:

— Отажон, ахир биз мусулмонмизку, тўғрими? Нега бўлмасам улар бизни „кофирлар“ дейди? Ахир кофирлар Муҳаммад пайғамбар вақтида бўлишган: Қуръонда ёзилишича улар мусулмонларга ҳалақит беришган, лекин биз улар қаторида эмасмизку! Биз қуръонга ишонамиз ва 5-маҳал номоз ўқиймиз. Нега шунда ҳам анови одамлар бизни кофир деди.

Мен ўзимни тўхтата олмасдан йиғлар эдим. Отам эса менга тикилиб жим ўйга ботди. Жавоб олмаганимдан кейин бор кучимни йиғдиму:

— Ота, мен ўзим буларнинг фарқига боришни истайман. Мен буларни ҳаммасини ўқиб ўрганишим керак. Отам кўзимга хафадек кўринди. У кўзларимга қараб:

— Масуд сен ҳали ёшсан. Катта бўлганиингда буларнинг ҳаммасини тушунасан. Эртага сенинг ўқитувчинг билан гаплашаман. Ҳозир эса ухлайдиган вақт бўлди. У ҳеч қандай дўқ пўписа қилмасдан гапирди. Шундай бўлишига қарамасдан „эртага отам ўқитувчимга шикоят қилади ва ўқитувчим мени жазолайди“ — деган фикр менга тинчлик бермасди.

Жуда хафа бўлиб тўшакка ётдим. Мен ҳамиша итоаткор бола эдим, шунинг учун бу воқеа мени хавотирга солди. „Кофирлар“ — деган сўз қулоғимда ҳали ҳам жаранглар эди. Ўқитувчимнинг жаҳллари ҳақида ўйласам баданимни қурқув қоплар эди. Мен билган ибодатларимни қайтардим. Лекин менга қурқув эмас, Аллоҳ мени эшитмагани кўпроқ азоб берар эди. Нега мени Аллоҳ ташлаб кетди? Нима учун Худо ибодатимга жавоб бермади? Балким мени алдашаётгандир? — деган саволлар ўйлантирар эди.

„Эй Оллоҳ“, — эстеҳзо билан гапирдим. Наҳотки Сен араб тилидан бошқа тилларни тушунмасанг? Шунинг учун Сен урду ва пушта тиллардаги ибодатларни эшитмайсан-ми? Менинг ибодатларимга тушунмадинг-ми? Ёки мени эшитишни хоҳламадинг-ми? Балким, Сен ҳам ота-онам каби мендан хафа бўлсанг керак? Деворга ўгирилиб, ниятим амалга ошмагани сабабли, йиғладим.

Худди мана шу куни тушимда, чорраҳага чиқиб, йўқолиб қолдим. Мени отам қучоқлаб, уйга кузатди.

1972 йили Аҳмадийлар мактаби миллийлаштирилди ва Покистон мактабига киритилди.

1972 йилгача Аҳмадийлар таълим соҳасида ҳам ўзининг урф-одати бўйича боришни маъқул кўрдилар. Ёшлигимдан аҳмадий мактабига бордим. Мен мактабни жуда яхши кўрар эдим. Ўқитувчимиз Муҳаммад Изаилни жуда ҳурмат қилар эдим.

Муҳаммад Измаил узун оқсоқолли қария эди. Кўпчилик Аҳмадийлар каби менинг отам ҳам узун соқол эмас, ихчам соқол қўйиб юрарди, аммо Муҳаммад Измаилнинг соқоли кўкрагигача келарди. У касалманд киши бўлсада, Рабвахда китобхонлар орасида обрўга эга эди, чунки у кўп гоҳида ўқувчилар учун ростакам жаъзо эди.

Сувда юришга уринганимдан бу кунгача мен синфда қўрқувга ва ташвишга тушиб ўтирдим. Отам Муҳаммад Измаилга нима айтган экан? Одатдагидек, ўқитувчи журнал текширди ва ҳаммани борлигини белгилаб, мени доскага чиқишимни буюрди.

— Масуд отанг сенинг устингдан шикоят қилаяпти. Сен бирон жойга кетсанг, ота-онангни огоҳлантиришинг шарт. Сувга чўкиб кетганингда нима бўлар эди? Энди эътиборли бўлгин!

Бу насиҳатларни менга бериб ўтириш учун рухсат берди. Мен миннатдорлик сўзини минғилладим, лекин ўзимнинг тушимни унга айтиш мақсадида доскада туравердим. Охири у сўради:

— Масуд нима гап?

„Устоз, — жавоб бердим мен: — мен бир туш кўрдим бу оқшом“. У менга ўйланиб қараб қолди.

У деди: — Туш? — Секин қайтарди худди ўзига-ўзи гапиргандек. — Сен ҳам-ми?.

Хурсандлигимдан титраб кетдим. У ҳам туш кўрибди! Қара-я, — деди! Наҳотки бу мумкин бўлса...? Аммо у давом этди:

— Қани ўғлим, қандай туш кўрдинг? Нимани кўрдинг? У мени четга олиб ўтди ва мен унга тушумни айтиб бердим. У чуқур ўйга ботди, кейин деди:

— Масуд, бу ҳақда ҳеч кимга айтма! Тушундингми?

Мен маъқуллаб бош силкиб қўйдим. Менинг юрагим ўйнар эди. Буни мен тушунмасамда, аммо Аллоҳ мен ҳақимда ғамхўрлик қилганини ҳис этдим. Кечаги муваффақиятсизликка, жазо ва кўз ёшларга қарамасдан, у бу ерда бўлган, у мен ҳақимда ғамхўрлик қилган, — деб хурсанд бўлдим.

3

Мен ўсаяпман

Мана бугун яна ота-онам уришиб қолди! Мен онамнинг бақирганини эшитдим ва қулоғимни қўлим билан ёпгим келди, чунки онам отамга гапираётган уятли сўзларни эшитгим келмас эди. Тез-тез бўлиб турганидек, онам отамни қаергадир йўқолиб кетишда айбларди. Онамга отам бошқа шаҳардаги хотини олдига бориб туриши ҳақидаги хабар етиб келибди. Менга биттадан ортиқ хотин олиш — кўтариб бўлмайдиган юк эканлиги ҳақидаги фикр биринчи маротаба келиши эмас эди. Бундай юкни ҳеч қачон хоҳламаган бўлар эдим. Мен дўстим Саидни эсладим. Унинг уйида бизнинг уйга қараганда тинчроқ эди. Унинг ота-онаси менинг ота онамга ўхшаб уришишмас эди. Унга чиройли кийим ва бошқа нарса олиш учун уларнинг пули бор эди. Менинг ота-онам менга, менинг синглим Жамилага, укам Махмудга олиб бера олмаган нарсаларни унга олиб берар эди. Ҳаттоки, мен отамни ҳамма фарзандларини билмас эдим, аммо оила қандайдир бошқача бўлишини орзу қилар эдим. Шуниси қизиқки, назаримда, бизнинг пайғамбаримиз Муҳаммад ҳам, худди шундай менинг отам тортаётган ташвишларни тортгандек эди. Ислом дини аёлларга енгиллик беради, аммо бир хотинига кўп, иккинчисига кам эътиборда бўлишига инсоний рашки тинч қараб тура олмаслиги аниқ. Унинг устига оилада ҳамиша моддий етишмовчилик. Мен онамни гоҳида Тарнабдаги отасидан пул олиб туришини билардим, лекин шунда ҳам яшаш жуда қийин эди. Ҳар қандай шароитга қарамасдан, отам ҳамиша бор-йўғимизни йўқ қилиш йўлини топарди. У улфатларини жуда яхши кўрар эди, шунинг учун уларга пулини ҳам, бор йўғини ҳам аямасдан маъишат уюштирар эди. Лекин биз бундай маъишат уюштиришимизга қодир эмаслигимизга эътибор ҳам бермас эди.

Бир куни онам шундай хафа бўлдики, ҳаттоки жанжал вақтида велосипед насоси билан унинг бошига туширди. Отам йиқилиб бир

неча минут беҳуш ётди. Мен онамга: „Илтимос, урманг уни, урушингиз керак эмас. Қўшнилар нима дейди“ — деб бақириб юбордим.

Отамдан ҳам кўпроқ обрўимиз ҳақида ташвиш чекканимни эслаш мен учун уятли. Отам эса жуда ғазабланиб, сакраб ўрнидан турди ва менга дўқ уриб деди:

— Ўчир овозингни! Бу сенинг ишинг эмас! Бу сенга томоша эмас!

Юзим қизариб айвондан чиқиб кетдим. Балким мен жуда таъсирчан бўлганманми, лекин ҳамиша менга онам синглим Жамилани менга қараганда кўпроқ яхши кўрадигандек туюлар эди. Онам Жамилани урду тилига ўргатар эди, чунки у ҳали мактабга бормас эди. Бу уларни бир-бирига яқинлаштирар эди. Онамнинг жуда эркалатишини хоҳласамда, онам мени эркаламас эди. Балки у мени отамга ўхшаб қолишимдан қўрққанлиги сабаблими ёки она табиатан қизга яқинлиги сабаблими, у синглимни яхши кўрарди.

Онамни озиқ-овқат учун пули етишмаслиги мени жуда ташвишга солар эди. Бир куни уларнинг хонаси олдидан ўтиб кетаётиб онамнинг гапини эшитиб қолдим:

Онам: — „Уйда нон йўқ“, менга нон ва гуруч сотиб олишим учун 5 рупий керак. Сен менга берган пулларинг болаларни боқишга етмаяпти, — деди.

Отам норози бўлиб қанчадир пул берди, аммо бу пул ҳам кам эди. Онам аламига чидай олмасдан, бизга бақириб:

— Сенлар ҳам отангнинг бири бўласанлар! — дея бизни савалай кетди. Албатта, онам учун қийин эди. Шунинг учун мен унга ёрдам беришни ҳис қилдим. Мен маоши кичик бўлган оғир бўлмаган ишлар билан шуғуллана бошладим. Аввало, ресторанда коса-товоқ ювдим, кейинчалик бозорда мева сотувчига ёрдам бердим. Меваларни ювиб тахлар эдим. Онамга биринчи маошимни олиб келганимда, у ажабланди. Мен у хурсанд бўлади, — деб ўйлаган эдим, аммо унда ҳеч қандай хурсандчиликни кўрмадим.

Бу ўтган вақт оралиғини мен кўп ибодатда ўтказдим. Ҳозир менга туюлишича, Худо менинг юрагимга ибодат қилиш руҳини солган экан. Ҳаттоки, оилада тинчсизликларга ҳам қарамасдан ибодатдан тўхтамас эдим. Худо бу хоҳишимни рағбатлантирар эди.

1963 йили кунларнинг бирида, навбатдаги ота-онам урушидан кейин, арифметика фанидан дафтарим тўлгани ва янги дафтар олишим кераклиги ёдимга тушди.

„Нима қилсам экан?“ — дея ўзимдан сўрадим, — Отам ҳозир жуда ғазабланган-ку! Қандай қилиб ундан янги дафтарга пул

сўрайман? Беихтиёр ибодат қила бошладим: „О, Оллоҳ! Отамнинг ғазабини тинчликка айлантиргин, токи мен ундан дафтар учун пул сўрайин!“ Афсуски, мен сўраганимдек бўлмади, менинг отам ғазабланиб уйдан чиқиб кетди. Бўйинга олиш уят бўлса-да, аммо эртаси кунига мен мактабдаги ўртоғимнинг бир дафтаридан бир нечта варақ ўғирладим. Менга бу етади, — деб ўйлаган эдим. Аммо уй вазифасини бажараётганимда варақ тугаб қолди. Мен онам ва Жамила шуғулланаётган қўшни хонага ўтиб, онамдан дафтар учун пул сўрадим, аммо онам эшитмади ва мен тушундимки, талаб қилиб бўлмайди. Чунки бу онамни ғазаблантирар эди.

Қоғоз олиш мақсадида синглимни сумкасини қидира бошладим, аммо у яшириб қўйган экан. Уйга вазифани тугата олмаганлигим сабабли жуда қўрққанимдан ухламасдан отам келишини кутишга қарор қилдим. Китоб ўқиш учун ўтирдим, аммо тезда ухлаб қолибман.

Менга бир дақиқа ўтгандек туюлди. Кимдир мени туртаётганини сездим ва онамнинг овозини эшитдим:

— Соат оқшом 1:00 бўлди, нега хонангнинг чироғини ўчирмасдан ухлаяпсан! Сен отангнинг ўзисан, ҳеч қачон билим олаолмайсан! Тур ўрнингдан, дангаса бола, жойинга бориб ёт! У чироқни ўчирди ва хонадан чиқиб кетди. Эрталаб менинг фикрим бажариб тугатилмаган уй вазифасида эди. Уйимиздан мактабгача бир километр эди. Ўша куни фақат ўзим учун Худодан сўрадим:

— Эй Худо, бугун ўқитувчимиз касал бўлиб мактабга келаолмасин.

Тезда ўқитувчимиз касал бўлиши масаласини Худо ечмаслигини тушундим, бошқача ибодат қила бошладим: „О Худо, мени кечир, мен мана шу йўлдан бир рупия пул топиб олайин. Чунки мен 2 та дафтар, қалам ва қалам йўнғич олмоқчиман“.

Мени имоним буюк эди, шунинг учун оёғим остига тикилиб юрагим истайдиган нарсани топишимга ишонар эдим.

Йўлнинг ярмига келганимда, хаёлимга „балким мени кутаётган нарса жуда кўпдир“ — деган фикр келди. Ва яна ибодат қилишни бошладим: — „Хўп, майли Тангрим, агар бир рупия жуда кўп бўлса, 50 фоизи «бир рупияни ярми»ни беракол!“

Мактаб дарвозаси кўринганда 25 фоизга, кейин 20 ва ниҳоят 10 фоизга келиб тушдим. Ҳеч бўлмаса бир нечта варақ сотиб олишим учун ердан пул қидирар эдим. Аммо, ерда ҳеч нарса кўринмас эди. Мен буткул умидсизланиб мактаб дарвозасига яқинлашганимда таниш овозни эшитдим:

— „Ўғлим, болам менинг!“. Менинг юрагим ўйнаб кетди. Тезда орқамга қарадим ва тушумда кўрган ўша оқ кийимли кишини кўрдим. Ҳаяжон ва қурқув мени қоплагани сабабли титрай бошладим. Узоқдан — „Қўрқма, мана бу рупияни ол! Нима олишни истаган бўлсанг, шуни сотиб олгин! Уй вазифасини бажариб қўйгин! Чунки, ҳали вақт бор“ — деган овоз тарқалди ва йўқолди. Худди хушсизлардек бўлиб мактаб дўкончисининг — „Сенга нима керак?“ — деган сўзини эшитдим. Мен ҳайратда қолдим. Чунки дўконда қўлимда бир рупияни ушлаб турар эдим. Бор кучимни йиғиб, менга нима кераклигини сотувчига айтдим, уй вазифасини охирига етказиш учун яқиндаги ўриндиққа ўтирдим. Уй вазифасини тугатишим билан қўнғироқ чалинди.

Бир неча вақтдан кейин ўқитувчининг уй вазифасини бажардингми, — деган саволига, менинг „ҳа“ жавобим энг қувончли ва баланд бўлди.

Шунинг билан ўн уч ёшимда синфни тугатдим. Мен ўша пайтлари 9-синфда ўқийдиган Аҳмад исмли бола билан дўст бўлиб қолдим. У жиддий ва оғир бола, ҳар қандай руҳий нарсаларга қизиқувчан эди. Шундай дўстим борлигидан бахтли эдим. У баланд бўйли ва мендан юқори синфда ўқиганлиги сабабли у менга машғулотларимга ёрдам берар эди.

Аҳмаднинг отаси Аҳмадийларнинг миссионери эди. Аҳмадий сектасида миссионерлик ишларига катта эътибор берилганлиги сабабли, Мирза Ғулом Аҳмадий таълимоти бутун дунёга тарқалган. Аҳмаднинг отаси Рабвахдаги миссионерлик коллежида ўқитувчи ва воизхон эди. Уларнинг ҳамиша меҳрибонлиги сабабли уларникига меҳмонга боришни жуда яхши кўрар эдим. Қиш кунларининг бирида мен Аҳмадларникига келдим. Биз ўйнаётган эдик, қаердандир ёқимли қўшиқ эшитдим. Олдинига мен бу радио бўлса керак, деб ўйладим, аммо Аҳмад:

— Йўқ, мусофирлар куйлаяпти. Юр бориб кўрамиз! — деди. У қўлимдан ушлади ва биз зинапоядан уйнинг томига кўтарилдик. Аҳмадларнинг уйи кўп кичик уйларга туташиб кетган эди. Биз турган жойдан бу уйларнинг ички ҳовлисини кўрса бўлар эди. Бу уйларнинг бирида эркаклар, аёллар ва болалар йиғилиб куйлар эди. Бизнинг соямиз ҳовлидаги тошларга тушди, улар бошини кўтариб бизга қаради. Биз қимирламасдан уларга қарадик. Мен ўша пайтлари биринчи масиҳий қўшиқ эшитганимни билмас эдим. Улардан бири ўрнидан туриб, бошини эгди ва ўтирганларга қараб нимадир дея

бошлади. Ўтирганлар диққат билан қулоқ солар эди, биз жуда узоқдалигимиз учун уларни гапини эшитмас эдик. Бу кўриниш мен учун жуда қизиқ эди. Аҳмад қўлимдан туртиб:

— Масуд кетдик, онам чақиряпти, юр тушамиз. Пастда Аҳмаднинг онаси чой тайёрлади, чой ичиб бўлганимиздан кейин Аҳмад менга:

„Масуд юр мен сенга ўзимнинг кутубхонамни кўрсатаман“, — деди. Аҳмад ўзининг китоблари билан мағрурланар эди. Мен ҳам китобларни севиб йиғар эдим ва болалар ҳақидаги китоблар тўплами билан мағрурландим. Одатда китобларни ортиқча чақалар ёки қўшнига ёрдам берганим учун берилган чақалар эвазига сотиб олар эдим. Аҳмадга ўхшаб мен ҳам пайғамбарлар ва бошқа мусулмонлар қаҳрамонлари ҳақидаги китобларни сотиб олар эдим.

Китоб ва журналлар орасидан тўсатдан „Хуш Хабар“ номли китобга кўзим тушди. Номи қизиқ жаранглар эди. Олдинига бу китоб болалар учун бўлса керак, деб ўйладим. „Хуш Хабар“ урду тилида бўлгани сабабли, мен бу муқаддас китоблардан бири эканлигини тушундим. Биз тўртта муқаддас китоб борлигини ўқиганмиз:

Таврот (Мусо томонидан берилган қонун).
Забур (Довуд томонидан берилган сано).
Инжил (Исо Масиҳ томонидан берилган Хуш Хабар).
Қуръон (Муҳаммад томонидан берилган муқаддас китоб).

— Исо пайғамбар томонидан берилган Инжил мана шуми? — деб Аҳмаддан сўрадим, — унда нега у урду тилида ёзилган, бизнинг муқаддас араб тилимизда эмас? Аҳмад менга жавоб бермасдан, унинг онаси келиб қолди ва ғижиниб менга деди:

— Мана бу ахлатчилар бунга ўзларининг китобини беришган. Мен бу китобни уйда сақлашни тақиқлаган эдим, аммо менга қайтариб бердим, — деб алдабди. — Бер менга, ҳозироқ ёқиб юбораман. Мен ваҳимага тушиб:

— Йўқ холажон, илтимос менга беринг, — дедим.

— Ҳа, онажон, — деб суҳбатга қўшилди Аҳмад, — унга бера қолинг, унинг китоби кам. Аҳмаднинг онаси юмшаб: — Нима бўлганда ҳам, аммо бу уйда бу китобни бошқа кўришни истамайман.

Тезда Аҳмад билан хайрлашдим ва журналлар ва янги бойлигим Инжилни қучоқлаб уйга югуриб кетдим. Уйга келганимда Жамила дугоналари билан ўйнаётганди. Қўғирчоқ билан уйнаш жонига теккан, шекилли мен уйга киришим билан қўлимдаги журналларни

кўриб қўлимга тирмашди. Инжил қўлимдан тушиб кетди. Исо пайғамбарнинг муқаддас китобини ерга тушириб юборганлиги учун, жуда ғазабландим. Ҳаттоки уни урмоқчи эдим, унга яқин ўтирган акамни кўриб ўзимни тийдим. Мен китобни кўтариб хонамга шошилдим, чунки уни тезроқ ўқиб чиқгим келар эди. Шу оқшом бу китоб мен учун янги бир дунёни очди. Ўқиб тугатмагунимча, ухлашга ётмас эдим. Бошим янги фикрлардан қотиб қолган эди. Ҳақиқатдан Исо Масиҳ бўлганмикан? Мени билишимча, Аҳмадийлар Аҳмад Ғулом Масиҳ деб ишонишади. Исо Масиҳ — Калом деб номланганлигини билиб олдим. У Руҳ Оллоҳ, яъни Тангрининг Руҳи дейилган. Қуръон Уни Мариямнинг ўғли ва Исо деб номлаган.

Қуръон Исони мўъжиза яратганлигини таъкидлашини мен билиб олдим. Менинг қўшним ва мактабдошим Саидда пайғамбарлар ҳақидаги китоблар тўплами бор эди ва улардан бири Исо ҳақида эди. Мен Саиддан китобни олиб, куни билан бу икки китобни бир-бири билан таққосладим. Мен кўпгина фарқлар борлигини аниқладим.

Чуқур ўйга ботиб марказий мачитга, жума номози учун йўл олдим. Номоз қиладиганлар орасида эски ўқитувчим Муҳаммад Измаилни кўрдим, у ҳам мени номоз қиладиганлар орасида кўриб хурсандлигидан кулиб қўйди.

Мени билишимча, у мени қачондир аҳмадий сектасининг миссионери бўлиб, уларнинг таълимотини дунёга тарқатишимга умид боғлар эди. Номоздан кейин у билан бирга уйга қайтдик. Мени саволларимдан бирига жавоб бериб қолар деган фикр келди.

— Устоз, — тортиниб бошладим.

— Нима Масуд? Сен мендан нималарни сўрамоқчимисан? Мен бош силкаб маъқуллаб дедим:

— Устоз, хақиқатдан Худо бизнинг Отамиз биз эса Уни болаларимизми? У тўхтаб, менга жиддий қараб, деди: „Ким сенга буни айтди?“ — ҳайрон бўлиб сўради.

— Мен буни Инжилдан ўқидим, — жавоб бердим мен.

— Инжилда? Инжилни қаердан олдинг? Ким сенга берди? У китоб ҳозир қаерда? Унинг саволларидан менга ноқулай бўлди, аммо жавоб беришимга жасурлигим етди. Мен бу китобни Аҳмаддан олдим. Ҳозир у мени уйимда. У юришда давом этди, аммо бу сафар олдингига қараганда тезроқ эди. У менга деди:

— Масуд менимча, сен бизникига борганинг маъқул. Мен сенинг саволларинга жавоб беришга ҳаракат қиламан. Ундан жавоб олиш ниятида орқасидан мен ҳам шошиб етиб олдим.

Унинг уйига келганимизда мени ўтказиб ўзи китоб олиб келиш

учун чиқиб кетди. Шу маҳал унинг хотини кириб келди. Ўрнимдан туриб саломлашдим. У мени ўпиб сўради.

— Исминг нима? — Сен хўжайинимнинг ўқувчиларидан биримисан?

Жавоб бермасимдан устоз кўп китобларни кўтариб кириб келди.

— Илтимос бизга чой тайёрлагин, — деди.

У бизга асқотади, чунки бу болакай ўзининг ёшига қараганда жуда қийин саволлар бераяпти. Унинг хотини кулиб қараб деди:

— Бунга ўхшаган болалар бизни таълимотимизни дунёнинг четигача тарқатади.

Мен унинг сўзларини анча вақтдан кейин эсладим. Биз чой ичганимизча, устоз катта қора китобни олиб уни очди.

— Бу христианларнинг Библияси, — деди. У китоб Таврот, Забур ва Инжил, яъни Қонунлар, Забурлар ва Хуш Хабардан иборатдир. Унинг қўлидан китобни олиб, катта қизиқиш билан уни варақлай бошладим. Устозим Юҳанно баён этган муқаддас Хуш Хабарни шу китобдан топди ва бу тўртта Хуш Хабарнинг бири эканлигини пайқади.

— Тўртта Инжил! — ҳайрон бўлиб устозимга қарадим:

— Йўқ, Масуд, бу тўртта ҳар хил Инжил эмас. Бу битта Хушхабар китоб, лекин тўрт бўлимдан иборат. Чунки уни тўртта бошқа бошқа одамлар ёзган.

Ўша куни устозим айтган сўзларнинг кўпи ёдимдан чиқиб кетган, аммо биз мусулмонлар Таврот, Забур ва Инжил — Муқаддас самовий китоб эканига ишонамиз. Лекин Қуръонсиз охирига етмаган, яъни поёнига етмаган. Христианлар ўзларининг китобини йиғаётганларида биринчи учта китобни ўзгартирганлар. Фақат битта Инжил бўлган, ҳозир эса улардан тўртта Хуш Хабар. Бундан бошқа ваҳийлар бор, аммо христианлар (масиҳийлар) уларни эсга олишмайди. Шундай экан, — Библияни кўриб деди:

— Бундай китоблар фақат одамни йўлдан уради. Фақат битта Худо бор. Қуръонда нима дейилаяпти: „У ягона Оллоҳдир. Оллоҳ мустақил ва буюкдир. У туғмайди ва туғилмаган. Унга тенг келадиган зот йўқ.“

Агар У ўзи ҳақида У „туғмайди ва туғилмайди“ деган бўлса, биз қандай қилиб Худони Ота дея оламиз, У эса бизни фарзандим, дея олади.

Ўқитувчим сўзини тугатгандан кейин мен бош силкитиб қўйдим. Аммо кетишимдан олдим сўрадим:

— Устоз, бу ерда сувда юргани ҳақидаги ҳикоя йўқми?

Уч йил ўтиб кетган бўлсада, ўша муваффақиятсиз уриниш ҳали ҳам ёдимда яққол эди.

— Бундай ҳикоя бор, ўғлим, аммо мўжиза яратиш пайғамбарларга ва Ҳаворийларга берилган. Сен на пайғамбарсан, на ҳаворий. Ҳаттоки оддий имон учун ҳам ақл керак. У мени кузатишга чиқди ва дарвоза олдида туриб, мен унга Юҳанно Хуш хабарини олиб келишни ва буларни ҳаммаси ҳақида бошқа ўйламасликка ваъда бердим.

4

Худога яқинлашиш

Орадан икки йил ўтди, мен 15 ёшга тўлдим. Уйдаги аҳволим кундан кунга ёмонлашар эди. Отам молиявий томондан янада қийналар ва ота-онам бу мавзуда урушишда давом этар эди. Бу биз фарзандларни бахтсиз қилар ва юрагимизни қийнар эди.

Ўша пайтларда Худонинг менга жуда яқинлигини сезар эдим. Ҳозир энди тушунаяпман. Худо мен учун ҳеч қачон бефарқ эмас ва иложсиз бўлмаган. Мени ҳамиша Худо эшитишига ва мени шахсий ишларимга ҳам уст-кийимларим кам бўлганлиги сабаблими, ҳамиша дардимни айтар эдим.

Бундан ташқари отамга ўхшаб балиқ овига қизиқиб қармоғини сўрамасдан олар эдим. Бу вақтларни Худо билан гаплашиб ўткизар эдим. Бир куни: „О, Худо! Илтимос бугун 2–3 та балиқ бергин, зеро бизнинг оиламизда ейишсин“ — деб ибодат қилдим.

Шу вақт бирдан қармоқ қимирлади ва сув устида катта битта балиқни кўрдим. Нафасим чиқмай сал бўлмаса, сувга тушиб кетай дедим. Қармоқ узилиб кетишидан қўрқиб кетдим. Чунки қармоқни отамдан сўрамай олганим сабабли, мен учун у балиқдан ҳам афзалроқ эди. Агар узиб қўйсам отам мени кечириши осон иш эмас эди.

Бахтимга бир киши мени балиқ билан қилаётган жангимни сезиб, ёрдам берду. Ибодатимга жавоб бергани учун менда Худога нисбатан, миннатдорчиликни ва ҳурматни ўз ичига олган қурқувни, титроқни ҳис этдим. Аммо отамни қармоғини, сўроқсиз олганимни бўйнимга олишга жасоратим етмас эди.

Менинг бошимда катта савол бор эди. Мен аҳмадийларнинг нега бошқа мусулмонлар билан алоқа қилмасликларига ҳеч тушунмас эдим.

Масалан, нариги қирғоқдаги Чиниоталарга нисбатан бизнинг ҳаётимиз анча зерикарли эди. Худди бошқа ёшлар каби гоҳида менда ҳам норозилик туғилиб турар эди.

Мен берадиган саволларга катта одамлар ҳам жавоб бера олмаслигидан анча мағрурланиб юрар эдим. Ўша вақтлари Худонинг ҳақиқатига қараганда, тортишувларда ғолиб чиқишим кўпроқ қизиқтирар эди. Баҳсларда ғолиб чиқиш мақсадида, вақтимнинг асосий қисмини китоблар билан ўтказар эдим.

Аҳмадийлар ўзларининг қаттиқ тартибланган маънавий қонунлари билан мағрурланишар эди.

Бошқа мусулмонлар каби, улар спиртли ичимликларга ва ҳаддан ташқари чекувчиларга белгиланган жазолари бор эди. Албатта, ўзининг баданининг хоҳишини яширинча қониқтирганлар топилади, аммо очиқчасига ҳеч қачон.

Аджахед номи билан машҳур бўлзан гуруҳ бор эди ва ҳар қандай 12 ёшга тўлган бола, у ерда машғулот ўтиши шарт эди.

Бир оз вақтдан кейин бу гуруҳ муваффақиятли ҳаракатини ўзимнинг шахсий тажрибамда кўрдим.

Унинг фильмидан ҳақиқий ором олар эдим. Мен кўрган фильмлар мени ташвишларимдан узоққа олиб кетар эди. Мен ўзимни фильм қаҳрамонларига қиёслар эдим. Фильмда Покистон халқи улуғланиб, унинг қаҳрамонлари ўз ватани учун жонини берадиган меҳрибон кишилар эди. Уларнинг ватан учун ўзини қурбон қилишларидан мен жуда таъсирланар эдим. Уларнинг душманлари хасис, фақат ўзининг бойлиги ҳақида қайғурадиган, бадавлат кишилар эди. Британия мустамлакаси ҳаётидаги хотиралари эсдан чиқмаганлиги сабаблиги, душманларнинг Британ қиёфасидалиги ажабланарли эди.

Бир куни Чиниотага бирга борган дўстларим, менга „Амор-и-Ама“ гуруҳини етаклаб келишди, аммо жазодан қочиш менга насиб қилди. Бу гаплар Аҳмадий ўқитувчиларига етиб борганида, улар мени фақат Чиниотага кино кўриш мақсадида борганимга ишонишмади.

— Бундай бўлиши мумкин эмас, — дейишди улар.

— Агар, Масуд у ёққа борган бўлса, у ҳолда у мусулмонлар билан баҳс қилгани борган, — дейишди.

Улар мен ҳақимдаги ҳақиқатга ишонишни хоҳламадилар. Буларнинг ҳаммасига қарамасдан, Худо ҳеч қачон мени тарк этмасиди. Бир куни отам қўлимга 2 рупия бериб, ёғ сотиб олиш учун бозорга юборди. Мен пулни қўлимга қисиб бозорга югуриб кетдим. Йўлда кетаётиб, ўргатилган маймун билан бир кишини ўраб турган оломонга кўзим тушди. Маймунча ҳархил ҳунарлар кўрсатар эди. Мен эса сехрлангандек қотиб турар эдим. Ҳозиргача ҳайронман, бу қандай юз берганлигига, бу томошадан охир оқибат айрилиб қарасам қўлимдаги 2 рупия йўқлигини кўрдим. Мен эсанкираб қолдим ва

ноиложсизликдан бақириб юбордим. Уйга боргунимча йиғлаб бордим. Энди мени уришини билиб, ҳовлига киришим билан бўсағада ётган 2 рупияга кўзим тушди. Улар қуёш нурида ялтираб турар эди. Улар қандай қилиб бу ерга келиб қолганини тушуна олмайман. Балким, қандайдир оддий жавоб бордир, аммо бу ҳодиса мен учун мўъжиза эди. Худо яна бир бор мени ибодатимга жавоб қайтарди. Ўша даврларда мен Саидларникида хизматкорлик қилар эдим. Саид билан менинг алоқам жуда бузилиб борар эди. Саиднинг отаси уйида кам бўлгани учун уни акаси жуда катта таъсир кўрсатар эди. Унинг акаси маҳаллада ёмон ном чиқарган эди. Мактабда яхши ўқимаганлиги сабабли, мени ўқишга интилишимдан ғазабланар эди. У менинг жаҳлимга тегишни бошлади. Ўйинларда атайлаб мени урушга ва устимдан кулишга ҳаракат қилар эди.

Тез-тез менга:

„Эй чўри, тез менга уст-бошларимни олиб кел“ — деб бақирар эди. Мен шу тариқада унга жавоб бера олмас эдим, чунки унинг отаонаси менинг ўқишим учун пул тўлашни тўхтатса, билимсиз қолар эдим. Аммо бу нарсаларга чидаш жуда қийин эди.

Бир куни Саид жуда ўзидан кетди. У мени уйга вазифани ёзган дафтаримни, ўқитувчи текширишидан бир оз олдин йиртиб ташлади. Ўқитувчимга уйга вазифани кўрсатиш мақсадида дафтаримни очганимда уйга вазифа ёзилган варақ йўқ эди. Саид мени уй вазифамни ўзиники қилиб кўрсатди. Ўқитувчи нима юз берганини тушунди. Саид жазоланди ва шарманда бўлди. Аламига чидай олмасдан мени дарсдан кейин урди. Мен нима қилишимни билмас эдим. Мана мен сабрсизлик билан кутаётган байрам Ҳайт-ул-озха, яъни қурбон ҳайт яқинлашар эди. Рамазондан кейин бўладиган бу байрам Исломда ўзига хос ўрин эгаллайди. Иброҳим ўғли Исмоилни Худо учун қурбонлик қиладиган кун эвазига байрам қилинади ва хотирланади. Албатта, шундай ўқитиши бўйича, Худо Исоқнинг ўрнига қўзичоқни қурбон қилишни буюрди (Чиқиш 22). Аммо ислом таълимоти бўйича қурбонликка Исоқ эмас, балки Исмоилни келтиришган дейишади. Бу ҳақидаги ҳикоя Қуръонда 37-сурада ёзилган, аммо Исмоил номи эсланмаган. Байрам куни Саиднинг онаси мени чақирди. Мен байрам шарофати билан менга пул беради, деган ниятда хурсанд бўлиб бордим. У менга Саиднинг эски уст бошларидан бир иккитасини берган эди. Мен шу кийимларни кийиб бордим. У мени бозорлик қилиш учун юборди. Бозордан қайтганимда Саид онаси билан ошхонада эди. Мени кўрган Саид ёқамдан ушлаб бақирди:

— Менинг кийимларимни еч! Бу меники-ку?!

Онаси менга ўзи берганини тушунтириб уни туртди, аммо Саид онасига қулоқ солмади. Шунда онаси ошхонадан чиқиб кетишини буюрди. У менга ёмон қараб чиқиб кетди. Саиднинг онаси 4 рупияни онамга ва бир рупияни ўзимга қолдиришни айтиб 5 рупия берди. Яна бир қозон қайнатилган гуручни берди. Уни ҳам онамга беришим керак эди. Буларни олиб миннатдорчилик билдириб кўчага чиқдим.

Кўчада Саид ўзининг бир ўртоғи билан мени кутиб турар эди. Мен четдан ўтиб кетмоқчи эдим, аммо улар қозондан ушлаб қолишди ва муштлашиш бошланди. Қозон ва ундаги гуруч ерга сочилди. Мен йиглаб юборай дедим. Саид ва унинг ўртоғи кийимимни ечиб олиш мақсадида торта бошлади. Улар қўлидан чиқиб кетишга ҳаракат қилдим, аммо улар маҳкам ушлаб туришар эди.

— Мана бу чўрига қаранглар, бировнинг кийимини кийиб юрибди, — деди Саид. У менга ҳужум қилди. Мен энкайиб қозонни олдим ва Саидни юзига тушурдим. У бақирганича ерга йиқилди, мен ўртоғига ҳам туширдим. У қайтариб қолди, мен бор кучим билан уйга қочдим. Муштлашиш вақтида мехрибон аёл берган пулларни йўқотиб қўйдим. Одатдагидек қўрққанимдан ҳожатхонага яшириндим.

Тезда эшигимизни тақиллатиб, отамга бўлиб ўтган воқеани айтиш учун қўшнимиз келди. Отам уйда эди, бироз вақтдан кейин:

— Масуд, чиқ бу ёққа! Эшитаяпсанми? Чиқ! — деб бақирди. Мен қалтираб чиқишим билан мена муштлаб кўчага чиқарди. Ғазаб билан:

— Мана бу болакайни олинглар ва ўлдиринглар! Бизга у керак эмас, — деб бақирди. Бу даҳшатли сўзлардан юрагим ёрилиб кетай деди. Олдин уни ҳеч қачон бундай ғазабланган аҳволда кўрмаган эдим, ҳақиқатдан ҳам ўлишни хоҳлаб кетдим. Олдимда юзи қизариб Саиднинг акаси турар эди. У мени кўриши билан тепиб кетди. Мен ерга йиқилдим. Ботинкаси билан тепишда давом этди. Мен қўлим билан бошимни яширишга ҳаракат қилар эдим. Охир оқибат кимдир уни четга олиб, мени оёққа турғазди.

— Тез қоч! — деган эркак овозини эшитдим. Чалинганимча югуриб кетдим. Қанча югурганимни билмайман, аммо оёқларим мени дарёнинг олдига олиб келди. Ўзимни йўқотганимча, катта тошнинг устига ўтирдим. Баданимни оғриқ қоплаб олган ва қовурғам жуда оғрир эди. Йиғлаб Худодан норозилигимни билдирдим.

— Оллоҳ! Нега мени бундан асрамадинг? Сен шунчалик шафқатсиз ва бағри тошмисан? Нега мени севмайдиган оилада дунёга келтирдинг! Энди Сен ҳам мени ташлаб кетдинг. Сиз ҳаммангиз, ҳаммангиз мени ташлаб кетдингизлар. Бугундан бошлаб Сен билан гаплашмайман.

Мен Сени қанча чақирдим Сен эса эшитмадинг. Бугун мени сабабсиз уришди. Сен эса мени ҳимоя қилиб ҳеч нарса демадинг.

Танам қақшаётган бўлсада, оёққа туриб Худога:

— Оллоҳ! Сен бағри тошсан! Сен бағри тош ҳукмдорсан! Агар сен ҳақиқатдан меҳрибон ва раҳимли бўлсанг, унда мен билан гаплаш. Мана бугун Ҳайт байрами, мени уйдан қувиб юборди. Сен ёмон, жуда ҳам ёмон Худосан! — деб бақирдим.

— Агар Сен шундай бўлсанг, нега бизларни ўлдириб қўяқолмайсан? Нега бизни бунчалик қийнайсан? Жавоб бер, Худо! Менга жавоб бер!

Мен ўрнимдан туриб ғазаб билан бошимни қандайдир тошдеворга ура бошладим.

Шу пайт осмон кўксини парчалаб, кўзни қамаштирадиган ёруғлик тарқатиб чақмоқ чақди. Бошим устини қора булутлар қоплаб олган эди. Чақмоқнинг гумир-гумбир товушлари ерни ларзага келтираётгандек эди. Бир неча дақиқадан кейин челаклаб сув қуйгандек, ёмғир ёғиб ҳамма жойни увитди.

Шу пайт, Нуҳ бобо даврида Худонинг ғазаби келиб, бутун ер юзини сув билан бостириб юборгани ёдимга келиб, қўрқиб кетдим.

Мен Худога: — Нега бизларни ўлдириб қўяқолмайсан? Нега бизларни бунчалик қийнайсан? — деб қилган ношукурлигимни эслаб, баданимни даҳшат қоплади. Мен катта тош понасига ғужанак бўлиб яшиниб олдим. Наҳотки, Худо мени ўлдирмоқчи бўлса, менинг эса ҳеч ўлгим йўқ эди.

Шулар ҳақида ўйлаб турганимда бир чақмоқ парчаси мендан узоқ бўлмаган жойга тушди. Қўрққанимдан бақириб юбордим. Кейинги чақмоқ парчаси менинг устимга тушадигандек эди. Ҳозиргина чақмоқ парчаси тушган жойга қарадим, гулхан учқунларини кўрдим. Бута ёнаяпти.

Аста секин ёмғир тинди. Яшириниб турган жойимдан чиқиб, шох ёнига келдим. Мен қўрқиб эҳтиёткорлик билан яқинлашдим ва ёниб турган шохни кўрдим. Худо шу ерда бўлиши керак, деб ўйладим. Мен уни урушиб дўқ урганимда у шу ерда бўлган. Мен шохга қарадим. Аммо ҳеч қандай овоз эшитмадим. Шу пайт чақмоқ яна чақди. Мен ерга йиқилиб: — Йўқ! Йўқ! Худо, илтимос мени кечир!

Ҳозир чақмоқ устимга тушадигандек эди. Аммо бундай бўлмади ва қўрқиб бошимни кўтардим.

Бироз дайдиб юрдим ва охири Рабвох келди. Мен аъзонни эшитдим. Туш вақти эди ва мен одамлар билан бирга мачитга кирдим. Одамлар менга ҳайрат билан қарар эди. Чунки устим расво эди. Мен

ювинадиган хонага кириб устим ва оёқ кийимимдаги лойларни тозалаб таҳорат қилдим. Номоз қилаётган халқ орасига секин қўшилиб кетдим. Номоз ўқиб туришим билан қулоғимдан бир киши жаҳл билан тортиб мачитдан чиқарди. Бошимга бир тушириб:

— Агар бу ерда намоз ўқиш ниятинг бўлса, олдин бориб шимингни тикиб кел, — деб итариб ташлади. Шубҳасиз дарё ёнида ёмғирдан яширинаман деб йиқилганман. Уялганимдан қизариб секин уйга келдим. Мен уйга қайтганимда эшигимиз қулф эди. Тақиллатишга журъат эта олмадим. Очлик менинг тўкилган гуруч ва пулни ёдимга туширди. Мен Саид билан муштлашган жойга келдим. Пул кўринмади, аммо гуруч ерда тўкилиб ётган эди. Мен тезда атрофга қарадим. Ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилиб ерда ётган гуручдан бир қисмини чўнтагимга солдим. Гуруч қум билан аралашиб мазасини йўқотган бўлсада, мен очлигим учун ҳаммасини еб тугатдим. Гуручни тугатиб мен ўйладим:

„Аҳмадларникига борсам ёмон бўлмас эди, ахир мен ҳали уларни Ҳайт байрами билан табриклаганим йўқ.“ Чунки урф одатимиз шундай эди. Ундан ташқари уларникида бирон егулик ва игна ип топиш ниятида йўлга чиқдим. Аҳмадларнинг эшигида қулф осиғлик эди. Хафа бўлиб бироз кутдим, аммо ҳеч ким келмади. Вақт ўтиши учун таваккал қилиб айланиб ўша ахлатчи масиҳийларнинг кўчасига келиб қолдим. Улар эски сомон ғиштдан қурилган оддий уйда яшар эди. Аҳмадларнинг уйига нисбатан уларники жуда хароб эди. Бу ахлатчи масиҳийлар ҳиндларнинг паст табақаси эди ва кўп йиллар олдин Индуизм уларнинг ҳаётини яхшилаш учун ҳеч қандай умид қолдирмаганидан кейин Исога имон келтиришган эди. Улар қора меҳнат билан шуғулланишар эди. Масалан, ҳожатхона тозалаш ва шунга ўхшаган ишлар. Балким, шунинг учун улар масиҳийлик ҳақида кам маълумотга эга эди. Кейин билсам, уларнинг орасида жуда имонли кишилар бор экан. Бирон Аҳмадийлар заруриятсиз улар билан алоқа қилмас эди. Шунинг учун ўзимни улар орасида ноқулай ҳис қилар эдим. Икки йил олдингидек, уларнинг қўшиқлари мени ўзига тортди. Мен қўшиқ эшитилаётган уй томон бордим. Уйнинг эшиги очиқ эди. Уй ичида 20 тача эркак ва аёллар Исо пайғамбар ҳақида қўшиқ айтишаётган эди. Уларнинг олдида бир киши қўлига Муҳаммад Измаил кўрсатган китобга ўхшаган Муқаддас китоб-Библия ушлаб турар эди. Ўтирганлардан бир нечтаси мени сезиб менга қаради ва имо-ишора билан чақирди. Иккиландим ва охир оқибат кирдим ва эркаклар қаторидан ўтирдим. Менинг шимимнинг йиртиқ жойи хавотирлантирар эди, шунинг учун ҳеч кимга

сездирмасдан ўтирдим. Улар охирги қўшиқдан кейин ибодат қилиб тарқала бошлади. Олдинда ўтирган эркак кулиб:

— Бўлди, тугади, — деди. Мен ҳам кетиш учун ўрнимдан турдим. Шу пайт аёллардан бири Библия ушлаб турган кишининг қулоғига шивирлаб мени кўрсатди. У аёлга нимадир деди ва мен томон кела бошлади. Қўлини елкамга қўйиб сўради. Ўғлим кимсан ва қаердан келдинг? Мен дўстимни кўргани келганимни ва у уйида йўқлиги сабабли айланиб келиб қолганимни айтдим. Кимдир чўпон(жамоат бошлиғи)га чой олиб келди. У мени чойга таклиф қилди. Биз чорполга ўтириб суҳбатлашдик. Бир оз вақтдан кейин хонада мен, чўпон ва уй эгасидан бошқа ҳеч ким қолмади. Ҳамма кетди.

— Кечирасиз жаноб, секин сўз бошладим. Қаердан Библия топсам бўлади? — Бу муаммо эмас, — жавоб берди у. Аммо сенинг отанг ва сенинг жамоатинг бу китобни ўқишга рухсат бермайди. Мен ўқиб чиқаман, ҳатто яширинча ўқишга тўғри келса ҳам. Бу гапларимни эшитиб ёнида турган сумкасидан китобни чиқариб берди. Мана ол, бу Янги Аҳд, буни ўқигин, агар буни ўқиб тугатсанг, мен сенга тўлиқ Библияни бераман. Унга миннатдорчилик билдириб китобни олдим. Мен ўзимни жуда бахтиёр ҳис этар эдим. У менга пиёладаги чойни узатиб:

— Ич, чой совиб қолади, — деди. Ширин сутли чойни ичиб уйладим, биринчи маротаба бошқа жамоатдагилар билан овқатланишим. Биронта ўзини ҳурмат қиладиган мусулмон паст суяклар билан овқатланишни ўзига лойиқ кўрмайди. Мен очлигимдан бошим оғрир эди. Ширин чойнинг мазаси жуда ёқди. Исо пайғамбарни Худонинг Ўғли деб ишонадиган бу одамларнинг олдига қандай келганимни эсладим. Бирданига ёдимга бир савол келди:

— Жаноб нега сизлар Исони Худонинг Ўғли эканлигига ишонасизлар. Ахир Худонинг хотини йўқ ва У фарзанд кўраолмайдику?

У киши кулди ва сўради:

— Исминг нима?

— Масуд Аҳмад Хон, — жавоб бердим. Саволига ҳайрон бўлиб:

— Менга қара Масуд, агар мен сенга „Ўғлим, бориб у ёки бу ишни қил“, — десам, сен менинг ўғлим, мен сенинг отанг бўлиб қоламанми?

Мен бошимни чайқаб уни тушуна бошладим.

— Исо билан ҳам худди шундай, — давом этди у. У руҳий ўғил Худо эса унинг Отаси. Унинг тушунтиргани жуда оддийдек кўринди. Суҳбатни тугатиб чўпон уйига кетиши кераклигини ва бир ойдан кейин келишини айтди. Мен хайрлашиб чуқур ўйда Аҳмадларникига

келдим. Эшик ҳали ҳам қулф эди. Кеч кирди. Мен бутун баданимда оғриқ сездим. Яна ёмғир қуйди ва ҳўл бўлдим. Янги Аҳдни куйлагим орасига яшириб озгина исиш учун гужанак бўлиб ўтирдим. Мен ўтириб хушимдан кетибман. Кўзимни очсам, уйимда ўзимнинг жойимда ётибман. Менинг кроватим ёнида отам ва Аҳмаднинг отаси турар эди. Албатта, Аҳмаднинг отаси мени уйга олиб келган. Отам Аҳмаднинг отасига миннатдорчилик билдирар эди. Аҳмаднинг отаси менга ёмғирда бошқа дайдимаслигимни тайинлаб чиқиб кетди. Шу пайт қўрқиб кетдим: — Қани менинг Янги Аҳд китобим? — деб ўйладим

Кўйлагим орасида у йўқ эди. Менинг устимда бошқа қуруқ кийим эди. Кимдир менинг устимни алмаштирган бўлса, ўша олган. Қўрқиб отамнинг юзига қарадим. Менда китоб борлигини биладимикин, яна урса керак. Шу пайт опам бир пиёла ширин чой ва икки дона аспирин дорисини олиб келди. Бизда шамоллашга ва бош оғриғига чой энг яхши дори. Мен пиёлага қўл узатдим ва отам ёнида стулда турган Янги Аҳдни кўрдим. Отам қараганимни сезиб китобни менга узатиб деди:

— Масуд, агар сен бу китобни оддий ҳикоя деб, ўқисанг мен қарши эмасман. Агар сен бу китоб ҳақида кўп ўйлаб ўзингга ҳар хил саволлар бераверсанг, у ҳолда бу китоб сени йўлдан уради. Худо сенга ақл ва билимга чанқоқлик берган. Агар сенга ёрдам керак бўлса кел ва мен билан гаплаш. Сенинг ўқишинг тугашига бир йил қолди. Мен ўйлайман мактабдан кейин Рабвохдаги Аҳмадийларнинг миссионерлик коллежига кириб миссионер бўласан. Мактаб шаҳодатномасини олишинг билан шундай қилишинг мумкин. Отам фақат хафа бўлганида гаплашар эди. Отам учун бу суҳбатимиз жуда кўп эди. Бу ҳаммаси эмас. У давом этди. Колледжга ўқишга кирганингдан сўнг, сен хоҳлаган таълимотингни ўрганиш шароитига эга бўласан. Сен биз Аҳмадийлар нимага ишонишимизни ва исломдаги одамлар нима гаплашишаётганининг фарқига борасан. Сен мусулмонларнинг ва християнларнинг таълимотини чуқур ўрганасан. Сен ҳар хил диний таълимотларнинг Худо ҳақидаги фикрини биласан. Сен энди ёш бола эмассан-у. Мен сени хафа қилганим учун жуда афсус қилаяпман. Сенинг билимга қизиқишинг менга жуда ёқади. Аммо менинг чўнтагим кўтараолмас эди.

Бошини эгиб чуқур уф тортди:

— Ҳа, тўғри менинг турмушим менга бахт келтирмади. Мен сени худди биринчи хотиним ва болаларим каби йўқотишдан қўрқар эдим. Мен биламан бугун сени муштлаганлар ноҳақ эди. Аммо қўлимдан

нима келар эди. Мен жуда ҳайратда қолдим. Отамдан нималар эшитаяпман. Шошиб ҳолганимдан қандай жавоб беришни билмас эдим. Аммо шу пайт онам ўрнидан туриб ғазабланиб:

— Лекция ўқиш етар! Онам нафратланиб қўлини силтади. Сенинг ўзингнинг ухлаш вақтинг бўлди. Жудаям ўғлинг билан ярашиш ниятинг бўлса, ширин сўзларингни кейинга ҳам қолдир.

Отам бошқа ҳеч нарса демасдан, қизариб чиқиб кетди. Онам орқасидан чиқиб кетди. Қўшни хонада узоқ вақт таниш, ёмон сўзлар эшитилди.

Мен тахминига китобни очдим ва узоқ ўқидим, аммо яқинлашаётган қадам овозини эшитиб, тезда Янги Аҳдни яшириб, ўзимни ухлаганга солдим. Онам чироқни ўчириб чиқиб кетди. Мен бутун оқшом тинч ухладим. Эрталаб кеч турдим. Кроватим олдида, мени кўриш учун Аҳмад ва опасини кўрганимда, хурсандлигим ичимга сиғмай кетди. Уларни кўриб ўрнимдан турмоқчи эдим, аммо улар рухсат бермади.

Биз озгина суҳбат қилганимиздан кейин онам чой олиб келиш учун чиққанида, Аҳмаднинг онаси менга йигирма рупия пул берди. Бу катта пул эди. Мен олмоқчи эмас эдим, аммо тез пичирлаб деди:

— Олгин, китоб сотиб оласан. Бу менинг сенга совғам. Яшир, онанг кўрмасин.

Мен чин юракдан миннатдорчилик билдириб, пулни ёстиғим тагига яширдим. У менинг онам билан суҳбатлашиш учун чиқиб кетди. Биз Аҳмад иккаламиз қолдик.

Дўстим менга яқин ўтирди. Мен қўлимни ёстиғим тагига суқиб дедим:

— Ҳозир мен сенга бир нарса кўрсатаман. Мен унга Янги Аҳдни узатдим. Истамасдан тез кўз югуртирди.

— Нима гап?

— Ўқигин!

Аҳмад бошини чайқади.

— Йўқ, Масуд, мен ўқимайман. Мен ҳали ақлдан озганим йўқ. Ақлдан озишни ҳам хоҳламайман.

— Аҳмад нималар деяпсан, — ундадим мен.

— Мен бу китобни кўп ўқиганман отам ва онам менга уни ўзгартирилганини исботлаб берган. Христиан дини ҳақиқат дини эмас, шу билан бирга, бизни кофир дейдиган ўша мусулмонлар ҳам биз эмас, балки улар кофирдир. Улар Масиҳ Маодага ишонмасдан ўз бошига ўзлари ҳукм олдилар.

Мен унга ҳайрон бўлиб қолдим. У бутунлай бошқа Аҳмад эди. Аҳмад отаси изидан бориб Аҳмадийлар миссионерлик коллежига

кирганидан буён, Аҳмадий таълимотига қарши фикрларга чидай олмайдиган бўлиб қолди. У яна бир неча минут, менга христиан динининг яроқсизлиги ҳақида далиллар келтирди. Аммо шу пайт уни онаси чақириб қолди. Чунки улар кетадиган вақт бўлган эди. Юрагимда оғир бир ҳис-туйғуни сездим. Худо менга нимадир демоқчи эди. Нима бўлганда ҳам бу узун бўйли ва жиддий бу болага боғланиб қолган эдим. Унинг устига унинг ота онаси мени яхши кўришар эди.

Бу оқшом узоқ ухлай олмасдан чиқдим. Бошимдаги ҳар хил фикрларни тартибга сола олмас эдим. Менинг устимга кўтариб бўлмайдиган оғирлик ёгилаётгандек эди. Менинг бошимда онамнинг отамга айтган гаплари қайтарилар эди.

„О, Худо! Менинг ҳаётим барбод бўлди, йиғлади. Менинг аҳмоқ ўғлим христианларга қатнаганлиги сабаб шаҳарда менинг обрўим қолмади. Менинг ўғлим кофир бўляпти. У ҳақиқитга қарши ва бизга қарши одамларникига бораяпти. Менинг ўғлим-а! Наҳотки, шу аҳмоқ воизхонлардан бири бўлса!“

Ухлаш мақсадида йигирма маротаба ўгирилдим. Аммо уйқум қочиб кетди. Аҳмадийлар билан алоқани уза оламанми, ўзимдан-ўзим сўрадим. Агар алоқани узсам, ундан кейин нима қиламан. Нима бўлганда ҳам мен улардан бириман. Қайси динни танласам экан? Қайси таълимот тўғри? Юрагимдан чиққан овоз Ислом деярди. Ислом? Аммо қайсисини? Суннатий Исломними? Шилтий Исломними?

Исломда 80 дан ортиқ оқиш бор. Яна саволлар, яна тушунмовчилик.

Христианлар ҳақида гаплар тўғримикан? Уларнинг 3 та Худога ишониши ростмикан. Ахир ҳамма имонлилар фақат битта Худо борлигини биладику. Ҳақиқий Худо-Оллоҳ меҳрибон ва раҳмдиллиги ростмикан? Муҳаммад ҳақиқатдан Худонинг пайғамбарими? Кўнглим тўлиб инградим. Кўксимдан оғир ғам босар эди. Мен ҳеч нарсага тушунмасдан гангиб қолдим. Қандайдир ёмон руҳлар ёки кучлар ёки одамлар менинг устимдан кулиб мени ураётгандек туюлар эди. Қўрқанимдан ва қаршилик қилганимдан терлаб, ҳамма жойим ҳўл эди.

Бирданига менинг Хушхабарда ёмон руҳларни қувиш ҳақида ўқиганим ёдимга тушди. Мен бақирмоқчи эдим. Аммо уларнинг устимдан кулган қаҳ-қаҳаси хонани тўлдирди. Мени бу ёмон руҳлар тишламоқчидек туюлар эди. Мен шол каби эдим. Охир оқибат мен бақирдим:

— О, бутун борлиқни Яратган! Менга ёрдам бер! Мени қутқар! Ҳақиқий Худо, менга ёрдам бер!

Ёшлигимдан қолган одат бўйича тезда Қуърондан 3 та сурани қайтардим. Кейин Исонинг шайтонларни қувганини эслаб Худога илтижо қилдим ва бирданига юрагимдаги оғирлик йўқ бўлиб кетди, хона эса тинчлик ва осойишталикка тўлди.

Ҳатто қўрқувни унутиб сув ичиш учун хонадан чиқдим. Жойимга ётиб Исо ҳақида ўйладим. Ўзимнинг атрофимда тинчлик ва хафсизликни сезиб, тез орада ухлаб қолдим.

5

Ҳақиқатга интилишим

Бор вақтимни машғулотларга бағишлар эдим. Тўғрисини айтганда, бу вақтим Аҳмад устозларим жавоб бера олмайдиган саволларга жавоб излаш билан ўтиб кетар эди. Ҳаттоки мактабда ҳам ўзимнинг синфдошларимга савол бериб безорини чиқарар эдим. Бирон бир соат йўқ эдики, мен бу нарсалар билан шуғулланмасам. Энди мен билсам, Худованд менга мана шу ҳақиқатга ташналигини берган экан. Аммо шу пайтда бу нарсаларни билмас эдим. Менга фақат битта нарса керак эканлигини билар эдим. Билим олишим билан юрагим ҳақиқатни излашга интиларди. Мен ҳақиқатга интилишим учта тенденцияга келиб тўқнашди. Аҳмадийлар, мусулмонлар ва масиҳийлик, биринчи Аҳмадийлар таълимоти тарафдорлари қатъиян эди. Уларнинг асосий таълимотларидан бири шундай ибодат эдики, яъни Мирзо Аҳмад Ғулом Масиҳ ва Мадний мусулмонлар таълимотига қарши эди. Шунинг учун улар бизларни нопок ва кофир дейишар эди.

Масиҳийликка келсак, мен улар билан унча катта бўлмаган тажрибам бор эди.

Нимаси биландир улар мени ўзига жалб қилар эди. Шунга қарамасдан, бизнинг орамизда фарқ жуда катта эди. Ҳар кандай ташвишга дуч келганимда, энг аввало шу нарсани 3та тушунишга ҳаракат қилар эдим. 1967 йил „Итфал ул Аҳмадийа“, „Дини Ахмадийа“ жамоатининг аъзоси эдим. Менда тез орада энг донгдор ёшлар ташкилоти „Қудам ул Аҳмадийа“ номли ташкилотга аъзо бўлиш эҳтимоли бор эди. Менинг изланишларимга бу ташкилотлар очиқ йўл бермаслигини билар эдим. Айниқса, мачитдаги кап-катта одамларнинг менинг ҳар бир гапимдан ёмонлик излаши мени нафратлантирар эди.

Мен ўйлардим, агар уларнинг иймони мустаҳкам бўлганида, бу саволларни мен билан кўриб чиқишдан хурсанд бўлар эди. Улар эса,

бунинг ўрнига ғазабланишади. Ҳатто отамга ҳам шикоят қилишади. Отамнинг жавоби ҳамиша ғазаб эди.

1967 йили март ойида мен охирги имтиҳонимни топширдим. Отам мени Равбахдаги Миссионерлар колледжига ўқишга киришим ҳақидаги қароримни тезлаштиришимни кутар эди. Менинг бу қарорим унга жуда ёқар эди. Аммо мен қистов остида қарор қабул қилишни хоҳламадим. Менда бошқа фикр бор эди. Мен бошқа Аҳмадий таълимотига тааллуқли бўлмаган дунёвий таълим даргоҳига ўқишга киришни истадим. Отам жуда хафа бўлди.

Бир куни оқшом:

— Масуд, — деди. Нимага бунчалик бу дунёвий колледжга интиласан? Сенинг бу фикринг менга ёқмаслигини биласан-ку! Қўрқсам ҳам ростини айтишга ҳаракат қилдим, аммо менда ғурур ҳам гапирди.

— Ота, мен ўзим танлаган йўлдан кетмоқчиман. Тўғри мен бу уйда дунёга келдим, аммо бу сизнинг орқангизда итоаткорона бош эгиб юришим керак дегани эмас. Балким, мен ҳаётимни яхшилаб оларман. Менга кўр-кўрона имон керак эмас. Ислом дарахтида ўсган ҳосилдор шоха кейинчалик нега иккига бўлинганини билмоқчиман. Бу бизнинг партиямиз кадианлар ва лохар партияси. Мен ўзим мусумонларнинг қанчалик ҳақлигини аниқламоқчиман. Мен христианларнинг китоби нима деяётганини билмоқчиман.

Ғазабдан отамнинг юзи қизарди, бўйнидаги вена томирлари шишиб:

— Масуд, бас қил! — деди. — Олдин сен билан ёмон алоқада бўлганимдан афсус қилиб, сенинг аҳмоқона ишларингга бугунгача чидаб келаяпман. Сен арзимайдиган севгини сенга бердим. Мен сенинг изланишларингга ёрдам бердим. Одамларнинг сен ҳақингда нима гапиришаётганини билсамда, сенинг абадий саволларингга жавоб беришга ҳаракат қилдим. Мен сенинг буюк ўқитувчиларни эшитиш учун шароит яратиб бердим. Мана бугун, қўли билан шкафни уриб, мана бу шкаф мен сотиб олиб берган китобларга тўла, гарчи менинг имкониятим мен учун қийин бўлса ҳам, мен ҳамиша ҳақиқатнинг ғалаба қозонишига ва одам ўзининг дайди фикрларини унутишига умид боғлар эдим. Ҳаттоки, ўзим ҳам бир кун вақти келиб сен ҳақиқат нурини топишингга ишонаман. Шунда сен Ҳазрати Масиҳ-Маоданинг „мен бизнинг ҳақиқатимизни дунёнинг четига тарқатаман“ — деган сўзларни қайтарасан.

„Бир кун келиб бизнинг молиявий ташвишларимиз ечилишига, биз ҳам одамларга ўхшаб яшашимизга ва бизга бахтли дамлар

келишига умид боғлаган эдим. Аммо бугун кўриб турибманки, буларнинг ҳаммаси ҳам хом хаёл экан. Бекорларга мен сенга умид қилган эканман. Сени менинг орзу ниятларим қизиқтирмайди. Сен фақат ўзинг учун яшашни хоҳлайсан ва бизнинг обрўмизни тўкишни хоҳлайсан. Мен шафқатсиз Ота бўлишим ҳам мумкинлигини унутгансан, шекилли. Агар сен бу фойдасиз ишларингни тугатмасанг, мен сени ер юзидан йўқ қиламан".

У ғазабга тўлган кўзлари билан менга қараб жим бўлди.

„Биз мусулмон бўлганимиз учун ҳақиқатни топишинг учун яна бир марта имконият бераман. Агар шунда ҳам ўзгармасанг, Худонинг ғазаби сенга бўлсин".

Шу сўзларни гапириб хонадан чиқиб кетди. Мен буткул жонсиз кроватимга ўтирдим. Мен хонамга кўз югуртириб ўзимдан ўзим сўрадим.

— Масуд сенга нима бўлди? Ташвишлар ҳар хил ёмон ўйлар, ҳамма менга қарши. Кел ҳаммасини ташлаб отанг сенга нима деган бўлса, шуни бажар! Тинч яша!!!

Бу тинчлантирадиган фикр бошимда айланар эди. Аммо ичимдан бошқа: — Йўқ! Бу ёлғон ва буни сен ҳам биласан! Масуд, ҳақиқатни топ ва унинг нурида яша!

Мен охирги имтиҳонимда ёзган сўзларни эсладим: „Мен ёздим, аммо ишонмайсан".

Яна менга фикр келди: „Агар сен Аҳмадий таълимотининг хатосини топсанг, нимага эришасан. Ундан кейин нима қиласан? Исломга-ми? Ислом ҳам ҳар хил секталарга бўлинган".

Мен эзилганимдан сув ичгим келди. Мен ошхонага бориб сув ичдим ва уйдан ташқарига чиқдим. Ярим ой турар ва шаҳарнинг ғира-шира кўриниши менга ёқар эди. Кўксимга урган тоза ҳаво бошимга тушган ташвиш ва ғамларни қувиб чиқаргандек бўлди. Мен бу бехаловат шаҳардан узоқлашиш мақсадида шаҳар четига чиқдим. У ерда бир тош устига чиқиб ойни кузатдим. Менинг Яратганнинг қудратини кўриб юрагим миннатдорчиликга тўлди. Менинг ҳаётим ташвишларидан кўра бу юлдузлар чиройли ва тартибли эди. Менда ҳамма дардимни Худога айтиш иштиёқи туғилди. Юрагим менга, ҳамма ташвишларингни Унга топшир, — деб гапиргандек эди. У буюк яратувчи У сенга очилади. У буюк Худо ва сенинг ташвишларингни еча олади. Сен Унга интилганинг учун У сенга ёрдам беради. Бу фикрларни ўйлаб кўзимга ёш тўлди. Мен қўлимни юлдузлар тўла осмонга узатиб чин юракдан:

— Ё Худо! Буюк Яратувчи мен Сендан ёрдам сўрайман. Илтимос

қиламан Сендан, мени ёруғлик ва ҳақиқат томон етакла ёки мени шундай ўзгартиргин-ки, мен бошқа ҳақиқатни билишни хоҳламайман. Нега Сен жавоб бермайсан, Худо? Мен Сен ҳақингда эшитганмон. Мен Сен ҳақингда ўқиганман. Энди Сени эшитишим лозим. Мени Сен етаклагин! Бошқа ҳеч нарса дея олмасдан фақат ингграб йиғладим. Мендан дарё узоқ эмас эди ва бу юрагимга тинчлик ва сокинлик берар эди. Мен секин оёққа туриб шаҳарга қайтдим. Шунда қизиқ ҳодиса юз берди. Мен ёлғиз эмаслигимни сездим. Кимдир мен билан биргадек эди. Мен уйга ҳақиқатни излаш учун янги кучга тўлиб қайтиб келдим.

Бир неча кундан кейин отам мени Алфуркан (ҳақиқат) журналининг бошлиғининг олдига олиб келди. Уни Моуалана Абул Атта деб номлар эди. Бизнинг шаҳаримизда ҳурматли киши эди. Салом аликдан кейин Отам:

— Мен ўғлимни сизнинг олдингизга, сиз маслаҳат берасиз, деган ниятда олиб келдим, — деди. Балким у сизга қулоқ солар, унга ақлли бошлиқ зарур. Бироз вақтдан кейин отам бизни ёлғиз қолдирди ва маулви воизхон менга:

— Отанг сендан жуда хафага ўхшайди. Нима гап бўлди, Масуд? — деди. Унинг овозидан ҳақиқатдан қизиқаётгандек бўлсада, аммо у ўзининг қоғозлари билан шуғилланар эди. Шунинг учун жавоб бермадим. У бошини кўтариб яна сўради:

— Шаҳарда нималар ҳақида гапириб юрибсан? Бунақа нарсаларни гапиришни сенга ким ўргатди? Сен ахир ҳали боласан-ку, бор йўғи 17 ёшга тўлдинг. Сенинг ёшингдаги болаларнинг бунақа саволлар беришини кам учратасан. Менимча, сени бошқа мусулмонлар йўлдан урган, тўғрими? Мен эшитишимча, сени христианлар жалб қилаётган экан. Сен христиан таълимотини ўрганаётган экансан. Ўзинг Масуд, наҳотки сен шу „чўпон ва руҳонийлар“ дан бирор нарса ўргана олсанг? Улар ахлатчиларникига қорин тўйғизиш учун боради. Ҳатто улар нима учун хиристиан, деб номланишини билишмайди. Улар фақат ота-онаси шундай номлангани учун христианмиз деб юришади.

У мендан жавоб кутар эди. Мен фикримни йиққунимча, у гап бошлади.

— Нега жимсан? Бу одамлар сени „изланишларига“ тортган ва улар бу ғалваларга айбдор. Мен тўғри айтаяпман-ми?

У менга худди ҳамма нарсадан хабари бордек қаради. Мен кучимни йиғиб олиб:

— Маулви Саиб (Мулла Соҳиб) ундай эмас. Бу ҳамма

изланишларни ўзим, китоб ўқиб олиб борганман. Мен катта ёшдаги кишилардан маслаҳат сўрадим. Кўрибсизки, мана сизнинг олдингизга келдим. Ҳеч ким мени ўқитгани йўқ, ўргатгани йўқ. Мен ўзимнинг жавобимдан қониқдим. Аммо у сўзимни бўлиб деди:

— Сен нимани билмоқчисан, Масуд? Нима хоҳлайсан ўзи?

Мен дадил жавоб бердим:

— Ҳозир бор бўлган ва абадий бор бўладиган динни топмоқчиман.

— Албатта бу ислом дини, — қисқа жавоб берди у.

— Устоз, аммо, ҳатто ислом ҳам секта ва гуруҳларга бўлинган. Мен сиз билан мусулмон ўқитувчилари кофир ва мусулмон эмас, деб атайдиган гуруҳга кираман. Мусулмонлар буни тан олишмайди. Нима бўлади, агар улар бизни мусулмон деб тан олмаса?

Мен ҳаяжонланиб гапирдим. Албатта ўша пайт билмас эдим, Покистонда бир неча йилдан кейин шундай бўлишини.

— Ўғлим, — деди босиқ овозда, — бунинг аҳамияти йўқ. Биз Аҳмадийларда ўша сен излаётган ҳақиқат бор. Биз сенга ёрдам берамиз, лекин бунинг учун сен имон билан келишинг керак. Мен суҳбатни давом эттирмоқчи эдим. Аммо у ўзининг қоғозларининг ёнига кетди. Бу ҳаракати суҳбат тугади, дегани эди. Мен билан хайрлашиб, қўлимга (антихристиан) христиан динига қарши китоб ва журналлар берди ва 2 кундан кейин келишимни маслаҳат берди.

Мен христианлар яшайдиган кварталга бориб турадиган бўлдим. Маулви билан учрашган кунимиз эртаси кунига ўша биринчи танишган воизхоннинг жамоасига бориш имконияти туғилди. Мен тор ва лой кўчалардан шошиб кетар эканман, юрагим сабрсизлик билан йиғилишга тортар эди. Жамоат чўпони менга қандайдир китоблар олиб келишини менга ваъда берган эди. Мен ҳовлига кирганимда энди йиғилиш бошланиш арафасида эди. Жамоат чўпони менга салом берди. Мен христианлар билан бирга ўтириб ваъз эшитдим. Бу меҳрибон киши Исонинг севгиси ва Унинг Қуткарувчи ва дўстлиги ҳақида гапирди. Жамоат чўпонидан таралаётган севги руҳига ҳар доимгидек ҳайрон эдим. У чин юракдан Худонинг сўзини гапирар эди. Бир куни у менга:

— Ўғлим менинг билимим кўп эмас, аммо мен ўша билган ҳақиқатимни бошқалар билан баҳам кўришни хоҳлайман, — деган сўзлари ёдимда. Йиғилишдан кейин у менга иккита китоб берди. Бири „Мирза Ғулом Аҳмад ва Кадиани“ деб номланган эди. Биз бироз Хушхабар ҳақида суҳбатлашдик ва мен уйга шошдим. Мен

вақтни бекор ўтказмасдан бу китобларни бирин-кетин ўқий бошладим. Китобдан бошимни кўтарганимда кеч кирган эди. Охирги вақтлар Аҳмадий сектасига нисбатан туғилган шубҳаларим ҳақиқатга яқиндек эди ва мен нима ҳақида ўйлашимни билмас эдим. Келишганимиздек икки кундан кейин Маулано Абул Аттанинг конторасига бордим. Бу сафар у ерда кўринишидан доно ва билимли киши ўтирарди. Яна қандайдир киши бор эди. Салом аликдан кейин мен сўз бошладим:

— Жаноб Мирзо Ғулом Аҳмад ўзини Худо деб ва Муҳаммаддан улуғлигини таъкидлагани ростми?

Маулви тезда қайрилиб қаради:

— Қанақанги беъмани гап гапираяпсан?

Мен бундай жавобга тайёр эдим ва жавоб бердим:

— Унинг китобида Аила Камалат Ислом деб ёзилгани унинг Худо эканлиги ҳақида ваҳий кўрганлиги ва у ишонгани рост эмасми? У ер ва осмонни мен яратганман деган. Ҳар эҳтимолга қарши китобдан ёзиб олган варақни унга узатдим. У қўлимдан қоғозни олдида, уни текшириш учун югуриб кетди.

— Масиҳ-Маод ўзини бир тарафдан Худо иккинчи тарафдан У ўзи ҳақида аниқ аёлдан туғилгани ва одамларни тақитлаган. Аммо ўзини Худо деб номлаш бу энг оғир гуноҳдир. (Ноор ул-Коран 2-қисм 12-бет.) Кекса ёшдаги икки киши бир бирига қараб мендан сўради:

— Сен бу китобларни ўқиганмисан?

— Йўқ, — деб жавоб бердим.

— Унда буларни сен қаердан биласан? Сенга кимдир ёрдам бердими? Бир нечта менинг ёнимда болалар бу ерда Аҳмадий китобларини тахлашга ёрдам беришар эди. Улар менинг жавобимни эшитиш учун яқинроққа келишди. Мен ёлғон гапирмасдан „Мирзо Ғулом Аҳмад ва кадианларни фош қилувчи фактлар“ жамоат чўпони берган китобда ўқиганимни айтдим.

— Сен хиристианлар берган китобга ишонасанми?

Иккинчи қарши ғазаб билан гапирди.

— Эй бола агар сен шу кетишда давом этсанг, сен ўзингнинг ҳаётингни синдирасан. Сен ўзингнинг динингни йўқатасан, дунё эса сени ўзидан итаради. Мен унга ғамхўрлиги учун миннитдорчилик билдириб унга қўшимча қилдим.

— Жаноб мен жавоб олмоқчиман ва мулла Соҳиб менга ёрдам бераман, — дегани учун мен буердаман. Муалано Абул Атта баҳслашмоқ учун қайтиб келди.

— Масуд сен менга берган оятларни ўзининг контекстида ўқисанг яхши бўлар эди. Мен сенга бошқа китоблар бераман, аммо Мирзо Ғулом ўзи руҳланиб „мен Худоман“ деганини этиборга олиши зарур. Албатта, у Худо бўлмаган.

Менда қандайдир катта ёшдагиларга нисбатан норозилик пайдо бўлганини сездим. Улардан ҳеч ким мени тушунишни хоҳламас эди. Улар фақат мени кўр-кўрона ишонишимни хоҳлар эди. Китобларни олдим-у хайрлашиб кетдим.

Мен Маулви берган китобларни ўқий бошладим. Оилам мендан норозилиги кўриниб турар эди. Аммо отам ҳеч нарса демади. Балким, у мени Аҳмадий китобларини ўқиб, ўзимнинг изланишларимни тўхтатишимга умид боғлагандир. Бу бефойда машғулот эди. Аммо мен тўхтовсиз уч деганда китобларни ўқиб тугатдам. Бундан кейин ҳам, имтиҳонлар бошлангунча, бир икки ой ўқидим. Отамнинг қаршилигига қарамасдан мен дунёвий колледжга ўқишга хужжатларни топширдим ва энди менинг бу ердаги охирги йилим тугаятганэди.

Имтиҳонлардан кейин бир кун христианлар орасида хизмат қиладиган дўстим, жамоат чўпонини кўриш учун отландим. У қўшни қишлоқда яшар эди. Ҳар замонда Равбахга Худонинг сўзини айтиш учун келар эди.

Бу кеч улар яшайдиган кичик хароба қишлоққа келганимда шовқин-сурон эшитилди ва мен ғазабланган ҳалойиқни кўрдим. Бир неча Аҳмадий йигитлари жамоат чўпони автобусдан тушганида муштлаб ўзининг қишлоғига қайтариб юборганини менга айтишди. Атрофимдаги аёл ва эркаклар ҳаммаси менга қарши эди. Улар бақириб ҳамма содир бўлган воқеаларнинг сабабчиси мен ва мени христианликка бўлган қизиққанлигимни айтишарди. Улар мен Аҳмадий жамоати учун шарманда эканимни айтди. Мен Аҳмадий жамоати юрагидаги доғлигимни айтди. Шу кунинг ўзидаёқ отамни Амоор-и-Амма, яъни ҳар бир жамоа аъзолари устидан норасмий назорат ташкилотига чақиришди. Бу ташкилот ҳар бир жамоа аъзоси устидан ҳокимиятга эга. Шунинг учун ҳамма аъзолар унга жиддий эътибор беришади. Отам билан суҳбат жуда қисқа бўлди.

— Сизнинг ўғлингиз чегарадан чиқаяпди, — деди унга. — У Аҳмадий динига қарши изланишлари билан ўзидан кетаяпди. Биз бунга узоқ чидаб тура олмаймиз. Агар у ўзининг ҳаракатларини тўхтатмаса оқибати ёмон бўлишини сиз айтиб қўйинг.

Отам жуда ғазабланди. Шу кечаси у менга деди, „менинг пастир дўстим“ энди Равбахга ахлатчиларга хизмат қилгани келмайди.

Мен қаршилик кўрсатмоқчи эдим, аммо отам устимдан ичи қораларга кулиб:

— Биз ҳар қандай имондан қайтганларни томири билан юлиб ташлашга қудратимиз етади, — деди.

Мен совуқ қўрқувни сезсам ҳам, дадил жавоб бердим:

— Ота, ҳаттоки мусулмонлар бизни кофир дейишади. Улар бизни имондан қайтган дейишади. Биз алоҳида мачитлар қуриб, бошқа мусулмонлар билан алоқа қилмаймиз. Биз Қуръон ва ҳадисдан оятларни олиб ўзимизнинг фойдамиз учун ишлатишимиз ажабланарли эмасми. Қуръон Исо пайғамбарни тирилиб осмонга қайтганлигини тасдиқлайди. Биз эса уни Кашмирда вафот этган деб исботламоқчи бўламиз.

Расман биз Муҳаммад охирги пайғамбарлигига ишонамиз. Аммо бугун биз Ҳазрати Масиҳ-Маодани Муҳаммаддан юқорига кўтарамиз. Бир тарафдан биз мусулмонларга Ғулом Аҳмад бу мадҳияни юз йиллардан бери келиши керак бўлган йўлбошчи деймиз ва бу йўл билан уларни ўзимизга оғдиришга умид қиламиз.

Бошқа тарафдан христианларга Мирзо Ғулом Аҳмадни Исонинг иккинчи бор келиши деб айтамиз. Ҳаттоки индусларга Мирзо Ғулом, бу улар кутаётган кришна деймиз. Олдин бошқа мусулмонлар билан ваҳий, руҳланиш ва пайғамбарлик ҳақидаги таълимот илимсиз умумий эди, аммо энди бу нарсалар ҳақида ўзимизнинг тушунчаларимиз бор. Ҳеч қачон аниқлаб бўлмайдиган нарсаларни аниқламоқчи бўламиз. Ота бу нима дегани ўзи? Мен тушуна олмайман, аммо мен тушунишни жуда хоҳлайман. Мен ҳақиқатни билишим керак. Кўзларим ёшга тўлиб айтдим.

Отамнинг юзи ғиштдек қизарди. У стол устидаги китобларни улоқтириш ниятида ўрнидан турди. Улар орасида Қуръонни кўриб у тўхтади, аммо унинг ўрнига мени тутиб бор кучи билан бошимни деворга уриб бақирар эди.

— Сен ифлос нопок бола! Бугун сени тирик қолдирмайман. Мен ўзим сени дўзахга жўнатаман, — деди. Оғриқни енгиб мен ташқарига қараб югурдим. Мен кўчага чиқмасдан, у мени тутиб олди. Қочиб кетишга уриндим. Аммо у мени бўйнимдан ушлаб бор кучи билан бўға бошлади. Мен бақирмоқчи бўлдим. Унинг қўлидан чиқиб кетишга ҳаракат қилдим, аммо у мени хиппа бўғди. Менинг кўзим ўз чаноғидан чиқиб кетаётгандек эди ва кўзим олдида қизил ранглар чақнаб кетди. Мен синглим Жамиланинг баланд овозини эшитдим. Балким одамлар унинг овозини эшитиб бўлаётган воқеани кўришган. Улар менга тирмашиб отамнинг ғазабидан қутқаришди. Мен бўйним-

даги қопқоннинг бўшашганини сездим ва гапирмоқчи бўлдим, аммо фақат хириллаган овоз чиқар эди. Чунки овоз пардалари лат еган эди. Одамлар мени яқин орадаги мачитга олиб бордилар. Мен ўша ерда айвонда ўтириб, совуқдан ва қўрққанимдан қалтирар эдим. Бир неча дақиқадан кейин жамао бошлигимиз келди ва мени отам билан ярашишга ва ўзимнинг изланишларимни тугатишимга кўндира бошлади. Атрофимдагилар ҳам худди шуни таъкидлашди. Агар бу менинг машғулотларим эвазига бўлса, у ҳолда бунга лойиқ эмас эдим деб ўйладим, аммо уларга айтганим йўқ. Умуман олганда ҳеч нарса дея олмас эдим. Тамоғим қаттиқ оғриганидан анча вақт гапира олмадим. Мени уйга олиб боришганида отам мени уйга қўйишга рози бўлмади. Фақатгина мен кечирим сўраб ва ўзимни изланишларимни тўхтатишга қасам ичганимдан кейин мени уйга киришимга рухсат берди. Мен унинг шартларига сўзимда рози бўлсамда, юрагим тинч эмас эди. Мен ўзимни худди ҳамма айбларим ошкор бўлгандек ҳис қилар эди.

Бир неча кундан сўнг христианларнинг „Рождество“ байрами бўлди, 25-декабрь 1968 йил. Шу кунда дўстим Аҳмад билан учрашдим. У мендан ўзлариникига боришимни сўради. Бу кун Покистонликлар учун байрам, улар давлатни ташкил қилган Муҳаммад Али Жиппахани туғилган кунини байрам қиладилар. Шунинг учун бўлса керак, Аҳмад мендан:

— Сени бирон киши табрикладими? — деб сўради.

Уларнинг уйига келганимизда Аҳмаднинг отаси уйида эди. Бўлиб ўтган воқеа таъсир қилган шекилли олдингидек илиқ кутиб олмасдан ўрнидан туриб бизни ёлғиз қолдирди. Аҳмаднинг онаси Равалтинга яқинда фарзанд кўрган қизникига кетган эди. Аҳмад ҳам маслаҳат берди.

— Масуд, ўжарлик қилма, бундан ҳеч нарса чиқмайди. Фақат ўзингни бебахт қиласан.

— Мен ўжарлик қилаётганим йўқ. Аҳмад мен жавоб қидираяпман. Менга ёлғон керак эмас. Мен ҳақиқатни билишим зарур ва мен уни топмагунимча тинчланмайман. Мен катталар адашаётганини билишни истайман. Менинг мағрурлигим Аҳмаднинг юрагига ботди. Биринчи марта у менга бақирди.

— Бас қил, Масуд! Наҳотки, сенда катталарга бўлган ҳурмат қолмаса? Худога шукур дегинки, мен сенинг дўстингман, бўлмаса мен сени дўппаслаган бўлар эдим. Уни хафа қилганимдан жуда афсусландим.

Аҳмад кечир мени, биз бир-биримизга қўпол бўлмаслигамиз керак. Дўстлигимиз ҳурмати изланишларимга ёрдам бер. Аммо Аҳмад менинг илтимосимни бажаришни хоҳламади.

— Сен отангга буларнинг ҳаммасини тугатаман, деб ваъда бергансан тўғрими?

Ҳа, мен рози бўлдим, аммо мен шундай қилишга мажбур эдим. Мен буни ўз хоҳишим билан қилганим йўқ мени мажбур қилишди. Шунинг учун бу ваъда ҳеч қандай кучга эга эмас. Қолган ишларимни энди, яширинча қиламан ва мен сенинг ёрдамингга муҳтожман. Унинг менга ёрдам бергани очилиб қолса, нима бўлишини яхши билар эди. Шунинг учун жуда қўрқар эди. Мен сенга ёрдам бера олмайман, мен сенинг дўстингман, аммо дин мен учун дўстликдан афзал. Мен сени бизнинг имонимизга қарши бирон нарса гапиришингга йўл қўймайман. Ундан ташқари сенинг ҳамма сўзларинг исботга муҳтожы деда Аҳмад. Мен дўстимнинг қўрқоқлигидан жаҳлим чиқди.

Мен қоғоз ва қалам сўрадим. У қоғоз берди. Мен чўнтагимдан саволлар ёзилган қоғозни чиқардим ва қоғозга ёздим. „Ғулом Аҳмад таълимоти бўйича Масиҳ ўлган ва у Кашмирга кўмилган“.

Энди бу ёққа қара, биз мусулмонлар ишонамизки, бизнинг пайғамбаримиз адашиши мумкин эмас, лекин қара Ғулом Аҳмад қандай хатолар қилаяпди.

Мен қаламни олиб ёздим.

1. Хочдаги ўлимдан қочиб Исо Кашмирга келди. У ерда 80 йил яшаб 120 ёшда вафот этди. Бошқа бир қадимги Азала Аухам Ғулом Аҳмад китобида Ғулом Аҳмад Исони Покистонда вафот этганини таъкидлаган (473-бет).
2. Таблай Рисалет китоби 8-томида ёшини 125 да деб ёзилган.
3. Ал Шаҳодатин китобида Мариам ўғли Исони хочга михлангандан кейин 120 йил яшади деб ёзилган.

— Мирзо Ғулом Аҳмад бир-бирига қарши бўлган 3 та фикрни ёзган. Буларнинг қайси бирига ишонишимиз керак? Худо адашяпдими? Ёки Ғулом Аҳмадми? Аҳмад бу ёғи ундан ҳам қизиқ.

Исо Иерусалимда, Иудеяда, Самарияда уч ярим йил ваъз айтиб ва мўъжизалар кўрсатиб юрди. Унинг ҳаёти ва хизматлари ёзилган тарихий далиллар ҳозирги кунгача бор. Унинг Кашмирдаги 80 ёки 120 йилги ҳаётида биронта шогирд ёки издоши бўлмагани ажабланарли эмасми? Қидирувга қараганда Кашмирдаги қабр Исонинг

қабри эмас, балки Юз Азефанинг қабри экан. Бунга нима дейсан? Буларни ҳаммаси қизиқарли. Мен тугатдим. Аҳмад менга жим қараб қолди.

— Масуд, — деди у, — мен бу ҳақида китобларда нима ёзилганини кўришим керак. Аммо ҳозир у китоблар ёнимда эмас, уларни кутубхонадан олишим керак.

Биз унинг отаси келгунча гаплашдик, кейин хайрлашдим ва уйга қайтдим. Мен Аҳмадни сўзида турмасдан китобларни олиб келмаганига ҳозиргача афсус қиламан.

6

Мен ўзимни нуқтаи назаримни ҳимоя қилдим

1969 йил сентябрь бўлган ҳодиса мени баланд овозда ўзимни нуқтаи назаримни айтишга туртки бўлди. Ҳозир орқага назар ташлаб бу чиқишимни охири нима билан тугашини билмаганим учун Худодан миннатдорман. Агар билганимда, балки бундай қилмаган бўлармидим.

Ҳаммаси охирги кечки номоз иша номозидан кейин Равбах мачитида содир бўлди. Ибодатимиздан кейин Муҳаммад пайғамбарнинг ҳаётига аталган йиғилиш бошланди. Мачитда кўп одам йиғилган эди. Улар орасида ўзининг ёмон ҳулқи билан танилган бир неча йигитлар ҳам бор эди. Мен уларни яхши билар эдим, улар бекорчиликдан келишган эди. Улар менга қараб нималарнидир пичирлашар эди.

Йиғилиш очиқ бўлганлиги сабабли ҳар ким ёшлар ва қариялар мурожаат этгани чиқишдилар. Навбат олдин ислом динининг суний тармоғи аъзоси бўлган ва кейинчалик аҳмадий бўлган меҳмонга етди. У ҳаммада таассурот қолдирди. Уни таништирганидан кейин у сўз бошлади:

— Бугун биз Муҳаммад ҳаётини ҳар тарафдан қараб чиқдик. Мен Тора ва Инжилда Муҳаммад ҳақида нима ёзилганини айтмоқчиман. Бу одамнинг нима дейиши мен учун жуда қизиқ эди. Бирон сўзни эшитмай қолмаслик учун эътибор билан ўтирар эдим. Менинг билишимча, Инжилда Муҳаммад ҳақида бирон сўз айтилмаган эди. Унинг қўлида Библия бор эди. У Второзакония (Амрлар, Мусонинг 5-китоби) 18 бобини очиб бошлади:

— Худо Ҳазрат Мусога биродарларинг орасидан пайғамбар чиқараман, деди. Бу ерда ёзилганки: „Мен уларга биродарлари орасидан сенга ўхшаган пайғамбар бераман ва Менинг сўзларимни Унинг оғзига қўяман ва Мен унга нимаики буюрсам, У шуни сизларга айтади“ (Втор 18:18). Бу пайғамбар — Муҳаммаддир, унга тинчлик

бўлсин! — жасурона гапирди у ва бу башорат аниқ у ҳақида гапираяпти, Муҳаммад Исмоил, авлодидан, Исмоил эса Исҳоқнинг акаси эди.

Мен қулоқ солар эдим, аммо ишонмас эдим. Буларнинг ҳаммаси менинг назаримда нотўғри эди.

У давом этди:

— Мухаммад ҳам Мусо ҳам бутпарастлар орасида туғилган. Иккаласи ҳам бошланишида ўзининг халқ орасидаги ҳурматидан фойдаланишмади юртдошлари кейинчалик уларни ҳақиқий пайғамбар деб билишди. Иккаласи ҳам ўз мамлакатини ташлаб кетишди ва кофирларга қарши бўлди. Иккаласи ҳам бу дунёга Худонинг қонунини олиб келишди.

У Библияни варақлаб „Янги Аҳд“ни очди.

Ҳазрати Исо ҳам Мухаммад ҳақида башорат қилган. У Юҳанно 14-боб 16 оятни очиб ўқиди:

„Мен Отамга мурожаат қиламан ва У то абад сизлар билан қоладиган бошқа Юпатувчини юборади.“

Менинг билишимча масиҳийлар бу сўзларни Муқаддас Руҳ ҳақида дейишади, аммо ваъзхон гапирган талқин мусулмонлар орасида жуда кенг тарқалган. У давом этди:

— Кейинги 25–26 инчи оятларда ёзилган:

„Буни Мен сизлар билан эканман айтдим. Ўша Юпатувчи, яъни Менинг номимдан Отам юборадиган Муқаддас Руҳнинг Ўзи сизларга ҳаммасини ўргатади, Менинг сизларга айтган ҳамма сўзларимни У ёдингизга туширади.“

15-боб 26 оятда Исо шундай деган:

„Отам ҳузуридан Мен сизларга юборадиган Юпатувчи, яъни Отам наздидан чиқувчи Ҳақиқат Руҳи келгач, У Мен тўғримда гувоҳлик беради“.

Афтидан ваъзхон Муқаддас Руҳ — бу Муҳаммадлигини исботламоқчи эди. У Юҳанно баён этган Хушхабарнинг 16 бобидан ўқиб сўзини давом этди. У ўзи ўйлагандек ҳар хил исботлар олиб келар эди. Хушхабарга қилинаётган бундай муомала менда ғазаб уйғотар эди. Мен отамга аҳмадийлар Хушхабардаги оятларни ўзининг фойдаси учун талқин қилишини айтганимда жуда ғазаблангани ҳали ёдимда эди. Мен қулоқ солишда давом этдим.

— Биродарлар, мен шуни ёдингизга солмоқчиманки, айтиб ўтилган ҳамма башоратлар Муҳаммадда мужассам бўлган унга тинчлик бўлсин. Муҳаммад — ҳамма нарсани бизга тушунарли қилиб етказди. Қуръонда у Исо ҳақидаги ҳақиқатни Унинг ҳаёти ва ўлими, биби

Марямдан туғилганлигини ва мўъжизалар яратганини бизга эслатаяпти. У христианларни ва гудийларнинг ҳақиқий ҳолати ҳақида бизга ёзиб қолдирган.

У Адамдан то ўзининг замонавийларигача бўлган зарур башоратларни ёзган. У ҳақиқатдан ҳам бизни ҳақиқатга етаклаб бизга ажойиб қонун берди, бу қонун биз яшаётган қонунлардир.

Агар у ўз сўзини шу ерда тўхтатганда-ку яхши бўлар эди, аммо у давом этди. Нафақат Муҳаммад ҳақидаги башоратлар балки, Мирзо Ғулом Аҳмад тўғрисидаги башоратлар ҳам рўёбга чиқди. У шу гапларни қайтарди:

— Исо Масиҳнинг иккинчи келиши Мирзо Ғулом Аҳмадда намоён бўлди. У Махди-Моад, яъни буюк йўлбошчи ва Масиҳ-Моад ваъда берилган Қутқарувчидир. У — ҳамма пайғамбарларнинг асосий маъноси ва у бу охирги кунларда ўзининг абадий тинчлик мактубларида намоён бўлди.

Буларни гапириб у ўрнига ўтирди.

Бу ёлғон гапларни эшитиб менинг қоним қайнади „Қандай беъмани гаплар“ — ўзимга дедим ва шу пайт бу беъмани гапларга ишонмаганимдан юрагимда хурсандчилик пайдо бўлди. Ичимда қандайдир куч мени гапиришга ундар эди. „Масуд тур ўрнингдан. Ҳақиқатни гапириш вақти келди. Ҳаммага айт, бўлмаса сенинг на бошинг, на юрагинг буларни ушлаб тура олмайди!“ Овоз аниқ жаранглар эди. Шу пайт бошқариб борувчининг:

— Ораларингизда жамоатга мурожаат қилишни хоҳлайдиганлар борми? — деб сўраганини эшитдим. Худди шахсан менга гапиргандек эди. У бу сўзларни гапирганда жамоатнинг норозилиги билиниб турар эди ва у нотўғри гапирганини сезиб юзи ўзгарди, аммо мен ўрнимдан туриб қўйган эдим. Мен эмас, балки ўша қандайдир бир куч менинг ўрнимдан туришимга сабабдек эди. Мен секин ваъзхонлар гапирадиган жойга юрдим. Ҳозиргина ваъз гапирган кишининг олдидан ўтаётиб ундан Библиясини сўрадим, у менга берди.

Ҳамма менга қараб турар эди. Мендан узоқ бўлмаган жойда жамоа бошлиғи ўтирар эди. Ҳаммага назар ташлаб сўз бошладим. Шу пайт қандайдир куч менинг тилимни бошқара бошлади. Мен бу сўзларни ҳеч қачон ёдимдан чиқармайман.

— Ҳурматли биродарлар! Ҳар куни биз қандайдир янгиликка дуч келамиз ва бирон бир янгиликни билиб оламиз. Балким бугун ҳам сизлар учун бирон-бир янгилик очилиши мумкин. Мана ҳозир биз Библияга ишонадиган ва ундан оятлар келтирган биродарни эшитдик. Мусулмонлар Библия ўзгартирилган дейишга қарамасдан Библия

ўзгартирилмаганига ишонч ҳосил қилдик. Мен бўлиб, Библияга қарадим. Ҳозир менинг гапирадиган сўзларим жамоага ёқмаслигини билар эдим. Чунки уларнинг фикри бўйича 18 ёшли бола ҳамманинг олдида ваъз айтишга ҳаққи йўқ эди. Аммо мен давом этдим:

— Мен бу жанобдан сўрамоқчиман. Агар Втор 18:18 оят фақат Муҳаммад ҳақида гапиргани рост бўлса, у ҳолда нима учун Исо даврида яшаганлар бу оятни Исога таалуқли эканлигини айтганлар? Юҳанно баён этган Хушхабарнинг 1-боб 45 оятида бу ҳақида ёзилган: „Филип кетди. У Натанъилни топиб унга: — Биз Мусо ва бошқа пайғамбарлар Тавротда ёзилган Юсуф ўғли Носиралик Исони топдик, — деди.“ Одамлар Исонинг мўъжизаларини кўриб: „Ҳақиқатдан ҳам Бу оламга келадиган Пайғамбар экан“ — деган (Юҳанно 6:14). Ҳаворий Стефан ва Павел ҳам бу башоратни Исога таалуқлилигини тасдиқлашган. Исо ўзи ҳақида шундай деган: „Агар Мусога ишонганингизда эди, Менга ҳам ишонар эдингизлар, у Мен ҳақимда ёзган эди“ (Юҳанно 5:46).

Жамоа менга қаршилик руҳида қарар эди, аммо ички куч мени гапиришга мажбур қилар эди.

— Энди Муҳаммад ва Мусонинг ўхшашлигига келсак, биз бир неча исботлар келтирдик, аммо яна бир неча далилларни ташлаб кетишди. Масалан: Мусонинг даврида Миср шохи ҳамма яҳудийларнинг фарзандларини ўлдиришга буйруқ берган эди, аммо Муҳаммад даврида шундай бўлганмиди? Йўқ бундай бўлмаган. Мусо Худо билан гаплашар эди, шунинг учун унга Калим ул Аллоҳ, яни Худо билан гаплашувчи деб ном беришган (Сура 19:52, Сура 4:164).

Биродарлар Қуръонда ёзилишича, Муҳаммад Худо билан эмас, балки Жаброил билан гаплашган. Яна Мусо пайғамбар мўъжизалар яратган Муҳаммад эса мўъжиза кўрсатмаган. Агар ким Муҳаммад мўъжиза кўрсатган деса, Қуръонга қарши борган бўлади. Чунки Қуръоннинг ҳеч бир жойида Муҳаммаднинг мўъжиза кўрсатгани ҳақида ёзилмаган.

Энди ҳозиргина Юҳанно Баён этган Хушхабар орқали Исо ваъда берган Муқаддас Руҳ — Муҳаммад эканини „кўрдик“. Бизнинг китобларимизда Мирзо Ғулом Аҳмаднинг ўзи Муқаддас Руҳ каби кўрсатилган. Мана шу ерда биз қарама–қаршиликка дуч келамиз.

У ҳолда Юҳанно 14:16 ояти нимани англатади? „Ким бу бошқа Юпатувчи“?

Биринчидан бу оят тўғридан-тўғри Худога Ота деб мурожаат қилаяпти. Шунинг учун уни қандай қабул қиламиз?

Чунки Худо Ота каби деган таълимотга қаршимиз. Иккинчи тарафдан Исонинг бу сўзларининг маъноси нимадан иборат? Шубҳасиз, У шунчалик муҳим шахски, У Отасидан сўраганида, Унинг илтимосига жавобан Муқаддас Руҳни беради. Биз Мусулмонлар Муҳаммадни Исодан юқори тутамиз, аммо шундай ибодат билан Худога кела олармиди? Исо аниқ шундай деган: „Агар Мен кетмасам, Юпатувчи олдингизга келмайди, агарда кетсам, Уни олдингизга юбораман“. Бу сўзлар Юҳанно баён этган Хушхабарда 16:7 оятда ёзилган.

Мен Худонинг Ўзи, менга қаерни ўқишим кераклигини кўрсатишига имоним комил эди. Мен Библияни варақладим, керакли оятни топиб, дедим: — Яна Юҳанно баён этган Хушхабар 14:16 оятда шундай дейилган, „Муқаддас Руҳ келади ва У то абад сизлар билан қолади“, — деб ёзилган. Бу оятда Муқаддас Руҳ биз билан абадий қолади деяпти. Буни Муҳаммадга тааллуқли десак тўғри бўладими? Муҳаммад бу дунёда 62 йил ҳаёт қурди! Кимдир бу 62 йилни абадий деяоладими?

Мачит ҳовлисида турганлар зерикиб кетишди. Уларни мен ҳақимдаги фикрларини билар эдим. Бировларнинг юзида очиқ нафратни ва бошқаларда эса нотинчликни кўрар эдим. Аммо улар орасида бирон киши бу ҳақида фикр юритишига умид боғлаб давом этдим:

— Илтимос Юҳанно баён этган Хушхабар 16:13 оятига эътибор беринг. Бу ерда Муқаддас Руҳ ҳақида ёзилган, У „Ўзича гапирмайди, нимани эшитса, ўшани сўзлаб беради.“ Албатта, бу оятни Муҳаммадга тааллуқли десак бўлади, чунки у осмондан нимани эшитган бўлса шуни гапирди, аммо кейинги оятни нима қиламиз? „У Мендан эшитган нарсаларни сизларга маълум қилади, шу билан Мени улуғлайди“.

— Биродарлар, Қуръон шаҳодатлик берадики, Муҳаммадга Руҳ, Худодан Жабраил орқали кирган. Биз аҳмадийлар Муқаддас Руҳ — бу Муҳаммад, — деб ишонамиз, бундан келиб чиқадики, Исо У ҳақида гапирар экан „У ўзича гапирмайди. У Мени улуғлайди, чунки Отам эга бўлган ҳамма нарса меникидир.“

— Агар шундай бўлса, у ҳолда Худо — бу Исо ёки Исо — бу Худо. Аммо биз учун бунга рози бўлиш мумкин эмас!

Мусулмонда бунақа фикр бўлиши мумкин эмас!

Агар Исо Худо бўлмаса, у ҳолда Муқаддас Руҳ қандай Муҳаммад бўла олади? Агар биз Муқаддас Руҳ бу Муҳаммад деб рози бўлсак, у ҳолда Қуръонни Муҳаммадга Исо берганига ва Исони — Худо эканлигига ишонишимизга тўғри келади.

Сизлар ўзларингизнинг фикрларингизда қолишингиз мумкин,

аммо келинг, Ҳаворийларда Муқаддас Руҳ ҳақида нима ёзилганини ўқиймиз. Исонинг шогирдларидан бири Бутрус, Исодан 3 мартда тонганиди, аммо унга Муқаддас Руҳ кирганида у бутун Исроил эркаклари олдига чиқишга юраги дов берди: „Эй Исроил эрлари, бу сўзларни тингланглар! Насролик Исо қилган қудратли ва ажойиб мўъжизалари асосида Худо томонидан тасдиқланган кишидир. Ўша Одамни сизлар тутиб, қонунсизлар қўли билан хочга михлатиб ўлдирдингизлар. Шундай қилиб бутун Исроил аҳли узил — кесил билсин-ки, сизлар хочга михлаган бу Исони Худо — Раб ва Масиҳ қилиб тайинлаган“ (Ҳаворийлар 2:22, 23, 36).

Бу оловли сўзлар иштирок этаётганини сездим. Ҳа, бу кеч Худо мачитда ҳозир бўлди. Мен чуқур нафас олиб, „Биродорлар, нега бизлар шу пайтгача, ёлғон таълимотга қулоқ солиб, ҳар хил ҳақиқатга олиб келмайдиган тортушувлар билан оворамиз?“ — деган сўзлар билан якунлашимни ҳис қилдим. Агар мен шу ерда тўхтаганимда ҳаммаси яхши бўлар эди, аммо мен давом этдим. Худо мен билан бўлганидан мағрурланиб, ўзимни буюк ҳис қилдим. Ёшлигим ва ахмоқлигим билан, мен бу мағрурлик турига тушдим. Мен хулосага шошиб, Аҳмад Ғулом шахсининг ким бўлганини аниқлашга тушдим.

Биз ишонадиган ҳақиқат, қанақанги ҳақиқат ўзи?

Мен Мирзо Ғуломнинг худди Исо каби келгани ҳақидаги таълимотни эшитганман. Агар шундай бўлса, жаноблар менга сизлардан сўрашга рухсат беринг:

У ҳолда У келадиганда содир бўлиши зарур бўлган мўъжизалар нимага кўринмаган. Масалан, Исонинг шогирдлари Исонинг иккинчи бор келишини шундай тасвирлашади: „Мана булутлар билан келаяпти ва Уни ҳамма кўзлар кўради“. Қизиқарли жойи шундаки Мирзо Ғулом Аҳмад ҳақида дунёда кам одам билади. Агар аҳмадий таълимотига ишонсак, У умрининг охиригача христианларни мусулмон қилиши керак эди. Аммо бундай бўлгани йўқ.

Мен яна сўрайман: — Қайси ҳақиқатга ишонишимиз керак? Қалтироқ баданимда югуриб юрагимга қўрқув тушди, ичимдан „Масуд тўхта! Ўтир!“ — деган овоз эшитилди. Оёқларим қалтирар эди, аммо мен шунда ҳам нимадир демоқчи бўлардим. Жамоа қўзғалиб, отам мен тараф келаётганини кўрдим. Бир мушт билан мени ерга йиқитди. Одамлар менга интилар эди. Ҳар ким мени уришга ёки тепишга ҳаракат қилар эди. Бахтимга кўзим олди хиралашиб хушимдан кетдим.

7
Ҳалокатдан қочиш

Мен ўзимниг касалхонамизнинг умумий хонасида хушимга келдим. Менинг бошим айланар эди. Атрофимда бир иккита касалларни кўриб умумий хонада эканимни тушундим. Мен ўрнимдан турмоқчи эдим, аммо қимирлай олмадим. Ташқаридан шов-шув эшитилар эди. Мен ўзимни худди чақалоқдек кучсиз ҳис қилар эдим.

Қўлида шприц ушлаб бир қиз хонага кирди. Бирон оғиз гапирмасдан менга укол қилди ва бироз вақтдан кейин мен осмонда учгандек эдим! Кейин тезда ухлаган бўлсам керак, чунки кўзимни очганимда менинг кроватим ёнида Аҳмад хафа бўлиб турар эди. У билан яна 2 та йигит бор эди. Мен Аҳмадга илжайиб қўймоқчи эдим, аммо кучсизлигимдан ва бошим айланаётгани сабабли қўлимдан келмади.

Келган йигитлардан бири бақириб кулиб деди:

— Мана унинг ўжарлиги қаерга олиб келди! Кейинги сафар ўзининг ботирлигини кўрсатмайди. Иккинчиси унга қўшилиб деди:

— У ҳақиқатдан буюк одам. Икки кундан бери бу ерда ётибди, аммо ҳали ҳам тирик. Уларнинг гапидан мен бу ерда 3 кун ётганлигимни хулоса қилдим. Аҳмад уларга қўл силтаб бизни ёлғиз қолдиришини буюрди. Улар чиқиб кетганида, у менга яқин ўтириб деди:

— Масуд нега ўзингни келажагингни барбод қилаяпсан? Сени ахмоқона ишларингдан нафақат ўзинг, балки сен билан бирга оиланг ҳам шарманда бўлаяпти. Масуд уларни ҳам ўйласангчи. Буларни ҳаммасига якун қўйишга ҳали вақт бор. Сен нотўғри бўлганингга иқрор бўлиб ҳақиқий йўлга ўтишинг мумкин. Илтимос, шундай қилгин ва ҳаммаси яхши бўлиб кетади.

Унинг менга гапирган сўзларини ва менга бўлган севгисини кўриб юрагим эзилиб кетди. У менга бошимни кўтаришимга ёрдам берди. Кўзларимга ёш тўлиб ундан сўрадим:

— Аҳмад, наҳотки сен ҳам мени ёлғончи деб ўйласанг? Нега сизлар ҳаммаларингиз мени душман деб биласизлар? Менинг нима

айбим борлигини била олмаяпман! Менинг ичимдаги куч мени гапиришга ундаётганини сездим. Мен гапиришим кераклигини сездим.

Аҳмад қовоғини солиб:

— Масуд, сен ёлғон гапираяпсан. Ўша сен айтаётган куч қонга ва танага эга буни сен ҳам яхши биласан! Кимдир сенга буларни гапиришни уқтирган, тўғрими? Бу сўзларни гапиришига қарамасдан, у мен учун чуқур қайғураётганини мен билар эдим. Менга ишонмаётгани кўриниб турар эди, шунинг учун у хафа эди. Мен унга яна тушунтиришга ҳаракат қилдим.

— Аҳмад тушунасанми, мен ўша ички овозга қулоқ солиб унинг айтганларини гапирганимда ҳаммаси ўз жойида эди. Ҳамма жим ўтириб қулоқ солар эди. Сен биласанку, аммо ўз-ўзимдан гапиришни бошлаганимда мен тамом бўлдим. Улар мени роса дўппослашди, мен тинчлигимни йўқотиб фикрларимдаги дадилликни йўқотганимдан мени дўппослаша бошлади. Аҳмад эшитаяпсанми?

Аҳмад мени тушунишига умид қилиб қарадим. Бу сафар у мени тушунишини кутган эдим. Аммо ғазаб билан ўрнидан турди.

— Мана энди сенинг ҳақиқатдан ақлдан озганингга ишонаяпман. Доктор тўғри айтган экан, сени руҳий касалликлар касалхонасига юбориш керак экан. У мен билан хайрлашмасдан қайрилди-ю, хонадан чиқиб кетди. Мен унинг гапларидан жуда хафа бўлдим, лекин унинг доктор ҳақидаги сўзлари мени кўпроқ ташвишлантирар эди. Балким, мени ақли хаста деб даволаётгандир? Мен ўзимни жуда ёмон ҳис қилдим, худди хаёлимда нимадир содир бўладигандек эди. Ўзимнинг келажагимдан қўрқиб секин йиғлай бошладим. Ҳаддан ортиқ қайғурганимдан ибодат қила олмас эдим. Бир неча минутдан кейин ҳамшира мендан хабар олгани кирди. У хавотирланиб у ёқ бу ёққа қаради-да, эҳтиёткорлик билан секин деди:

— Эҳтиёт бўл, бу ерда ҳеч нарса емагин. Бугун оқшом учда ҳожатхонага чиққин. У ерда ўзингнинг кийимингни топасан. Кийингинда тезда қоч, бу ерда қолма.

Ҳамшира чиқиб кетди, менинг нафасим ичимга тушиб кетди. Бир пасда Аҳмад гапирган гапларнинг ҳаммасини ёдимдан чиқардим. Энди менга нима бўлади? Ҳамшира нима деди? Мен Худодан ёрдам сўраб ибодат қила бошладим. Ўша куни вақт жуда секин ўтди!

Бу қиз ким эди? Оддий ҳамширами? Унинг қизиқ огоҳлантириши ҳақида ўйлаб, у рост гапираётганига хулоса қилдим. Бу фикрлардан юрагим сиқилар эди. У қаердан билади? Уни Худо юборган бўлса керак. Худо мени огоҳлантириш учун Ўзининг „Фариштасини“ юборган бўлса керак!

Кечқурун менга овқат олиб келишди. Мен унга шубҳа билан қарар эдим. Мен жуда ҳам овқатланишни хоҳлар эдим, аммо унинг огоҳлантирган сўзлари қулоғимда жаранглар эди: „Бу ердан ҳеч нарса ема!“ Мен яна овқатга қарадим. Наҳотки, улар менга заҳар беришга қарор қилишган бўлишса! Мен хоинларни шу йўл билан ўлдиришганини эшитган эдим. Шунинг учун ҳар хил саволлар мени қийнар эди. Наҳотки мен ҳамма нарсамни йўқотган бўлсам? Яширинча овқатни тўдалаб клеёнка халтага солиб тумбочкага тиқиб қўйдим. Кейин ибодат қила бошладим. Худодан мени ҳимоя қилишини қайта-қайта сўрар эдим. Мен Қуръондаги оятларни қайтардим. Минутлар соат каби ўтар эди. Мендан хабар олиш учун киришганда ўзимни ухлаган кишига солиб ётдим. Бу оқшом асрдек чўзилар эди. Хонада навбатчи ҳамшира ҳаммани кўриб туриши учун хира чироқ ёниб турар эди. Соат учларда хона эшиги секин очилди ва кимдир секин овоз билан мени чақирди. Мен ўрнимдан туриб қўрқиб — писиб ҳожатхонага бордим. У ерда мен ўша куни мачитда бўлган кийимимни топдим. Кўйлагим билан шимимни кийиб ҳожатхонадан чиқаётганимда мен ўзимнинг „фариштамни“ мени кутиб турганини кўрдим.

У шошиб деди:

— Агар боғнинг энг четидаги бурчагига борсанг, у ердаги девордан ошиб тушишнинг иложи бор. Қўрқма, баланд эмас! Соат 4:30 да автобус келади, сен у билан Лиалпурагача борасан. У ердан бошқа автобус билан Лахорага борасан. Сенинг чўнтагингда адрес бор. У ерда сен хавфсиз бўласан. Мен яна озгина пул солдим. У ерга борганингдан кейин онам сенга ёрдам беради. Мен хатда онамга ҳаммасини ёзганман борганингдан онамга бер. Менга ноқулай эди, аммо унинг ишларидан ҳайрон эдим. Бу қиз нега менга ёрдам бераяпти? Нега мен учун хавотир олаяпти? Бу саволларга битта жавоб, Уни Худо юборган. Мен тутилиб унга миннатдорчилик билдирдим. Менга ташқарига чиқ, дегандек имлади:

— Буларнинг ҳаммасини нега қилаяпсан? — деб сўрадим.

У шошиб деди:

— Суҳбатлашишга вақт йўқ. Сен хавф остидасан. Бугун эрталаб бир катта бошлиқ келиб, докторга сени ўлдириш кераклигини айтганини эшитиб қолдим.

Унинг кўзларидаги ёш тобланар эди. Шунда у бир қизиқ бир гапни айтди:

— Шундай қилиб биродарим, сен тирик қоласан. Худо сени асрасин!

Мен унга миннатдорчилик билдирмасимдан, у ичкарига кириб кетди. Мен коридордан билдирмасдан чиқиб кетдим. Бахтимга ҳеч ким сезмади. Мен боғга чиқиб секин майсазордан юра бошладим. Касалхонанинг қоровули дарвоза ёнидаги стулда ўтириб мудрар эди. Ундан дарахт шохлари мени яшириб турар эди. Аммо у мени девордаги соямдан сезиб қўйиши мумкин эди, шунинг учун мен бу ердан тезда кетишга ҳаракат қилган эдим. Шу пайт ахлат йиғиндисига дуч келдим. Ахлат даҳшатли сасир эди. Мен бирдан қоровулга қарадим, у ухлашда давом этар эди.

Мен деворга осилиб чиқдим. Бир оз қўрқиб ўзимни ташламасдан турдим, аммо қандайдир итнинг ҳурганини эшитиб ўзимни отиб юбордим. Мен йўлнинг ёнидаги ахлатлар устига тушдим. У ердаги ойна синиқлари қўлимни кесишига қарамасдан менинг омадим келди, чунки мен йиқилган катта қоғоз қути мени лат ейишдан қутқариб қолди. Мен ўрнимдан ирғиб турдимда, яқиндаги панага яшириндим. Ҳеч ким мени сезмади. Мен хавфсиз эдим.

Бир неча дақиқадан кейин мен ўрнимдан туриб, асосий йўлга чиқиб, Чиниотага кетадиган тарафга қараб йўл олдим. Чиниота Равбахдан 5 км узоқда эди. Ой ёруғ эмас эди. Петджаб хавфсизлик хизмати қоровуллари ухлар эди. Мен улар турган жойни секин чанг йўллар орқали кесиб ўтдим. Равбахдан чиқиб кетар эканман, мен ўзимга яна қайта олармиканман, деб савол бердим.

Кечки салқин жуда ажойиб эди, бошқа шароит бўлганда бу ажойиб оқшомда сайр қилган бўлар эдим, аммо бугун эмас.

Мен жуда қўрқар эдим. Агар қочаётганимда ушлаб олишса, шубҳасиз мени ўлдириши аниқ эди. Буларни ўйлаб мен югура бошладим, иложи борича Равбахдан узоқлашишим керак ва югуришга ҳолим қолмагунча югурдим. Касалхонада анча кучсизланганимни сезиб автобусга ўтирмаганимга афсус қилдим. Мен ҳамширанинг режаси ҳақида ўйлаб, автобусда кетишим хавфли эканини тушундим ва шунинг учун Чиниотадан поездга миниб кетишга қарор қилдим. Чиниотадан Лақорга эрталабки поезд бор эди. Менинг ҳаракатларимни ичимдан кимдир бошқараётган эди. Бундай тинчлик ва дадилликни бутун йўл бўйлаб ҳис қилдим.

Эрталаб бир соатлардан кўпроқ вақт ичида темир йўл шох бекатига етиб келдим. Станциянинг устидаги Чиниота ёзуви мени кутиб олди. Шохбекат одамларнинг ғовур-ғувурига тўлган эди. Одамлар иссиқ ширин чой ичишар эди. Айтишларича, Покистонда темир йўл шохбекатлари ҳеч қачон ухламайди, бу тўғри. Келиб навбатга турдим ва Лохоргача чипта сотиб олдим. Бир неча минутдан кейин Тепловоз

узун гудок берди ва биз Лохор томон секин жойимиздан қимирладик.

Поезд одамга тўлалигидан ҳаттоки коридорида ҳам одам тўла эди.

Бу мен учун фойдали эди, чунки одам кўплигидан мен ўзимни хавфсизроқ ҳис қилдим. Бир икки бекатдан кейин, бироз одамлар камайиб жой топиб ўтирса бўладиган бўлиб қолди. Бекатларда одамлар бироз оёқ ёзгани ва нонуштага чой олгани пастга тушар эди. Бошида катта сумка ва қўлида кўрпасини қучоқлаб олган аравакаш ва мардикорлар одамлар орасида баланд овоз билан оломонни ёриб ўтар эди. Кўп вақтдан буён овқат емаслигимга қарамасдан, хавотирланганим учун қорним очганини сезмас эдим. Эрталаб салқинда бу чой худди асалдек эди ва баданим иссиқ тарқатар эди. Оқшомги қўрқувлар ортда қолишига қарамасдан, мен ўзимни ёлғиз ва эзилгандек ҳис қилар эдим. Гарчи ёлғиз бўлмасам ҳам.

Мен чўнтагимдан ҳамшира берган хатни чиқариб адресни ўқиб кўрдим: Нисбет Роуд, Лахор, конверт ёпиштирилмагани сабабли, мен хатни олиб, уни мен ҳақимда нима ёзганини билмоқчи бўлдим. У онасига мени Равбахда катта ташвишларим чиқиб қолгани учун мени Равбахдан тезда кетишимга тўғри келганини ёзибди. У менга ғамхўрлик қилишини ва тоғасиникига мени юборишини илтимос қилибди. Яна ёзишни менга ваъда бериб, мен онаси ҳақида ғамхўрлик қилишимни мендан ҳам илтимос қилиб хатни тугатибди.

Хатни тахлаб котвертга солдим. Хатни ўқиб бўлганимдан кейин кўнглим ёришиб кетди ва Худони мен ҳақимда ғамхўрлик қилаётганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Вагон деразасидан сузиб ўтаётган майсазорлар менга кўм-кўк осмонни эслатар эди. Сабрсизлик билан Лахорга етишимизни кутар эдим.

Бир неча соатдан кейин поезд Лахорнинг асосий вокзалига етиб келди. Вокзалнинг узун биносидан одамларнинг оқими мени суриб чиқариб ташлади. Мен бизнинг мамлакатимизда одатий ҳол бўлган транспорт воситаси танга, яъни от аравага миндим.

Аравакаш мендан қаерга олиб боришни сўради. Мен конвертни олиш учун қўлимни чўнтагимга солдим ва юрагим ёрилди, конверт ҳам, пул ҳам йўқ эди! Кимдир вокзалда тиқилинчда чўнтагимдан олиб қўйган бўлса керак. Мен ўзимнинг бепарволигимдан жуда афсус қилдим, аммо ҳеч нарса ўрнига тушмади.

Аравакашга мен пулимни ўғирлатиб қўйганимни айтдим. Бу одам меҳрибон чиқиб қолди ва мени Нибет Роудгача текин олиб боришга

қарор қилди. Бахтимга адреснинг бир қисми ёдимда қолган экан. Аравакаш яна биронта киши шу тарафга кетармикан, деб қараб секин қўзғалди. У Нисбет Роудга ташлаб кетди. Мен унга миннатдорчилик билдирдим. Мен бу ерда ҳам Худонинг ғамхўрлиги учун миннатдор бўлиб, қисқа миннатдорчилик ибодатини қайтардим.

Покистонда аёлнинг турар жойини сўраш одобсизликка киргани сабабли бу қизнинг онасининг қаерда яшашини сўраш ноқулай эди. Агар эркак киши бўлганида илинганидан сўраса бўлар эди. Аммо бу аёлни топишнинг бошқа йўли йўқ эди. Ҳеч ким уни танимайдигандек эди. Мен нима қилишимни билмас эдим. Озгина юриб, Лаксми Чоук номли чорраҳага чиқдим. Атроф ҳар хил фильмларни реклама қиладиган афишаларга тўла эди. Покистон ва Индия бу иккита йирик кино фильм ишқибозлари мамлакатидир. Бу туман киносаноатининг маркази эди. Лахор шаҳри ўзининг киностудиялари билан донги чиққан, шунинг учун кўпгина ёш йигитлар кинога тушиш мақсадида яширинча қочиб келишади.

Кинотеатрлар ва ресторанлар ҳар бир қадамда бор эди. Гавжум одамлар оқими мени тротуардан кўчага чиқариб юборди, сал бўлмаса машина туртиб кетай деди. Мен қайтадан тратуарга сакраганимда патнисда битта чойнак ва бир неча пиёла олиб кетаётган болани туртиб юбордим. Унинг қўлидаги патнис пиелалари билан қўшилиб учиб кетди. Пиелалар чил-чил бўлди. Мен даҳшатга тушдим. Бу йигит менга бақириб чашкани синдирганим учун 5 рупия талаб қилди. Мен ночор аҳволда қолдим, чунки менинг пулим йўқ эди. Одатда бундай воқеа содир бўлганда атрофга одамлар йиғила бошлашади. Кўчадаги бекорчилар томоша қилиш ниятида уруш бошлашини кутар эди, аммо мен умуман урушишни хоҳламас эдим. Бу содир бўлган воқеага мен айбдор эдим. Мен бу йигитга: — Ўртоқ, менда пул йўқ! Хоҳласанг қидириб кўр, ақалли танга топмайсан, — дедим.

Орқамда турган бир қария гап бошлади.

Буларнинг ҳаммаси шунақа дейди, бу гадойлар бу ерга актёр бўламан деб келишади. Кўриниб турибди бу шулардан бирига ўхшайди.

Унинг гапларидан қулоғим қизиб кетди. Укинг сўзлари ҳақиқатдан узоқ эди, аммо менинг ҳаётим хавф остида бўлгани учун уйдан қочдим, деб исботлашга вақт йўқ эди. Мен йигитга секин айтдим:

Қулоқ сол, мен жуда афсусдаман. Юр, сен ишлайдиган ресторанга борайлик. Мен ҳам ишли бўлар эдим, сенинг пулингни ҳам тўлайман.

Йигит бир оз қотиб турдида, чуқур нафас олди. У ўзи пул тўламаслигини тушунди шекилли, менга қараб: — Юр, — деди ва мен унинг орқасидан бордим. Унинг исми Фаррух эди. Фаррух ёши мен қатори бўлган, меҳрибон бола эди. Биз дўст бўлишимизга имоним комил эди. У мени ресторан ёнида пул санаб ўтирган хўжайинининг олдига олиб борди. Ресторан кичик эди ва унинг ички ва ташқи қисмида чой сотар эди. Фаррухга ўхшаган болалар чойни киностудия ва ташкилотларга югуриб бориб сотиб юришади. Чойни ҳамма ичади, шунинг учун бу бизнес ҳамиша яхши бўлган. Болаларга кичик ҳақ тўлар эди, болаларни кўпроқ чой сотганда қоладиган фойда қизиқтирар эди. Улар ўзининг ҳақидан норози эмас эди, аммо югуриб чой сотиш осон эмас эди.

Хўжайин кўп ҳисоб-китоблардан бошини кўтариб менга қараб Фаррухнинг ҳикоясига қулоқ солар эди. Фаррух ҳаммасини тушунтирганда хўжайин менга қараб:

— Демак сен ҳам? Фильмдаги бирон қизни севиб қолиб уйингдан қочдингми? Агар шундай бўлса қайси бирини? — деб сўради. Менинг бошим қотиб қолди, чунки бунга ўхшаган фильмлар ҳақида ўйламаган эдим. Жавоб бермасдан жим турганим учун у менга дўқ уриб буюрди:

— Майли, бориб бошқа болаларга қўшилиб коса-товоқ ювгин. Фаррух мени ошхонага олиб борди. У ерда кун бўйи ҳар хил ошғолдошғолларни ювдим. Бу иш менга ёшлигимдан таниш эди, аммо бугун кўзим ёшга тўлди ва мен шошиб тез-тез қўлим билан суртиб ташлайвердим. Буни Фаррухдан бошқа ҳеч ким кўрмади. Кечқурун ресторан ёпилаётганда менинг тунайдиган жойим йўқлиги ёдимга тушди. Мен Нисбет Роуддаги аёлни топишдан умидимни уздим. Балким энди ҳамшира мени онасиникига боришга қўрқди ёки яхшиликни қабул қилмади деб ўйлайди. Буларни эслаб хафа бўлиб кетдим.

Мен чарчаганимдан секин йўлга тушдим. Фаррух ёнимда кетаётиб:

— Сенинг тунайдиган жойинг борми? — деб сўради.

Мен бошимни чайқаб йўқ дедим.

— Юр мен билан, — деди ва парк томон юрди. Унда қандайдир ички куч бор эди. „Қизиқ, у қаердан, қаерда ўсган экан?“ — ўзимча ўйладим мен.

Биз донгдор Лоуренс боғига кирдик ва скамейкага ўтирдик. Фаррухнинг бу менинг скамейкам деганига ҳайрон қолдим. У бу ерда ухлар экан.

Бугун, — деди у юрагини кенг очиб, — биз буни бўламиз! Ярими сенга, ярими менга!

Бу фикр менга жуда ёқди ва мен унга чин юракдан миннатдорчилик билдирдим.

У қоғоз халтадан овқатни чиқариб скамейкага қўйди. Унинг тартиблилиги кўриниб турар эди. Кейинроқ Қорачида бой оилада ўсганини айтиб берди. Қорачи Лохардан 800 км узоқликдаги Покистоннинг ғарбий шимолида жойлашган катта шаҳар эди. Мен у ерда ҳеч бўлмаган эдим.

Фаррух олийжаноб йигит эди. Бу кеч юлдузлар остида бўлиб еган енгил овқат нафақат қорнимни балки юрагимдаги бўшлиқни ҳам тўлдирди. Мен Худонинг мен ҳақимда ҳамма нарсадан хабари борлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Мени бу оқшом ёлғиз қолмаслигим учун, бу янги ўртоқни албатта Худо берди. Фаррух ўзининг тарихини қисқача айтиб берди. Бой оилада ягона ўғил экан. У Лахорга кино оламида ўзининг ўрнини топиш учун ота-онасининг розилигисиз келган экан. Аммо унинг омади келмади ва бир тийинсиз қолди. Буларнинг ҳаммасини менга айтиб бераётганда, у бахтсиздек эди. Мен уни қандай коса товоқ ювиш ва чой тарқатиши қийинлигини кўз олдимга келтирдим. У менга ўхшаб келажакда уни нима кутаётганини билмас эди. Ҳаттоки озгина йиғлади ҳам. Биз то қоронзи туршанца у билан суҳбатлашдик. Эрталаб мендан ғазабланган Фаррух кечқурун энг яқин дўстимга айланиб қолди. У гапирган вақтда менда ёшларни кўр-кўрона ишонишга ундайдиган катталарга нисбатан нафрат оша борди. Улар фақат ўзларининг урф-одатини сақлаб қолишни хоҳлар эди. Ҳақиқат эса уларни заррача ҳам қизиқтирмас эди. Биз ҳаммамиз бу фикр ва ҳаракатларнинг таъсири остидамиз. „Нега, инсонларнинг уйланиб фарзанд кўпайтиришининг мақсади уларни бахтсиз қилиш бўлса“ — деб ўйладим. Ёшларнинг ҳаёти жуда оғир. Мен бу фикрларимни Фаррух билан бўлишганимда, у асосий қисми билан рози эди, лекин ота-онанинг севгисисиз яшашни хоҳламайман деди. Қорачига нега қайтмаётганининг сабабини сўрадим. Бироз ўйланиб туриб деди:

— Агар мен қайтсам, сен мен билан кетасанми? — сўради у.

Бу таклифдан довдираб қолдим ва фақат:

— Мен ҳеч қачон Қорачида бўлмаганман. Қаерда яшайман?

Фаррух бу ташвиш эмас эканлигини исботлади ва охири мен рози бўлдим. Бизлар ухлаганимизда кун ёриша бошлаётган эди. Тор скамейкада иккаламиз гужанак бўлиб ётар эдик. Оқшом қоровул бир неча маротаба келди ва бизни уйғотди.

Фаррух унга 50 пейс берди, аммо қоровул таёқ (дубинка) билан мени кўрсатди. Фаррух яна 1 танга беришига тўғри келди. Қоровул пулни чўнтагига солиб, бошқа уйсизлар ётган скамейкаларнинг ёнига кетди. Бу бизнинг ётишимизга рухсат оладиган пора эди. Бундай ҳодисалар асосан ҳаёт тарзи паст жойларда содир бўлади. Одамлар фақат шу тарзда кун кўра олишади. Мен яна ухлаб қолдим.

Менинг атрофимдаги уйлар даҳшатли равишда қулаб, чангга айланаётган эди. Баланд уйлар ерга қулади, ер тутаб қалтирар эди. Ҳамма жой вайрон бўлди. Сув оқадиган қувир ва канализация тарновларидан сассиқ ҳидлар чиқар эди. Мен бир нечта бўм-бўш мачитларни кўрдим. Йиқилган деворлар яқинида бир ярми кўмилган имон ётар эди. Мен тўхтаб уни сугуриб олдим. У ҳеч нарса демади, ҳаттоки мени кўрмас эди, у худди хушдан кетгандек эди.

Тўсатдан, шу йўналишдан кетаётган юзлаб одамларни кўрдим. Мен уларни нима қилмоқчилигини кўриш учун уларга қўшилдим. Олдинда мен буюк гулханни кўрдим, бу гулхан мен кўрган гулханлар ичида энг буюги эди. Қора тутун осмонга булут каби кўтарилар эди. Олов бутун дунёни қамраб олгандек эди. Одамлар олов ёнига келиб, индамасдан бир-бирининг орқасидан оловнинг ўртасига ташлар эди. Оловга кириб, улар ёниб кул бўлиб кетаётган эди.

Буларни кўриб, қўрққанимдан мен тошдек қотиб қолдим. Мен ўтиб кетаётган бир кишига бақирдим: „Тўхтанг! Нега бундай қилаяпсизлар? Нима учун ўз-ўзингизни ўлдираяпсизлар?“ У менинг қўлимдан енгилгина чиқиб ва менга, „Наҳотки билмасанг, бу дунё устидан Ҳукм-ку! Бу дунёда қилган ишларимиз учун жазо олаяпмиз.“ Мен даҳшатдан бақирдим: „Йўқ! Мен бунақанги якунни хоҳламайман. Йўқ!“ Мен бир одамнинг: „Сен бу ерга нима қилаяпсан? Жанубга кет, Жанубга бор!“ — деганини эшитдим.

Бу қўрқинчли тушдан уйғониб кетдим. Мен баман овозда Адхам(Аъзон)ни эшитдим. Узоқ бўлмаган сунний мачитига ибодат учун чақираётган эди. Бир неча минут мен таниш сўзларни роҳат қилиб эшитдим.

Анихадо ун Ла Илаха ималлаҳ
Муҳаммадар-Расулуллаҳ.

Фаррух уйқусираб қимирлаб кетди ва мени уйқум очилиб кетди. Мен ўрнимдан туриб, мачитга бордим.

Мен таҳорат олаётганимда менда „Мен нотўғри қилаяпман. Аҳмадийлар суннати ва шиитлар билан намоз ўқимайди“ — деган фикр бор эди. Аммо мен бу фикрни четга суриб мачитга кирдим. Намоз ўқиётган имом Қуръондан оят ўқиди.

Аллоҳнинг номини улуғлаймиз. Бутун дунёнинг Ҳукмрони, Меҳрибон ва Раҳмдил фақат сенга таъзим қиламиз, фақат Сендан ёрдам сўраймиз. Бизга Сен марҳаматлаган ҳақиқат йўлини кўрсат. Сенинг ғазабингга дучор қиладиган йўлдан бизни халос қилгин.

Бу ибодатни эшитиб ўз-ўзимдан сўрадим: — Ҳамма мусулмонлар бу сўзларни ҳар куни кўп маротаба намоз олдидан қайтарамиз. Биз ҳамиша Худодан бизга тўғри йўлни кўрсатишини сўраймиз. Биз қандай йўлни бизга кўрсатишини сўраймиз. Нима биз ҳақиқат йўлида эмасмизми? Бу фикрлар қайта-қайта келар эди. Мен бу фикрларни қувиб, Ибодат қилишим учун кўзимни юмиб фикримни бир жойга қўйдим. Намоз тугади ва одамлар тарқала бошлади. Бирдан оёғим остидаги ер қимирлаб худди тушимдагидек бўлди. Ер қимирлаган эди. Кўчада одамлар:

— О Худо, бизга раҳм шавқат қил! — деб бақирар эди.

Кўрган тушим ёдимга тушди. Ер бир неча дақиқа қимирлади ва тўхтади. Ҳамма жойни қоплаган чангдан содир бўлган ҳодисани тушунса бўлар эди. Лекин менинг оёқларим ҳали ҳам қалтирар эди: Менинг ички назаримда ўлимга маҳкум бўлганларни ўлдириш маросими давом этар эди. Туш жуда аниқ бўлган эди.

Фаррух томон югурдим. Кутганимдек у уйғонган эди. У умрида биринчи маротаба зилзилани кўраётган эди. Биз ресторанга келиб нонушта қилдик. Хўжайин менинг яна бир кун қолишимга рози бўлди. Ҳамма йигитлар ҳар кунги ҳаққини олар эдилар ва шундай қилиб қорнини тўйғазар эди. Улар юрагининг тўрида бир кун ҳурматли жаноб келиб уларни кино оламига олиб киришига умид қилар эдилар.

Мен ғайрат билан ишлар эдим, аммо фикрим ишдан анча узоқ эди. Мачитда қувган фикрим менга қайта-қайта келар эди. Мен ўзимни алдангандек сезар эдим.

„Масуд, ўзимга-ўзим гапирдим, — ўзинг айт, бир кунда неча марта намоз ўқийсан ва неча маротаба Қуръондаги шу сўзларни ўқитилган тўтидек қайтарасан? Нима ҳақида ибодат қилишинг ҳақида ўйлаб кўрганмисан? Менга тўғри йўлни кўрсат деб, ибодат қилганингда нимани назарда тутасан? Ҳамма мусулмонлар ҳақиқат йўлида ва Худога маъқул бўлган йўлда кетаётган бўлишса, у ҳолда нима учун Худодан бу йўлни кўрсатишини сўрашади? Улар бу йўлни ҳали топишмаганми ёки йўқотишдан қўрқадими?“

Бирдан ўзим ҳам улардан фарқим йўқлигини тушуниб ҳайратда қолдим.

Биз ҳаммамиз бир хил аҳволдамиз. Наҳотки, Мен Худога маъқулман, дея олсам? Кечқурун идишлар ювилган ифлос сувни ташлаб, ишни тугатганимда ҳам менинг юрагим: „О Худо, ҳақиқатга олиб борадиган йўлни кўрсат,“ — деб бақирар эди.

8

Жануб томон!

Орадан уч кун ўтди, лекин мен ҳали ҳам аввалгидек нима қилишимни билмас эдим. Мен Фаррух билан бирга ресторанда ишлашни давом эттирар эдим ва уни ҳамиша ёрдам беришга тайёрлигини қадрлар эдим. Хўжайин уни яхши кўрар ва унга ҳар қандай ишни ишониб топширар эди.

Мен тўртинчи иш кунимни якунлаб қўлимни суртдим ва Фаррухни қидириб чиқдим. Биз қолганлар билан хайрлашиб кечки салқиндан хурсанд бўлиб тоза ҳавога чиқдик. Бирдан Фаррух менга:

Масуд кетдик, биз поезд шохбекатига боришимиз керак, — деди. Ҳайрон бўлиб вокзалга шошиб кетаётган дўстимнинг орқасидан югурдим. Мен уни қўлидан тутиб сўрадим.

— Нима дединг? Биз бирон жойга кетаяпмизми? Хўп, унда пулимиз йўқ-ку? Фаррух эътибор бермасдан тез юриб кетаверди.

— Ҳаммаси жойида Масуд. Мен иш ҳақимни олдим. Менда 100 рупия бор. Менинг жавобимни кутмасдан шаҳарда юрадиган тангани, яъни от аравани тўхтатди ва иккаламиз миниб вокзал томон йўл олдик. Унинг сўзлари мени ҳайратга солар эди. Менинг билишимча, ҳеч қандай шароитда ҳам Фаррухнинг иш ҳақи бунча миқдорни ташкил қила олмас эди. Қайси хизмати учун хўжайин унга бунча миқдорда пул тўлаяпти, деб ўйладим. Аммо савол беришга вақт йўқ эди. Биз вокзалга етиб келдик.

Фаррух йўл ҳақини тўлади. У поезд қачон бўлишини билиб келиш учун кетди ва тезда хурсанд бўлиб қайтиб келди. У менга поезд Қорачига ярим соатдан кейин бўлишини ва у билет сотиб олганини айтди. Биз кенг майдонни эгаллаган кутиш майдонига келдик. У ерда асосан ўзининг катта тугунлари ва қозон-товоқлари 3 табақа йўловчилари ўтирар эди. Уларнинг ҳаётига қараб, нега бу одамлар ўзининг ташвишларини поездда бирга олиб юришларига тушунмас эдим. Буларнинг олдида бизнинг нарсаларимиз ҳеч нарса эмас эди.

Бизда ҳатто ёпинадиган нарса ҳам йўқ эди. Мен ўзимни ожиздек ҳис қилдим. Бу фикрларимни Фаррух билан бўлишмоқчи эдим, аммо унинг нимадандир хафалигини сезиб ундан сўрадим:

— Фаррух нима бўлди? Нега бунчалик хавотирдасан?

У кўзини мендан олиб қочиб индамади. Мен уни мажбурламадим ва иккаламиз жим ўтирдик. Шу пайт поезд келди, жой эгаллаш учун бор кучи билан ҳаракат қилаётган 100 дан ортиқ одамлар орасида биз ҳам бор эдик.

Биз учта бекатдан ўтганимиздан кейин уни нимадир хавотирлантирганини айтди. Ҳеч ким эшитмаслиги учун пичирлаб:

— Масуд, бу 100 рупия меники эмас, — деди. Хўжайин менга ресторанга чой сотиб олиш учун берган эди, шунда Қорачига кетиш фикри туғилди. Мен уни айбламасамда, унинг бу ишидан ташвишландим. Кеч кирди, поезднинг ғилдираклари тақирлаб йўлда давом этар эди. Поезд жануб томонга секин кетар эди. Нимадандир уйғониб кетдим. Хаёлимга келмаган жойлардан кетаётган эдик. Мумпан шаҳридан кейин тезда Сатлеж денгизини кесиб ўтадиган кўприкдан ўтдик. Мен кўприкнинг узунлигидан ҳайратда қолдим. Кейин қуруқликда сал кам чўлда кетар эди. Поезд иссиқдан қайнар эди. Аммо Раббаҳдаги тинч ҳаётидан кейин буларнинг ҳаммаси мен учун янги ва қизиқарли эди. Фаррух буни кўриб ўзининг ташвишларини унутиб бу ерларни менга таништира кетди. Ҳар бир ўтаётган соат унинг уйига яқинлаштирар эди, аммо унинг оиласи қандай кутиб олишини билмас эди. Тушларда поезд бирдан тўхтади ва биз бошқа йўловчилар билан нима содир бўлганини билиш учун чиқдик. Бахтсиз ҳодиса юз берганга ўхшайди. Кимдир велосипедини кўтариб поезд йўлини кесиб ўтишга ҳаракат қилганида поездга дуч келибди. Велосипеди ундан узоқда ётар эди. Бир пасда ҳар хил давлат хизматидагилар йиғила бошладилар. Бир оз вақтдан кейин поезд йўлга отланди. Велосипед синиқлари олдидан ўтиб кетаётиб, Покистонда одамзод ҳаётининг қадрсизлигини кўриб, хафа бўлиб кетдим. Шубҳасиз, одам обрўсиз яшаган бўлса ҳам қадр-қиймат билан ўлишга ҳаққи бор. Поезд тезликни оширди ва менинг бу фикрим орқада қолди.

Кечга яқин поезд қаердадир тўхтади ва балиқ ва гуруч сотиб олдик. Балиқнинг мазаси йўқ эди, аммо биз уни еб тугатдик. Фаррух яна индамасдан кетар эди. Биз Ҳайдарободдан ўтадиган кенг Инд кўпригини кесиб ўтдик ва бир неча соатдан кейин Қорачига етиб келдик. Поезд жуда кеч келди, узоқ сафар бизнинг силламизни қуритган эди. Аммо вокзалнинг шов-шувларидан узоқлашганимиздан

чарчоғимиз учиб кетди. Фаррух марказий кўчага мени олиб бориб менга қараб деди:

— Қандай яхши яна уйда бўлиш! Қизиқ ота онам нима қилаётган экан?

Биз автобус бекатига келиб Фаррухнинг уйига олиб борадиган автобусга миндик. Мен жуда чарчаган эдим, шунинг учун оғзи-бурни тўлган автобусга миниш менга малол келар эди. Мен Фаррухга кейинги автобусни кутишни таклиф қилдим, аммо у мени эшитишни хоҳламади.

— Йўқ, мана шунда кетамиз, — деди, — бу ерда автобус кўп эмас, шунинг учун кейингиси ҳам тўлиб келади. Яхшиси кетдик!

Рози бўлишга тўғри келди. Автобус жойидан қўзғалгунча, мен Фаррухнинг ота-онаси мени қандай кутиб олиши ҳақида ўйладим. Мен уларга ўзим ҳақимда уларга нима дейман? Фаррух билан танишганимдан буён унга ўзим ҳақимда жуда оз гапириб берганман. Ўзи ҳам сўрамаганда! У мени унга ўхшаб қочиб кетган, деб ўйлар эди. Бу мени қаноатлантирар эди. Аммо бу жавобим унинг ота-онасини қаноатлантира олармикан? Равбахдаги ота-онамга мурожаат қилмасмикан? Аҳмадийни уйига қабул қиладими? Мен бу саволларга жавоб топа олмадим, аммо бироз кутишга қарор қилдим. Автобус нотекис йўлдан, Фаррух тушамиз дегунча ярим соат қалтираб келди. Кейин содир бўлган воқеани эслаб, фақат Худо шундай қилиши мумкин, дейсан киши.

Фаррух автобусдан тушганидан шофёр катта тезликда жойидан қўзғалди. Покистонда кўпинча шундай қилишади. Чунки автобус тўхтаса уни юргизиш жуда қийин бўлади. Шунинг учун улар бекат ёнида тезликни пасайтирадилар ва йўловчилар автобусдан сакраб тушадилар. Тушадиганлар мен ва Фаррух бўлгани учун унга чиқадиган ҳеч ким бўлмагани учун озгина тезликни ташлаш етарли деб ўйлади. Мен Фаррухни ўзини ерга отганини кўриб ҳайратда қолдим. Мен тушишга улгурмасдан қолдим. Мен шофёрдан автобусни тўхтатишини сўрадим, аммо у менга бақирди:

— Нима ухлаяпсанми, эшак? Сакраб тушиб қолсанг бўлмайдими?

Мен жуда хавотирланиб:

— Менинг дўстим ҳозир тушиб қолди. Мен бу ерда биринчи бор бўлишим ва йўлни билмайман. Энди қандай қилиб уни топиб оламан? Шофёр бўйнини қисиб:

— Билмадим, кейинги бекатга тушасан ва орқага қайтасан, балким сени кутиб олар, — деди. Кейинги бекат бир мил узоқликда эди. Бу

сафар мен олдиндан тайёргарлик кўриб қўйдим. Автобус бекатга яқинлашганидан мен сакрадим. Мен чангда кўринмай кетаётган автобуснинг кетидан қараб қолдим. Автобус кетди, кенг ёлғиз кўчада дўстимни қандай топишни билмасдан қолдим. Шу пайт бир йўловчини учратиб қолдим, мен ундан Фаррух тушиб қолган бекатни сўрадим. У кўрсатган томонга қараб Фаррухни мени кутишга сабри етади, деган умидда йўлга тушдим. Орқага қайтаётган автобусга минишга пулим йўқ эди. Босиб ўтишим керак бўлган масофани ўйлаб мен югурдим. Фаррух йўқ, демак, мени кутмаган. Мен чапроққа ўтдим ва ўксиб йиғлай бошладим. Кенг кўчада машиналар оқими тўхтамас эди. Бекатда турган одамлар уларни иссиқ уйига оиласига ва кечки овқатга олиб борадиган автобусни кутар эди. Бу шаҳарда борадиган жойим йўқ эди. Фаррух эса мени кутмасдан кетиб қолган эди. Озгина хафа бўлдим. 1969 йил сентябрь ойининг охирги ҳафтаси эди. Мен 18 ёшда эдим.

Менинг биринчи ташвишим ётадиган жой топиш эди. Кеч кирди, лекин менда пул ҳам, ётадиган жой ҳам йўқ эди. Мачитга борсаммикан? — деб ўйладим. Йўқ, имом мени қора кечда ёлғиз юрганимдан хавотирланиб милиция чақириши мумкин, кейин милиция мени уйга юборади ва менинг аҳволим ҳозиргидан ҳам ёмон бўлади. Агар бирон паркка борсам, мендан скамейкада ётишим учун пора сўрашади. Менинг эса, пулим йўқ қисқаси бу ҳам охири полиция билан тугайди.

Кечки номоз Иша вақти бўлди, мен эски одатга бўйсуниб мачитга бордим. Намоз тугаганидан кейин кўчага чиқиб қаерга боришимни билмасдан дайдиб юрдим. 200 метрдан кейин йўл узилди, олдимда суви қуриган ариқ чиқди. Унинг олдида йирик цемент труба бор эди. Шунда бунинг ичида ухлаш мумкинлигига тушундим.

Ҳақиқатдан бундай цемент қувурларида, қувурлар қурилишга олиб кетилмагунча камбағаллар ойлаб, йиллаб яшашади. Бу жой мен учун жуда қулай бўлди. Жуда қаттиқ чарчаганимдан бу труба юмшоқ кўрпачадек эди. Мен илон ва чаёндан қўрқар эдим. Улар асосан бугунгидек иссиқ ва дим кунлари салқин жой излашади. Аммо мени бошқа иложим йўқ эди. Менинг тунашим учун бошқа жой йўқ эди. Худо худди бу трубани мен учун тайёрлагандек эди.

Мен ўзим труба ичида ўтириб, йўлдан ўтиб кетаётган машиналарни кузатар эдим. Уларнинг моторининг овози базўр эшитилар эди. Охирги кунлар бўлиб ўтган воқеалар кўз ўнгимдан кетмас эди ва умидсизлик мени қамраб олар эди. Мен ҳамма менга ёрдам берганларни йўқотдим. Аввало, меҳрибон қиз касалхонада хат берди, аммо уни йўқотиб қўйдим. Кейин бу нотаниш шаҳарда дўстимни йўқотдим.

Мен умуман ёлғиз қолган эдим. Лекин бирдан Худо буларнинг ҳаммасини кўриб турибди, деган фикр келди. Шу пайт мен даҳшатга тушдим. Мен Худо мени йўқотиб қўйишдан қўрқар эдим. Агар У ҳам йўқотиб қўйса, нима қиламан? Мен баланд овозда Унга мурожаат қилдим: „О, Художон нега сен мени ўйнатаяпсан? Буларнинг ҳаммаси нимани англатади? Мен нима учун яшаяпман бу дунёда? О, Художон мен нима қилайин? Менга ўзингнинг менинг ҳаётим учун қилган режангни кўрсат. Сени мен билан пайғамбарлар билан гаплашгандек гаплашишингни сўраётганим йўқ. Мен биламан, мен пайғамбар эмасман, лекин мен Сенинг бандангман ва Сен мени яратгансан. Одамлар мени аҳмоқ, гап ўтмайдиган, агностик, куфур (динсиз) ва динини сотган, деб аташади. Эй, Художон! Ўз севганларингни етаклаганингдек мени ҳам етаклагин. Мен сен билан суҳбатлашишни хоҳлайман. Мен билан рўй бераётган ҳамма нарсаларни сенга айтиб бергим келади, Художон! Эй Худо! Кўзларингни менга қаратгин! Мен Сени излаб, юзлаб чақиримларни босиб келдим. Мен биламанки, Сен менинг ичимдасан, худди менинг танамдаги қон томирлари каби. Мен билан суҳбатлаш, Художон!“

Мен ибодатни нола билан тугатдим. Шу дақиқада ўрнимдан ирғиб турдим. Мен юмшоқ ва меҳрибон бир овознинг келаётганини эшитдим:

— Сен Ҳақсан! Мен ҳақиқатдан ҳам сенинг юрагинг ва миянгнинг ҳар бир қисмида яшайман!

Менинг юрагим тез ура бошлади. Мен тезда ён атрофга қарадим, аммо албатта бу инсон овози эмас эди. Тинчлик ва хурсандчилик мени қамраб олди. Мен ўзимни осмонга баланд парвоз қилаётгандек ҳис қилар эдим. Демак, Худо мен ҳақимда ғамхўрлик қилади! У мен билан суҳбатлашди! У мен ҳақимда ҳамма нарсани билади! У мени севади!

Лекин тезда мен яна ерга қайтдим. Худонинг ҳозирлигини сезаётган туйғу йўқолди. Қизиқ фикрлар менга ҳукмронлик қила бошлади. Бу ерда мен билан бўлган ким эди? Мен атрофга назар ташладим. Мен ўтирган жойни дарахтлар ўраб турар эди. Оқшом бўлгани учун қоронғида ўзимни худди узоқ тўқайзордагидек ҳис қилдим. Наҳотки, шундай қоронғи жойда ҳам Худо ҳозир бўла олади? Қанақанги бемаъни фикр! Ахир, шундай Муқаддас эришиб бўлмайдиган буюк Худо мана шундай ифлос ва ярокисиз ерда бир исқирт ва уст боши нам бир болага ҳозир бўладими? Бундай фикрлардан мен ўзимни ноқулай сездим, аммо ўша овоз! Яна ўша овоз: „Мен сенинг вужудингда яшайман“.

Бу овоз менинг фикримдан юқори келар эди. Мен қувур ичидан эмаклаб чиқиб оёққа турдим, аммо ёмғир ёғиб қолгани учун кета олмадим. Чунки шамоллаб қолишдан қўрқар эдим. Бир пайт оёғим совуқ ва ҳўл нарсани сезди. Мен қўрққанимдан ирғиб турдим, аммо бу ит эди. Мен қувур ичида узоқ ётдим, охир оқибат ухлаб қолибман. Кўзимни очганимда, кун ёришиб кетган эди. Ариқнинг сув йўли сувга тўлиб қувурга оқиб кира бошлаган эди. Атрофда ҳамма жой лой, ит эса аллақачон кетган эди. Қувур ичидан чиқиб яқин ўртадаги маскан томон йўл олдим.

Намоздан кейин мен ўзим билан нима қилишни билмасдан мақсадсиз санғиб юрар эдим. Мен жуда оч эдим, кўча бўйидаги ресторанлардаги одамлардан қолган овқат қолдиқларини жон-жон деб еган бўлар эдим. Буларга қараб Фаррух ва у билан Лахорадаги ҳаётимиз ёдимга тушди. Унинг ота оналари уни қандай кутиб олганларини жуда билгим келар эди. Унинг қайтганидан хурсанд бўлган бўлса керак? Менинг ота-онам-чи? Хурсанд бўлармикин, агар мен уйга қайтсам? Пулим бўлмаганлиги учун бу фикрни бошимдан чиқариб ташладим. Мен дайдишда давом этдим. Қизиқувчанлигим мени шаҳар четидаги Британ ҳукумронлиги давридаги ҳарбий майдон бўлган туманга олиб борди. Бу ерда жуда кўп дарахтлар бор эди. Кўчанинг бир тарафида катта бир оромгоҳ Жаҳонгир оромгоҳи унинг қарама-қарши тарафида эса, „Шотландия ибодатхонаси“ деган ёзув осилиб турар эди. Кўчанинг икки тарафида ишлатилган буюмлар қизғин сотилар ва сотиб олинар эди. Уларнинг шовқин-сурони бошни оғритар эди. Мен кўчани кесиб ўтиб ибодатхона олдига келдим. Ибодатхонада ҳеч ким йўқ эди. Эшигида катта қулф осилиб турар эди. Ибодатхона ҳовлисининг бурчагидаги чорпояда бир киши ўтирар эди. Бир неча болалар чорпа ёнида ўйнар эди. Улар мени кўриб ўйинларини тугатиб, жим менга қараб қолди. Чорпадаги киши саломимга алик бермасдан:

Эй, қаёққа кираяпсан? — деб сўради.

Мен унга руҳонийни кўришим кераклигини айтдим. У менга қўпол оҳангда руҳонийнинг йўқлигини ва агар мен уни кўришни хоҳласам бошқа куни келишимни айтди. Мен болаларнинг ўзаро гапини эшитиб қолдим. Бири „у мусулмон“ — деса, иккинчиси рози бўлмасдан „йўқ, у милициядан“ — деди. У киши қўлини уларга қимирлатган эди, улар жим бўлиб қолди.

— Бу ер хусусий мулк, бу ерда рухсатсиз юриш мумкин эмас. Биз сизнинг ким эканлигингизни билмаймиз. Ҳаттоки сиз кўринишингиз зарур бўлган руҳонийнинг исмларини ҳам билмайсиз.

Шу пайт бир аёл бизга яқинлашиб кела бошлади, кўринишидан унинг хотини бўлса керак. У келиб бизнинг суҳбатимизга қўшилди.

— Сен кимсан? Мен биламан, сен қароқчисан. Кеча менинг қизимни ҳакоратлаган сен ва яъни сенга ўхшаган бир қароқчи боламасмисан? Нега бу ерга келдинг? Бу ердан йўқол!

У худди шундай руҳда бақиришда давом этар эди. Мен у аёлни тинчлантиришга ҳаракат қилиб:

— Хола (Биби), мен сизни тушунмаяпман, сиз нима ҳақида гапираяпсиз. Мен Пенджабдан менга ёрдам бера оладиган чўпонни излаб келдим, — дедим.

Аммо бу аёл гапимга қулоқ солмас эди. Унинг эри ҳам менга ташланмоқчи эди, мен тезда уйдан чиқиб кетдим. Мен оромгоҳга бориб бироз дам олиб ўтирдим. Кейин ўқишхонани кўриб қолдим ва кириб, яъни газеталарни кўришга жазм қилдим, аммо мен ҳар бир саҳифада фақат битта сўзни кўрар эдим. Бу сўз „очлик“ эди, шунинг учун ўрнимдан туриб чиқиб кетдим. Яна бир кун ўтди, лекин мен одатдагидек одамлар оқимини кузатиб очликни унутишга ҳаракат қилар эдим.

Кеч кирди. Ошқозонни кемираётган очлик ҳиси ўтмас оғриққа айланди. Нима бўлса, албатта бугун овқат ейишим кераклигини мен билар эдим, аммо уни қандай топиш хаёлимга ҳам келмас эди. Тиламчилик қила олмас эдим.

Мен оромгоҳда ўтирар эканман, икки кишининг катта жигар рангли қоғоз халтани ташлаб, қўшни ўриндиқдан туриб кетаётганини кўрдим. Қоғоз халта кўриниб турибдики, бўм-бўш эмас. Мен атрофга қарадим ва шошмасдан ўша ўриндиққа, қоғоз халта ёнига ўтирдим. Менга ҳеч ким қарамаётганига ишонч ҳосил қилиш мақсадида, яна мен атрофга назар ташладим. Қалтираган қўлларим билан қоғоз халтани оғзини очдим ва мева пўстларига кўзим тушди. Қорним жуда очган эди.

Шу пайт ёнимга бир киши келиб ўтирди. У савлатли киши эди. У қимматбаҳо, серҳашам европа костюми кийиб олган эди. Унда галстук ҳам тақилган эди. Буларнинг ҳаммасига эътибор беришга ва қоғоз халтадан қўлимни олишга ҳам улгурдим, худди бошқа нарсага қараётгандек ўзимни тутдим.

— Қоғоз халтадаги нима? — дўқ уриб сўради у. Мен қўрқиб кетдим. Ким экан бу одам? Унинг ташқи кўриниши ваҳимали эди.

— Гапир, халтачада нима бор, қайтарди у, — бўлмаса ҳозир милиция чақираман. „Милиция“ сўзидан кейин мен яна ҳам кўпроқ қўрқдим ва тезда халтачани олиб, қалтираган қўлларим билан уни

бердим. У киши халта ичига қаради ва қошини чимирди. Афтидан у бошқа нарсани кўришни кутгани билиниб турар эди.

— Нима бу? — сўради у. Менинг фикримча, у мени бирон бир безори гуруҳнинг аъзоси ва шериклар қандайдир муҳимроқ нарсани қоғоз халтада берган, деб ўйлаган. Энди эса унинг менга бўлган фикри ва қараши ўзгарди.

— Сен жуда очмисан? — Раҳми келиб сўради у. Мен уялганимдан унга қарайолмай бошимни силкитиб қўйдим.

— Юр мен билан, — буюрди у. Мени қўлимдан тутиб етаклади. Биз меҳмонхонага келдик. У мени столга ўтқазиб:

— Қани, нима ейишни хоҳлайсан? — деб сўради у.

— Мен озгина туз тортмоқчи эдим, — секин жавоб бердим мен. Қорним очлигидан худди ўлаётгандек эдим. Қандай овқатни ейишни хоҳлайсан? — қайта сўради у. Аммо мен нима дейишимни билмаганим сабабли у гуруч ва „гиппатис“ юпқа ёпган нон ва бир неча овқатларни буюрди. Стол худди байрамдагидек безатилган эди. Овқатнинг хушбўй ҳидидан оғзимдан сўлагим оқиб кетди. У менга имо қилиб ейишни бошлашимни таклиф қилди. Мен овқатни еб тугатмагунимча, у менга жим тикилиб турди. У овқат еб бўлмагунимча, ҳеч нарса мендан сўрамасдан менга катта илтифот кўрсатди.

Мен овқатни тугатганимдан кейин, у иккаламизга чой буюрди ва мендан сўради:

— Қани айтчи, исминг нима? Қаердансан ва бу жойларда нима қилиб юрибсан? Ростини айтсам, менинг унга ҳаммасини айтгим келмасада, аммо у менга шунчалик меҳрибонлик ва ҳурмат кўрсатгани учун, мен унга ҳамма бўлиб ўтган воқеаларни айтиб беришга қарор қилдим. У мен айтганларни ҳаммасига ишондими, йўқми билмайман, лекин мен ҳикоямни тугатганимда у менга:

— Масуд, агар хоҳласанг, сен меникида ишлашинг мумкин. Менга уй рўзғорларини бошқарувчи керак. Менинг фикримча, бизникида сенга яхши бўлади. Биз аёлим ва 3 фарзандим билан яшаймиз. Нима дейсан? Розимисан?

Мен унинг меҳрибонлигидан жуда таъсирланиб кетдим. Назаримда яна Худо бу одамни менга ёрдам бериш учун юборгандек эди, шунинг учун иккиланмасдан рози бўла қолдим. Унинг исми Рашид экан, у унчалик узоқда яшамас экан. Хотини ва болалари билан таништиргандан кейин, у айвондаги кроватда ётишимни айтди. Бу салқингина жой эди. Мен жуда хурсанд бўлдим. Мени фикримча, у менга бошида ёмон муомала қилгани учун ўзини ноқулай ҳис қилар эди. Кимнингдир менга қилган ғамхўрлигидан ва ётиш учун жой топганим

учун мен ўзимни бахтиёр ҳис этар эдим. Мен чин юракдан унга миннатдорчилик билдирдим.

У илжайиб:

— Биласанми, Масуд, бизнинг бир хизматкоримиз бор эди, аммо у алдоқчи қочиб кетди, унинг қайтиб келиши гумон. Шундай қилиб, бу ердаги ҳамма нарсаларни ишлатишинг мумкин. Эрталаб менга яхшилик қилган киши ҳақида кўпроқ билиб олдим. У шаҳарда адвокат бўлиб ишлар экан. Унинг хотини эса, мактабда ўқитувчи экан. Хўжайним менга ўхшаган, уйсиз қолган болаларни жуда яхши тушунар эди, шунинг учун энг авало унинг биринчи қилган иши бу — ўз уйидан иш бериш эди. Менга иш ҳаққи бермасада, жуда яхши боқар эди. Бу оиладаги ҳамма оила аъзолари менга жуда яхши муомала қилар эди. Худойим яна мен ҳақимда қилган ғамхўрлиги кўриниб турар эди. Худо мени йўқотишни хоҳламас эди.

Хўжайиннинг мендан розилиги кўриниб турар эди. Бир куни у менга мендан олдинги болаларни ҳар бир ишини кузатиб юришига тўғри келганини ва менинг вафодорлигимдан кўнгли тўқлигини айтди. У одамларни яхши ажрата олар эди. У мени уникида яшаётганимдан хурсандлигимни ва у мени ўзини уйида олиб ўтирганидан афсус қилмаслиги учун қилаётган ҳаракатимдан хабардор эди. Покистондаги бойларнинг уйида бўлгани каби унинг уйида ҳам ҳамиша тозалик ва тартиб саришталикка қаттиқ риоя қилар эди. Менинг вазифамдан бири эрталаб уларга чой тайёрлаш эди. Мен уларга нонуштага чиқишларидан олдин ётган тўшакларига чой олиб кирар эдим. Нонуштадан сўнг мен болаларга чорраҳадан ўтишга ёрдамлашиб мактабга олиб борар эдим. Туш вақтида эса уларни уйга олиб келар эдим. Бу бизнинг шароитимизда жуда муҳим, чунки мактаб атрофида болаларга фитна (босқинчилик) қилиш ниятида бўлган номаълум инсонлар юрар эди, ҳаттоки болаларни ўғирлаш ҳам юз бериб турар эди. Болалар мени худди ўз акаларидек, кўриб мени „ака“ деб чақирар эди. Мен ҳам уларга жуда боғланиб қолдим. Бундан ташқари менинг вазифамга уйни тозалаш, кир ювиш, дўкондан янги мева ва сабзавотлар олиб келиш кирар эди. Ишлар кўп бўлишига қарамасдан, бу иш менга жуда ёқар эди. Тушдан кейин бир оз бўш вақтим ҳам бор эди. Тез-орада менда кўникиш туйғуси пайдо бўлди, назаримда мен бутун умримни шундай ўтказишга рози эдим. Бугун энди орқага қараб мени бу одам билан бўлган аълоқамни баҳолаш қийин. Бир ҳисобдан, у болаларига мени ака, — деб чақиришга ўргатди, аммо бошқа тарафдан эса, у менга иш ҳаққи бермас эди. Балким, агар мен ўзимни оила аъзосидек, ҳис қилиб юрсам, пул сўрашга журъат эта

олмаслигимни — ўйлаган бўлса ажаб эмас!

Аммо мен машғулот учун китоб сотиб олишни жуда хоҳлар эдим. Мен ўзимни бу ерда ёмон ҳис қилмасамда, лекин мен тузоққа тушган эдим. Мен мустақиллик туйғусини йўқотган эдим. Мен уни менга бир оз пул беришига умид қилар эдим, аммо умидим пучга чиқди. Орадан бир неча ой ўтди. Мен Қорачини яхши билиб олдим. Ҳаттоки бир куни кутилмаганда, шу жойда яшайдиган қондош акаларимни учратиб қолдим. Ҳар куни хўжайинга мен овқат олиб борар эдим. Покистоннинг кўп шаҳарларида хўжайиннинг иккинчи нонуштасини хизматкори махсус идишларда уни ишхонасига олиб келиш одатга кирган эди. Бу хўжайинни лиқ тўла аҳоли транспортларида ўзининг нонуштасини ташиб юришдан озод қилар, шу билан бирга овқат кечроқ тайёрлангани учун бузилмасдан турар эди. Бир куни хўжайинимни ишхонасидан кетаётган эдим. Автобус ҳайдовчилари маошларини кўтаришларини сўраб иш ташлашган экан. Нима қилишимни билмасдан автобус бекатида турган эдим. Бир автомобиль ёнимда тўхтади ва яхши кийинган 30 ёшлардаги киши мени олиб бориб қўйишни таклиф қилди. У Қорачидан 9 миллар узоқлигидаги қишлоқда яшашини ва мен пиёда уйга етиб олишим учун мени уйимиздан узоқ бўлмаган жойга тушириб кетишини айтди. Мен чин юракдан унга миннатдорчилик билдирдим.

Эртаси куни у яна мени автобус бекатида турганимни кўриб тўхтади.

— Бугун сен бу ерда нима қилаяпсан?

— Хўжайинимга овқат олиб кетаяпман, — деб жавоб бердим мен.

У машинани эшигини очиб:

Мен, олиб бориб қўяман, — деди.

Мен автобуснинг тиқилинчидан қутулганимга хурсанд бўлиб кетдим. Иш ташлаш тўхтади, аммо автобус ҳар доимгидек тиқилинч эди. Одамлар бир бош узумдек эшикка осилиб кетишар эди. Йўлда у менга:

— Хўп, хўжайининг сенга қанча пул маош беради? — деб сўради. Кутилмаган савол бўлди. Покистонда бундай саволлар бериш одатдан эмас, шунинг учун ҳеч жавоб бергим келмасада, охири бари-бир менга ҳақ тўламаслигини айтдим. У ажабланиб:

— Яхши эмас, мен билан бирга ишлашни хоҳлайсанми, бирга пул топамиз, — деди. Мен ўйлаб ўтирмасдан рози бўлдим. Айтилган ишларни тугатиб, уйга қайтиб келиб, иш топганимни эълон қилдим. Биз дори-дармонлар билан шуғулланмоқчи эдик. Бу хабар адвокатга

бир оз ёқмади. Болалар менинг кетмаслигимни сўради, аммо мен кетишга қарор қилиб қўйган эдим. Тўғрисини айтганда, мен улар билан 9 ой бирга бўлдим ва умримнинг қолганини текин ишлаб ўтказишни хоҳламас эдим. Икки ҳафталардан кейин мен ўша одамнинг уйига қишлоққа келдим. Кечқурун янги уйларини айланиб юриб, бир пайт кутилмаганда, ўзимнинг отамни расмини кўриб қолдим. Бу расм эски расм эди, аммо адашишим мумкин эмас эди. Эҳтиёткорлик билан таниганимни сездирмасдан, секин „ким бу киши,“ — деб сўрадим.

Бу бизнинг отамиз, — деб жавоб берди у.

Бу гапни эшитиб қотиб қолдим. Уларнинг отасининг хотини мени онам эмаслигини билар эдим. Тезда гап нима ҳақида кетаётганини тушундим. Бу болалар отамнинг олдинги никоҳидан қолган болалари экан. Маълум бўлишича, бу болалар мендан бир икки йил олдин 1947 йил, отам уйланган учинчи хотинининг болалари экан.

Мен ўзимни уларга таништирдим. Биз бутун оқшом гаплашиб ўтирдик. Улар менга оталари уларни ташлаб Покистоннинг ишларига кетганлиги ҳақида аччиқ ҳикояни сўзлаб беришди. Мен эса отамизнинг менинг онам билан қурган турмуши ва бизнинг бахтсиз ҳаётимиз ҳақида сўзлаб бердим. Суҳбат давомида мен кўп хотинликка рухсат берган ислом системасининг бераҳмлиги ҳақида ўйлаб қолдим.

Қанчалик қийин бу бизнинг аёллар учун ва қанчалик кўп муаммолар шунинг орқасидан пайдо бўлади. Менинг қондош акаларимнинг онаси бизнинг суҳбатимизда иштирок этмади. Мен унинг менга бўлган нафратини ҳис қилар эдим, чунки мен унинг оғир хотираларини янгилаган эдим. Қондош акаларимнинг бири буни сезиб қолиб унга секин:

— Онажон, у айбдор эмас. Сенинг ундан нафратланишинг яхши эмас. Афсуски, бу қондош акалар билан қилган уринишда омад келмади. Шунинг учун икки ойдан кейин, мен яна адвокатнинг уйига қайтиб келдим. Унинг оиласи мени жуда илиқ кутиб олди.

Орадан бир ярим йил ўтди. Мен ўзимни бир жойда қотиб қолгандек ҳис қилар эдим. Мен ҳали ҳам Худонинг иродасини Унинг ўзини билишга ҳаракат қилар эдим, аммо эҳтимол жуда тинчланиб қолган бўлсам керак. Мен аввалгидек беш нафар ўқир эдим, тўғрироғи номоз ўқиш одат бўлиб қолган эди. Менинг диндорлигим хўжайинда жуда катта таасурот қолдирди. Мусулмонларнинг рўза ойи „Рамазон ойида“ мен рўзага қаттиқ риоя қилдим. Хўжайинимнинг оиласи

ислом динининг суний масҳабига қарашли эди ва улар мени „аҳмадий“ эканлигимга унча катта эътибор бермас эдилар. Мен суннитлар мачитига қатнар эдим. Улар ҳам менга қаршилик кўрсатмас эдилар. Мен жуда ҳам банд эдим. Менинг уйдаги вазифаларим кундан-кунга кўпайсада, менга ҳар доимгидек иш ҳақи тўлашмас эди. Мен бу ҳақда унчалик ташвишланмас эдим. Мен мунтазам мачитга келиб, у ерда имом билан кўп нарсалар ҳақида гаплашар эдик. Шу билан биргаликда мени узоқ вақтлардан буён ўйлантирадиган саволлар ҳақида гаплашар эдик.

Лекин бу меҳрибон инсон менинг саволларимга қониқарли жавоб бера олмас эди. Менинг юрагимда эски нотинчлик яшар эди. Бўш вақтлар ўқишим учун имом менга китоб берди, аммо улар мени фақат безовталантирар эди ва қониқмаслик туйғусини менда оширар эди.

Ошхонада коса-товоқ ювяётганимда, мен бир пас тўхтаб ўйлаб қоламан: „Наҳотки, мен шунинг учун ўз уйимдан кетган бўлсам? Наҳотки, Худо шу жойда бўлса?“

Бир куни кечаси мен тўшакка ётдим-у, аммо ухлай олмадим: менинг иситмам баланд эди. Юрагим жуда оғир эди. Мен ётиб ўйладим: „Ташвишланишим нима кераги борг? Менинг ҳаётим ҳеч қандай маънога эга эмас. Кўринишимдан ҳақиқатдан ҳам Худонинг мен билан заррача ҳам иши йўққа ўхшайди. У мен билан ўйнаяпти, У худди ўзини мен ҳақимда қайғураётгандек кўрсатади ва шу ондаёқ, мени ташлаб кетади. Аммо бирданига мен яна Худонинг иштирокини ҳис этдим ва „Қандай тез сен енгилаяпсан?“ деган овоз эшитилди.

Мен тўшагимга ўтириб у ёқ бу ёғимга қарадим, аммо атрофда ҳеч ким йўқ эди. Мен ўзимни ташлаб кетилгандек ҳис қилдим. Шу вақт хўжайиним мени меҳмонларга чой тайёрлашим учун чақирди.

Мен истар-истамас ўрнимдан турдим ва имиллаб ошхонага бордим. Мен шу пайт тинч қўйишларини жуда хоҳлар эдим. Меҳмонхона эшиги ёнидан ўтиб кетаётиб меҳмонхонадан таниш овозни эшитиб қолдим. Бу овоз Аҳмаднинг отасиниг овози эди. У бу ерда нима қилаётган экан? Нима учун у бунчалик узоқ йўл босиб Равбахдан келган экан? Мен эшик орқасига беркиниб Аҳмаднинг отасининг гапларини эшитдим.

Сизга миннатдорчилик билдирамиз. Унинг отаси эртага эрталаб етиб келади. Аммо бола қаерда? — деган гапларини эшитдим. Хўжайин унга:

— У ҳозир бизга чой олиб келади, шунда уни кўришингиз мумкин,

— деди. — Сиз анави шкаф ёнида худди китоб қараётгандек туринг, шунда у сизни танимайди.

Мен ўзимни бирдан четга олдим, юрагим даҳшатли ураётган эди. Эски хотираларни эслатувчи бу овоз менда қўрқувни ва хавотирни уйготди. Мен нима қилишимни билмасдан ошхонага чой тайёрлаш учун шошдим. Бу иш бир оз бўлсада, мени тинчлантирди ва мен ўзимни қўлга олдим. Аммо меҳмонхонага чой олиб кирганимда қўлларим титрарди.

— Нима бўлаяпти, Масуд? — сўради оқловчи (адвокат).

Кўзим ости билан китоб шкафи ёнида турган кишини кўриб, танидим. Аҳмаднинг отаси ҳеч ҳам ўзгармабди.

— Хўжайин менинг иситмам бор, — жавоб бердим мен. Ҳақиқатдан шундайлигига хурсанд бўлиб, у менинг бошимни ушлаб ҳақиқатдан шундайлигига ишонч ҳосил қилганидан кейин:

— Ётоқхонага бориб шкафдан аспиринни олиб ич, — деб буюрди. Ҳеч ёққа қарамасдан меҳмонхонадан чиқдим.

Хўжайиннинг хотини ётоқхонада журнал ўқиётган экан. Мен эшикни тақиллатдим.

— Кир Масуд, — хушмуомалалик билан чақирди у.

— Нима бўлди? — сўради у. Гап нима ҳақида кетаётганини тушуниб, у шкафни кўрсатиб:

— Аспирин ана у ёқда кейин у ердан аспирин ёнидаги кичик шиша идишдан дорини ҳам олиб бер. Мен битта еб олишим керак. Мен яхши ухлай олмайман, — деди. Худди у сўрагандек, мен унга шиша идишдан дорини олиб бердим. У дорини ичиб тўшакка ётди. Мен унга қарасам, кўзлари юмуқ экан. Билмайман нима бўлди, мен беихтиёр ухлатадиган дориси билан бирга шиша идишни чўнтагимга солиб секин чиқиб кетдим. Бека ҳеч нарсани сезмади.

Мен ўзимнинг хонамга қайтиб келиб кроватимга ўтирдим ва қўлимдаги дори бор шиша идишни айлантирдим. Унинг ичидаги оқ идишларни санаб қандай яхши бўлар эди, агар ҳозир ҳаммасини ютиб, бир умрга ухласанг. Бу бутунлай бир умр излаш фикри менга жуда маъқул тушди. Хўжайин билан Аҳмаднинг отасининг суҳбатини эслаб менинг ҳаётим бахтсизлигини ва бемаънолиги ҳақида ўйладим. Ҳеч ким мени чин кўнгилдан севмайди. Ҳамма менга азоб беришни хоҳлайди. Мана энди менинг отам мени Равбахга олиб кетиш учун Қорачига келаяпти. Мени у ёқда нима кутиши ҳам мумкин. Раҳмсиз жазо, балким ўлим ҳам бўлиши мумкин. Ҳар тарафдан душманларим менга нафрат билан қараб:

— Ўлим! Ўлим!

— Сени яшашга ҳаққинг йўқ! Нега ўлмаяпсан? — деган овозларини эшитар эдим.

Ўша оқшом дориларнинг ҳаммасини бирдан ютиб юбориш ниятида бир неча маротаба шиша идишини оғзим олдига олиб келдим. Мен ўлишдан қўрқмас эдим, фақат мени бошқа фикр, яъни буларни ютиб тирик яшашим ва отамнинг қўлига тушиб қолишдан қўрқар эдим. Мен қочиб кетишим керак эди. Мана қўшнимизнинг хўрози ҳам қичқирди ва апрел тонгининг биринчи ёруғи менинг хонамга тушди.

— Шошиш керак! Олдинги хизматкордан қолган сумкани олиб ичига дориси бор шишани ва шахсий қоғозларни солиб эшикка яқинлашдим. Уйда ҳамма ухлаётган эди, ҳеч ким мени кўргани йўқ. Эшикни очиб боғ томон қочдим ва бир неча дақиқадан кейин йўлга чиқиб олдим. Мен тонгни қаршилаб олар эканман ўйладим:

— Мен 20 ёшдаман. Менинг на оилам, на ишим ва кўринишда на келажагим бор эди. Ҳаётимнинг яна бир қисми шундай қилиб охирига етди.

9

Жонимга қасд қилиш бўсағасида

Мен эрталаб салқин ҳавода зўрға судралиб таваккал кета бошладим. Шаҳар уйғониб янги кунни қарши олаётгандек эди. Назаримда бу дунёда яшаш маъносиздай эди. Отам келиши ҳақида ўйласам, юрагимга оғриқ берди. Мен яна сумкамдаги оқ дорилар турган шиша ҳақида ўйладим. Менинг бошимда ҳаммасини егин: — Ухла! Ухла! — деган ҳийла овоз жаранглар эди.

Соат 10 ларда мен адашиб, йўл-йўлакай катта бўлмаган бир чойхонага келдим. Покистонда қаерда чойхонага муҳтожлик бўлса, ўша жойдан кириб ташлайверишади. Бу чойхона қурилиш ишчиларига хизмат кўрсатар эди. Улар бу ерда бир оз туз татиб ва чой ичиб кетишар эди. У катта иморатлар билан ўралган бўлиб бир парча ерда жойлашган эди.

У ерда бир ўзим ўтириб мана бу жой жонга қасд қилишга жуда қулай жой экан, деб ўйладим.

— Ахир мен шундай қилишга қарор қилганман-ку!

Чой буюриб, сумкамдаги дорилар солинган шишани олдим. Мен дориларга қараганимда мени назаримда ўлимнинг ўзи менинг устимдан кулаётгандек эди. Чой келгунча мен бир оз иккиланиб турдим. Охири мен тирик қолишим ҳақида ўйламасдан, дориларни ичишга қарор қилдим. Мени ўлим ортида нима кутаётгани ҳақида заррача тасаввурим йўқ эди, фақат мен бу дунёдан қочиб кетиш мақсадида эдим (хоҳлаган эдим). Бошқа ўйлаб ўтирмасдан шишанинг оғзини очдим ва ичидаги дориларни оғзимга тўкдим, орқасидан бир стакан сув ичиб юбордим. Бир дақиқада мени даҳшат ўраб олди ва кейин бир пасда жонсизликка айланди. Мен шошмасдан чойимни ичиб тугатдим. Кейин сумкани пайпаслаб бир варақ қоғоз олдим ва қалам билан:

„Мен яшашдан умидимни йўқотдим. Менинг бошқа иложим йўқ эди. Мен бу дунёни ташлаб кетишга қарор қилдим. Қаердадир Худо

бор, лекин мен Унга керак эмасман. Бу дунёда бошқа хеч нарсам қолмаяпти“, — деб ёздим. Мен унга ўз имзоимни қўйиб, бу ғамгин хатни чўнтагимга солдим.

Чой ҳақини тўлаб ташқарига чиқдим. Мен бу хатни агар ўлсам нима сабабдан ўлганимнинг билишсин, — деган ниятда ёзган эдим. Аммо мен энг аввало, мени ўлгунимча топиб шифокорга олиб бормаслиги учун одамлар юрмайдиган хилват жой топишим керак эди.

Мен йўлни кесиб ўтганимда назаримда уйлар мени айланиб рақсга тушаётгандек эди. Бу дориларнинг таъсири эди.

Мен нима бўлаётганини яхши тушунар эдим. Шунинг учун худди ярадор ҳайвон ўлимга жой қидираётгандек, мен ҳам ўзимга жой хоҳлар эдим. Мен бошқа бир кўчага бурилиб, у ёқ бу ёққа қарадим. Аммо бош суқадиган жой топа олмадим. Икки тарафига дарахтлар экилган бу кенг кўча ва кўча атрофидаги данғиллама уйлар менга бой туманга кириб қолганимни билдирар эди. Бир неча уйлар дарвозасида турган дарвозабонлар менга шубҳа билан қараб мени ўғри деб қабул қилди. Унинг устига мен кўча бурчагига борган вақтим мен учун оёғимда тик туриш қийин бўлиб қолди.

Мен устундан маҳкам ушлаб суяниб турганимда, хавотирланиб сўраётган аёл овозини эшитдим:

— Сизга нима бўлди? Тобингиз йўқми?

Мен овоз келаётган томонга қарадим ва яқиндаги уйнинг текис томида турган очиқ юзли бир аёлни кўрдим. Бу ғамхўрлик қанчалик таъсирли бўлишига қарамасдан, энди кеч бўлган эди.

— Сизга иссиқ таъсир қилаётган бўлса керак. Марҳамат бу ёққа киринг, — деди у.

Мен у аёлнинг пастга тушганини ва пастдаги эшик очилганини эшитдим. Аёл дарвоза томон юриб келди. Энди мен ҳақиқатдан ҳам қўрқиб қочишга ҳаракат қилдим, аммо жойимдан қимирлай олмадим. Менинг оёқларим худди қайнатилган гуручдек эди. Мен қадам ташлаб кўрдим. Шу пайт назаримда мен учаётгандек эдим. Кейин бирданига кўзимнинг олдини қоронғилик босди.

Мен яна кўзимни очганимда олам қоронғиликка тўла эди. Менинг хаёлимга мен нариги дунёдаман, деган фикр келди. Аммо тезда менинг онгим ойдинлашди ва мен совуқ хонада ётганимни тушундим. У ерда мендан ташқари аёллар ва болалар ҳам бор эди. Тўшагим бошида шифокор ўтирар эди. У кулди ва менга бир кружка сув берди:

— Қани, мана буни ич, — деди.

Мен ичишга ҳаракат қилдим, аммо танам менинг буйруғимга

қулоқ солмас эди. Шунда у ҳаммадан хонани бўшатишни сўради. Менга яна бир киши яқинлашди. Шифокор менинг оғзимга резина трубани тиққанида (ошқозонни ювиш учун) унинг ёрдамчи ассистенти мени тутиб турди. Мен азобга чидай олмасдан ўзимга чин юракдан ўлим тилар эдим. Шифокор мен нима қилганимни билиши хаёлимга ҳам келмаган эди. Даволаш тадбири 15 дақиқа вақтни олди, аммо бу 15 дақиқа менга 15 соатдек туюлди. Охири шифокор менга укол қилди ва аёлларга киришга рухсат берди. Улар кутилмаган меҳмонни кўриш учун шошилишар эди. Улардан бири мени уйига таклиф қилган ўша меҳрибон аёл эди. Мен унинг уйида эканлигимни тушундим. Унинг атрофига болалар йиғилишиб бўлиб ўтган воқеани муҳокама қилишар эди. Улар бу аёлни Апи, яъни Она деб чақирар эди. У шифокорга миннатдорчилик билдирди. Доктор унга:

— Мен бу ишни бошқа бирон бир киши учун қилмас эдим. Агар бола ўлиб қолганида, мен шифокорлик гувоҳномасидан ажраб қолар эдим. Бу жиноий иш, — деди.

Фақатгина энди бу одамлар мен учун ўзларини хавф остига қўйганликларини тушундим ва уларга бўлган миннатдорчилигим янада ошди.

Шифокор тезда кетди, мен эса бегона тўшакда ва бегона кишилар орасида ётиб қолдим.

Улар мени сўраб суриштиришга қарор қилишди, аммо мен уколдан жуда ланж бўлганим учун уларга аниқ ва равшан гапира олмадим. Ухлаш арафасида эркак кишининг овози эшитилди, аммо юзига қарай олмадим. Чунки мен ухлаб қолган эдим.

Мен уйғонганимда ҳали қоронғи эди. Мен ўзимни анча яхши ҳис қилаётган эдим. Бошим ҳам ўзига келиб атрофдагиларни фаҳмлай олар эдим. Мен катта дид билан безатилган совуқ хонада ётар эдим. Балким Худонинг ўзи мени ўлар чоғимда, бу меҳрибон инсонларнинг олдига, улар мени ҳаётга қайтариши учун учрашдиргандир, деган фикр келди. Менга бу фикр жуда ёқди. Мен яқиндагина ўлишни хоҳлаган бўлсам ҳам, ҳозир эса улар мени ҳаётга қайтарганидан миннатдор эдим.

Мен тўшакдан оёққа турдим. Ўзимни анча яхши ҳис қилаяпман. Менинг турганимни эшитган икки киши уйга кириб менга ўзларини таништирди. Улардан бири уйнинг хўжайини жаноб Куреши. Мен унинг менга кўрсатган меҳрибонлиги учун чин юракдан миннатдорчилик билдирдим. Менинг қачон кетишим керак, деган саволимга у кулиб бу ҳақида кейинроқ гаплашамиз, — деди.

Ҳозир эса Масуд сен шу ерда қолишинг керак, агар ҳаммаси яхши бўлса, балким эртага кетишинг мумкин. Бу оқшом биз узоқ суҳбатлашдик. Менинг қайғули ҳаётим бутун уй аҳлига ёйилди. Мен одамларнинг мен ҳақимда секин гаплашаётганликларини эшитар эдим. Мен ҳақиқий Худони ва унинг издошларини қидирганимни уларга айтиб берганимда, улар жуда ҳайратланишди. Аёллар ҳаяжонланиб кафтларини юзларига қўйиб бошларини силкитар эди. Жаноб Куреши ухлаш учун кетишдан олдин менга:

„Масуд бизнинг уйимиз сен учун ҳамиша очиқ“. Агар сен шу ерда қолсанг, биз хурсанд бўлар эдик. Агар қолсанг, бизнинг ўғилларимиз қаторида яшайверасан. Биз мусулмонлармиз ва бу билан фахрланамиз, чунки ҳақиқат бу исломдир, ҳали ўзингни ҳам бунга имонинг комил бўлади. Фақат ислом хурсандчилик ва мамнунлик олиб келади. Бу ерда сен Аҳмадийлардан қолган хотираларингни унутиб, ҳақиқатни топишинг мумкин. У буларни катта мамнуният билан айтди ва Апи (онаси) унинг фикрини маъқуллади:

„Бу ҳақиқат, Масуд. Ғайрат ва ишонч билан изланишларингни давом этказ ва ҳеч нарсадан қўрқма, омадинг бор экан, сенга Худонинг Ўзи ҳақиқий ҳаёт йўлига элтадиган йўлни кўрсатибди. Сен ғайридинлардан узоқдасан, бу ерда сенинг изланишларингга тўсиқ бўлмайди. Ана энди жой-жойига борсин, ухлайдиган вақт ҳам бўлиб қолди.“

Хизматкор бола менга менинг хонамни кўрсатди. Эшик олдига келиб оғзим очилиб қотиб қолдим. Ҳаммаси худди тушимдагидек эди. Хона худди шаҳар меҳмонхоналарининг люкс-хоналарига ўхшаган эди. Бу ерда юмшоқ кроват, ёзув ишлари учун стол бор эди. Ҳатто алоҳида ваннахонаси ҳам бор эди. Менинг фикрим, яъни Худога қаради. Худонинг ишларини олдиндан билиб бўлмайди. У Буюк Худо. Яқиндагина мен ўлган ит каби кўчада аганаб ётар эдим. Ҳозир эса мен дабдабали ясатилган ҳамма қўлайликлар, янги ҳаёт бошлаяпман.

Шкафда турган китоблар тўпламини кўриб хурсанд бўлиб кетдим. Мен шошиб хонани кесиб ўтиб уларнинг сарлавҳаларига кўз югуртирдим. Бу қимматбаҳо муқовали ислом динига мансуб китоблар экан. Қуръон китобига Изоҳ ва бошқа китоблар ёнма-ён турган эди. Буларни ҳаммасини кўриб лаззатландим ва хурсанд бўлдим. Менинг кўзларим ёшга тўлиб чин юракдан Худога миннатдорчилик билдирдим.

У мени ўлдириб юбориш ўрнига менга бутунлай бошқа ҳаёт берди. Эртаси куни мен эрта тонгда уйғондим. Ўзимнинг шахсий ваннахо-

намда чўмилиб олиб кечаги қора фикрлар мени тарк этганини ҳис қилдим. Мен бутун оила аъзолари билан биргаликда нонушта қилдим. Жаноб Куреши ишга кетганларидан сўнг унинг хотини менга:

— Бугун биз биргаликда бозорга борамиз. Сенга янги кийим сотиб олишимиз керак. Унинг меҳрибонлигидан менинг кўнглим ёришиб кетди. Шу пайт буларни ҳам Худо қилаяптими? — деган фикр хаёлимга келди. Худо бизга меҳрибон бўлган вақтда бутун дунё бизга меҳрибон бўлиб қолади. Агар Худо бирон бир кишини кўтараётган бўлса, уни ҳеч ким тушира олмайди. Буларнинг ҳаммасини тушуниш мен учун қийин эди, аммо (бир нарсани): Худо қандайдир сабаб туфайли Ўзининг меҳрибонлигини менга кўрсатишини ва У мен ҳақимда қандай ғамхўрлик қилишини кўрсатишга қарор қилганини тушундим. Бу фикр ортидан бошқа хавотирли фикр келди. Аслида у менга ҳамиша меҳрибон бўлган фақат мен энди Унинг йўлини фаҳмлаяпман! Мен бахтга тўлиб жаноб Курешининг аёллари билан бирга йўл олдим. Назаримда бутун бозор аҳли менга кулиб қараётгандек эди. Магазин эгаси бу баобру аёл билан келганимни кўриб у аёл хоҳишини бажариш учун бор кучини аямади. Қисқаси биз уйга қайтганимизда ўзимни худди шохлардек кийиниб олганимни ҳис қилдим.

Курешилар мени тезда ёқтиришиб қолишди. Ҳеч ким менинг изланишларимга тўсиқлик қилмас, аксинча ҳаммаси менга меҳрибончилик кўрсатиб ёрдам беришга ҳаракат қилар эди. Мен ҳозир ўша дамларни эслаб Худога миннатдорчилик билдираман. Чунки У менга ўша вақт мухтож бўлган эҳтиёжимни менга берган. Чамаси ўша вақти Унинг орқасидан эргашишим учун, мустаҳкам тартиб зарур эди. Атрофдагиларнинг менга бўлган севгиси орқали мен уни бу уйда топдим.

Равбахда менга фақат аҳмадий китобларини ўқишга тўғри келар эди. Ҳаттоки Қуръоннинг изоҳи ҳам аҳмадий таълимотининг фикри орқали ёзилган эди. Эндибу нарсаларга бошқа тарафдан қараш шароити туғилди. Мен шиддат билан шуғуллана бошладим. Ҳар куни узоқ вақтларни хонамдаги столда ўтириб ўрганиб, текшириб, таққослаб ва белгилаб ўтказар эдим. Кечқурунлари ўзимнинг изланишларим хулосасини жаноб Куреши билан муҳокама қилар эдик. У киши ҳеч бир эътирозга йўл қўймайдиган киши бўлишига қарамасдан жуда билимлилиги кўриниб турар эди. Ўтган бу вақт оралиғида менинг юрагим Худога интилар эди.

Икки ой худди ана шу тарзда жуда мароқли ўтди. Куреши мени бутунлай ўзларига қабул қилишди, ҳаттоки мени яхши кўриб қолиш-

ди. Мен уларнинг меҳрибонлиги эвазига бирон иш билан тўлашишни хоҳлашимга қарамасдан мени ишлашимга йўл қўймас эди.

— Йўқ, Масуд, — деди Апи. — Сен бу ерда истаганингча қолиб исломни ўрганишинг, давом эттиришинг мумкин, — деди. Бизда хизматкорлар етарли сен бизга хизматкор эмассан, балким ўғлим қаторидасан ва мулойим кулиб қўйди у. Бир куни жаноб Куреши суҳбатлашиш учун мени чақирди.

— Биз сен ҳақингда маълумот йиғдик, Масуд, — гап бошлади у. Менинг юрагим ёрилиб кетай деди. Наҳотки мени кетишимга тўғри келса? Мен азоб билан давомини кутдим.

— Биз сенинг ота-онангни огоҳлантириб қўйдик. Масуд, агар улар сени ўз ҳолингга қўйишмаса, улар ўзларига ноҳушлик сотиб олишади. Мен улар билан шундай гаплашганим учун мендан хафа бўлмассан, деган умиддаман. Мен ўйлаб кўрдим, шундай қилсанг сенинг келажагинг учун яхши бўлади. Мен нафасимни ростлаб олдим. У мени сиқилганимни кўриб мени тетиклантириш учун қўлимни қисиб қўйди.

— Сиз жуда меҳрибонсиз, Апа, — дедим мен. — Аммо агар сиз қарши бўлмасангиз, мен ўзимга қандайдир иш топмоқчи эдим.

У хўмрайиб қовоғини осиб:

— Нима гап, Масуд? Сенга пул керакми?

— Бу асосийси эмас, — секин жавоб бердим мен.

Мен сизларга ортиқча юк бўлмасдан, бир оз оёққа туриб олмоқчи эдим. Ўйлашимча, у менинг мустақил бўлиш ниятимни тўғри тушунди, чунки у:

— Яхши, Масуд, бу сенинг қонуний ҳақ-ҳуқуқинг. Мен сенга иш топаман, — деган жавобидан унинг меҳрибонлиги сезилиб турар эди.

1971 йил Покистон жанубидаги вазият кескинлашиб шу йилнинг Декабрь ойида Покистон ва Ҳиндистон ўртасидаги урушга ва Бангладеш ҳукуматини ҳосил бўлишига олиб келди. Бу ҳодисадан бир неча ой олдин шаҳардаги безовталанишни ва тарангликни сезса бўлар эди. Одамларнинг юзидан тез кунларда уруш бошланишидан хавотирланаётгани билиниб турар эди. Мен ҳар куни ишга борар эдим. Ҳамма бўш вақтим жаноб Куреши таништирган мусулмон оилалари билан суҳбатлашиш ва изланишларим билан шуғулланар эдим.

Мана айни қишда ҳақиқий уруш бошланди. Ҳар куни оқшом ҳаво кучлари учиб ўтаётганида огоҳлантирувчи сигнал бериларди, одамлар уйларини ташлаб кўчага қочиб чиқишар эди.

Бир куни оқшом уйнинг подвалида мендан узоқ бўлмаган жойдаги бомбанинг овози эшитилиб турар эди. Бомба овозларини эшитмаслик учун қулоқларимни бекитиб, „Ҳиндистон учувчилари бўлса керак, ботир йигитлар экан“, — деб ўйладим мен.

Ҳар доимгидек араб тилидаги ибодатларни қайтардим. Ўша оқшом имон нафаси, яъни имон иқрори намозини қайтардим. Аммо бу сафар ҳар бир сўздан кейин тўхтаб ўзимга савол бердим:

— „Мен Худога иймон келтираман“, — баланд овоз билан ўқидим мен.

— Бу тўғрими? Ҳақиқатдан ҳам унга ишонаман-ми?

— Кўнглимда мен ишонишим ва Худо борлигини билар эдим. Мен намознинг қолган қисмини ўқиб ва Унинг фаришталарига, — деб ўқидим мен.

— Албатта, ҳеч қандай шубҳасиз ишонаман.

— Ва Унинг Китобига ёшлигимда уқтиришганини эслаб, ҳа албатта, — деб ишонч билан айтдим.

Ҳаво кучлари ва бомба овозлари таралганида, мен чуқур ўйга ботиб, ертўладан чиқиб ётоқхонага бордим. Чироқни ўчиришимдан олдин, агар мабода, яна ҳавода ҳарбий самолётлар пайдо бўлса, хона ёруғлиги кўринмаслиги учун, ойнага кўрпа осиб қўйдим. Кейин секин ётиш учун жойимга ётдим, аммо лекин ҳеч ухлай олмадим. Шунинг учун ўриндан туришга тўғри келди. Мен ўрнимдан туриб стол чироғининг устини сочиқ билан ёпиб ётдим.

Мен столга ўтириб Қуръонни олдим. Тахминан саҳифаларни очиб, кутилмаганда кўзим 4-Сура 136-оятга тушди.

> „Эй мўминлар, оллоҳга, унинг пайғамбарига ва шу пайғамбарига нозил қилган китобига ҳамда илгари нозил қилинган.“

Мен бу сўзларини ўқиб, ўйланиб қолдим. Юрагим эса ваҳимага тушди. Бу сўзлар нимани англатади? Айнан худди шу Худо каломлари устидан Равбахдаги қариндош уруғим билан келишмай қолганим ҳали ҳам ёдимдан чиқмаган эди. Улар „Биз Худо каломига ишонамиз“, — деб айтишади, аммо аслида эса ёзилган каломларга ишонишмас эди. Улар фақат оғизларида ишонишар, амалда эса имонини ҳаётга тадбиқ қилмас эди.

Ахир, мен Худонинг „Хуш хабарни ўз ичига олувчи ҳар қандай китоб, „нурли ва одамларни нурга етакловчи“ (6-сура 92-оят, 40-сура 53-оят) ва „тушунарли ва аниқ китоблардир“ (Сура 37 оят 117).

Шу билан бирга Сура 5 оят 46–47: „Уларнинг изларидан ўзидан олдинги Тавротни тасдиқловчи бўлган Ийсо бинни Марямни эргаштирдик ва унга ҳидоят ва нурни ўз ичига олган, ўзидан олдинги Тавротни тасдиқловчи ва тақводорлар учун ҳидоят, панд насиҳат бўлган Инжилни бердик, ҳамда «Инжил аҳли унда Оллоҳ нозил қилган нарсалар билан ҳукм қилсинлар», — дедик. Кимда-ким Оллоҳ нозил этган дин билан ҳукм этмас экан, улар фосиқлардир“ — деб ёзилган. Ҳаво тревогаси мени ҳаяжонли (жон жаҳтим билан) мулоҳазамни бузиб юборди ва мен чироқни хоҳламасдан ўчирдим.

Тушагимда ётиб ўйладим: бу сўзларни Тўти қушдай бир неча маротаба қайтарганман, аммо фақатгина бугун, фикримни бир жойга тўплаганимда, бу сўзларга тушундим. Шу вақт менда Библияни яна бир марта бошқа кўзлар билан ўқиб чиқиш, хоҳиши пайдо бўлди. Албатта мусулмон олимлари уни ўзгартирилган деб ҳисоблашишларидан хабардор эдим.

Улар менга, Библияни ўқиб ўрганиш мусулмонларнинг имондан қайтиб, имон бузилишига олиб келади деб, кўп тайинлар эди. Аммо менинг юрагим бошқа нарсани айтарди.

Агар менинг имоним қандайдир қийматга эга бўлса, у бузилмайди. У тегиниб кетса, минг бўлакка бўлиниб, кетадиган заиф қумтош эмас-ку. Агар сен ҳақиқатдан ҳақиқий Худога ишонсанг, ҳаммаси жойида бўлади, — дедим ўз-ўзимга. Мен бу саволни текшириб ўрганишни давом эттиришга қарор қилдим. Бунинг учун мен Қуръон билан Библияни солиштиришим керак эди.

Мен ўйлай-ўйлай ахири, агар Қуръон менга Библияга ишонишни таклиф қилаётган экан, демак, пайғамбаримиз Муҳаммад даврида у ўзгартирилмаган экан. Шундай қилиб, агар мен Библия қанча ўзгартирилган десам, мен Худога қулоқ солмаган ва Унга ишонмаган бўлар эдим. Қисқаси, агар Худо унинг сўзлари кейинчалик ўзгаришни хоҳлаган бўлганида, У ўз-ўзини бунчалик юқори кўтармаган бўлар эди. Мен шундай фикрларга келдим.

Нима бўлганда ҳам, мен Яна Библияни қўлга киритишим керак эди.

10

Библия ва Қуръон

Эртаси куни кўзимни очганимда, менинг энг биринчи фикрим, қандай бўлмаса ҳам, Библияни қўлга киритиш эди.

Уни қарашига келганимдан кирган руҳоний Андрей бўлган, Шотландия жамоатини сўраб олиш, назаримда энг қулай жой эди.

Нонуштадан кейин мен у ерга, менга ёрдам берадиган кишини учратиш ниятида, шошилдим. Аммо мени кўнгилсизлик кутаётган экан, жамоахона ёпиқ экан. Бошқа бирон жойни излашга менинг ҳаддим сиғмади. Хафа бўлиб кетаётган эдим, чап тарафдаги бошқа бир жамоатни кўриб қолдим. Бу марказий методистлар жамоати экан. Библияни шу ерда топишга умид боғлаб, мен очиқ дарвозага иккиланмасдан кирдим.

Кириш жойида 4 киши суҳбатлашиб туришган экан. Улар мени киришимни кўриб жим бўлиб қолишди. Менинг фикримча, улар мени мусулмонлигим учун, хавотирланиб, рақибга қарагандек қарашар эди. Мен саломлашдим ва қолганларга қараганда яқинроқ турган кишидан:

— Кечирасиз, сиз менга Библия топишимга ёрдам бера олмайсизми? — деб сўрадим.

Улардан бири менга:

— У ҳолда нима учун „Библия жамияти“ га мурожаат қилмаяпсиз? У ерда сизга ёрдам беришади, — деди.

Мен биринчи маротаба бундай жамиятни эшитганим учун улардан унинг манзилгохим сўрадим. Менга қаерга боришни айтишди. Аммо Корачининг бу қисми менга таниш эмас эди. Мен иложи борича тезроқ Библияни қўлга киритишни хоҳлар эдим.

— Сиз менга вақтинча Библия бериб тура олмайсиз-ми? — умид билан сўрадим мен. — Ўқиб бўлганимдан кейин, қайтариб олиб келаман, — дедим.

Бу кишининг жаҳли чиқа бошлади. — Агар сиз чиндан ҳам

библияни ўқишни хоҳласангиз, у ҳолда сиз сотиб олишингиз мумкин. Аммо сизлар ҳаммаларингиз бир хил сизлар. Сиз ҳаммаларингиз ўқишни хоҳлайсизлар-у, аммо ҳеч қайсиларингиз сотиб олишни хоҳламайсизлар, — ғазабланиб гапирди у.

Ишни бундай чаппа кетганига ҳайрон бўлдим.

— Мен пулини бераман, — совуқ жавоб бердим мен.

Шу пайт бизларга қулоқ солиб турган икки киши бизга яқинлашди.

— Преподобний унга Библия беринг, — кулимсираб бақирди улардан бири:

Қарасам, у менинг устимдан кулмоқда, қолганлари эса диққат билан менга қулоқ солар эди. Шунинг учун мен нима учун Муқаддас китоб, менга кераклигини батафсил тушунтиришга ҳаракат қилар эдим. Улардан бири чўпон, яъни жамоат чўпони эди. Улар диққат билан менга қулоқ солиб менинг исмимни сўради:

— Мен билан юр, Масуд, менинг хонамда гаплашамиз. У мендан хонасига ўтиришимни сўради ва мен ўзимнинг изланишларим ҳақида гапиришни давом этдим. У мени жуда диққат билан тинглади ва яна мен қайта ундан (Библия)ни сўраганимда, у менга ўйлаб ўтирмасдан, туриб китоб жавондан Библияни олиб у деди:

— Масуд, бу китобни эҳтиёт қилгин. Бу Ҳаёт китоби.

Мен ташаккур билдириб китобни олдимда, унга пул узатдим. Аммо у бошини чайқаб:

Ҳаёт Сўзи ҳаммага бепул текин берилади. Агарда уни кимда-ким чин қалбдан изласа, — деб оҳиста ўрнидан турди.

— Бу китобни олгин ва уни диққат билан ўқигин. У сенинг қалбингни нур билан тўлдиради.

Мен миннатдор бўлиб, Библияни бағримга босдим. Шу пайт биз билан бирга бўлган кекса Нуроний, келгуси якшанба кунига бўладиган имонлилар жамоати йиғилишига таклиф қилди. Мен келишга ваъда бериб, улар билан хайрлашдим.

Ўт отишлар тугаганини, кечки янгиликларда эшитдик. Бутун қалбимиз, хурсанд бўлиб, ташаккурлар айтдик. Аммо ёруғлик ниқоблари ҳалигача ўз нурини сақлаб турган эди. Мен Янги Муқаддас китобимни ўқишга киришимдан олдин, синчиклаб кўрпалар билан қопладим. Ва стол чироғини ҳам сочиқ билан ўрадим. Шундан сўнг китоб ўқишни бошладим. Мен китобни тахминан очиб, Ибтидо бўлимидан ўқишни бошладим. Китобнинг биринчи сўзидаёқ менинг диққатимни ўзига жалб қилди. Бу ерда Яратгувчининг ижоди яққол намоён эди. Худди шундай нурнинг яратилиши „қуръонда ёзилга-

нидек“ экан деб, ўйладим ва шу сўзлар ёдимга тушди: „Қачонки, У бирон нарса яратган вақтда У «бўлсин» дейди ва худди шундай бўлади.“

Ўша кечаси мен одатдагига қараганда анча кўп вақт шуғулландим. Мен китобга бутунлай шўнғиб кетдим. Мен охири китобни ёпиб, тўшакка ётдим. Кўзларим ёниб фикрларим, мисоли қайнарди. Менинг назаримда, Имондаги бобо-калонларимизнинг ўтмишлари кўз олдимда ўтаётган эди. Худди шу Библияда эслаб ўтилган Пайғамбарлар, Қуръон орқали таниш эди. Худди ўша Иброҳим, Лут, Нуҳ, худди ўша Исмоил, Исоқ, Ёқуб, худди ўша Мусо, Фараонлар тарихи. Худди ўша Харун, худди ўша Забур куйлайдиган Довуд, худди ўша билим ва донишмандликка эга бўлган Сулаймон. Ўша Аюб, ҳаттоки ўша Юнус.

Ўша кечаси Эски Аҳд менга худди Қуръонга талқин эканлигини кўрдим. Қолган ўтган кунларимни, Библияни қизғаниб ўқиш билан ўтказдим.

Мен ҳамма вақтимни ўз хонамда ўтказаётганлигимни кўриб курайишлар бу учун озроқ ташвишлана бошладилар, ҳеч нарса демасалар ҳам, бир оз хавотирландилар. Ўша пайтга келиб баъзи бир нарсаларни, масалан, Ислом таълимотига кўра, ҳар қандай пайғамбар гуноҳсиз ва муқаддас умр кечирган, — деб таърифланади, лекин қанча кўп Библия ўқисам, шунча кўп улар бу китобда бошқа кўринишда, яъни худди биздек ўладиган ва ожиз танада кўринар эди. Менга Довуднинг шаҳвоний нафси, Иеремии Худога нисбатан ғазаби ва Мусонинг қулоқ солмаганлигини ўқиб ажабланар эдим. Мен бундай нарсалар ҳақида очиқ-ойдин ёзилганидан ҳайрон эдим, яъни ҳижолатда эдим, аммо бу одамни руҳлантирар эди. Буни қаранки, бу одамлар ҳам худди биздек ожиз бўлишган, шунга қарамасдан Худо уларни ишлатган.

Мен ўқишни давом эттирдим, фикр юритиб, бир-бирига булар ҳақида қарама-қарши бўлган туйғуни ҳис этдим. Бир томондан ўйлаганда, менимча, бу ҳақда бунчалик очиқ-ойдин ёзиш керак эмасдек, бошқа томондан эса, бу очиқлик ҳақиқатдан гувоҳлик бериб турганлигини ҳис этдим. Менинг ичимда, „бу Худони ҳақорат қилиш!“ деб яримим бақиради. Мен ҳатто Библияни ёпиб тахлаб ҳам қўйдим. Лекин менинг ичимда бутунлай бошқача, майин ёқимли овоз янграйди: „Агар бу китоб бузиб ёзилган бўлса, нега унда Исроилликлар бу тарихий воқеани олиб ташлашмади? — деган овоз юрагимда янграр эди. Негаки, улар ўзларининг ота-боболари билан фахрланишади-ку, ахир! Аммо бунинг учун тарихий воқеалар

ҳалигача бу ерда, бу мен учун жуда ишонарли далил эди?“ Шу ўйлар билан мен, Куръонни очиб, у ерда Пайғамбар ва имон оталарининг ҳаётида, кечирим ҳақида бирон ҳодиса бормикан? — деб қўйдим. Мен Куръонда бу ҳақида ёзилганини мен топиб, жуда ажабландим. Кўпгина бу художуйлар, Худонинг одамлари, гуноҳ қилишган ва Худодан бу гуноҳларини кечиришини сўрашган. Масалан: Одам (сура 7:23, 24), Нуҳ (11:47), Иброҳим (28:16) ва Довуд (38:23, 24).

Мусулмонлар ҳамма пайғамбарларни гуноҳсиз санашгани учун бундай янгилик мен учун кашфиёт эди.

Шу пайтларга келиб Кураишлар, менинг машғулотларим борасида, бир оз хавотирлана бошлади. Бир куни кечаси Жаноби Кураиш менга:

— Масуд, сен бир нарсани тушунишинг керак. Сенинг бунчалик кўп шуғулланишингнинг ўзингга зиёни бор. Сен кўпроқ дам олишинг керак, — деди. Мен ташаккур билдириб, менинг машғулотларим муваффақиятли кетаётганини унга айтдим. Менинг жавобимдан унинг кўнгли тўлмасдан:

— Масуд, мен сенга Муҳаммад ва Исонинг ҳаётларини таққослашни маслаҳат бераман. Ўшанда кўрасан, бизнинг Муҳаммад — эргашиш учун ҳақиқий намуна ва Дунё учун ягона барака манбаидир.

Якшанба куни, ўша марказдаги методистлар ибодатхонасидаги қари кишига берган ваъдам ёдимга тушиб, йиғилишга туш вақтида у ёққа жўнадим. Мен келганимда йиғилиш бошланиш арафасида эди. Мен секингина, ҳеч ким сезмаслиги ва эътибор бермаслиги учун, охирги ўриндиқ қаторига ўтирдим. Йиғилиш менга катта таассурот қолдирмаган бўлсада, аммо мен Исонинг аҳамиятини кўриб ажабландим. Улар ҳаммалари Уни Яратгувчи, Тангрим ва Қуткарувчим, — деб чақирар эди.

Шунга қарамасдан ичимда икки овоз жанг қилар эди. Овозларидан бири буларнинг ҳаммаси қарши эди. Аммо иккинчи овоз эса бу сўзларга қулоқ солгиси ва унинг фойдасини ва особийшталигини сезар эдим.

Воизхон мен охирги қаторда ўтирсам ҳам, мени сезди ва ваъзидан кейин ёнимга келиб иссиқ табассум билан саломлашди. У кишининг исми Винсент эди, у билан бирга, мени йиғилишга таклиф қилган жаноб Месси ҳам бор эди. Жаноб Винсент мени ўзининг хонасига таклиф қилди. Биз анча вақт суҳбатлашиб ўтирдик. Менинг саволларим жуда кўп эди, шунинг учун унга савол беришга журъат этдим. Жаноб Винсент:

— Қуръонда ёзилишича, — гап бошладим мен, — биз туғилиш ҳақидаги таълимотга қарасак, биз Исонинг мўъжизаларини, таълимларини кўрамиз, аммо у ерда „ота“ ёки „ўғил“ — деган сўзларни учратмаймиз. Ахир Қуръонда: — У туғмаган ва туғилмаган, — деб ёзилган.

Жаноб Винсент менга диққат билан қараб турди ва кейин:

— Сен ҳақсан Қуръонда Худо бир муҳим исмга эга „Алвадоод“, яъни севувчи, аммо Инжил, Евангелия таърифлашича, У нафақат Севувчи, ҳаттоки У севгининг Манбаидир. Худо-бу севги. Бошқа сўзлар билан айтганда, уни нафақат Алвадоод деб номлашади, балки унда алвадоод гавдалантирилган бизнинг Муқаддас Китоб Худога қарата „ота ва ўғил“ сўзини ишлатади. Бу одам ва Худо ўртасидаги аълоқани шаклланганидан далолат беради. Ислом Худонинг — ҳукумронлиги ва биз унинг қулларимиз, — деб ўқитади. Аммо Инжил Исо ҳақида шундай дейди: „Зеро Худо оламни шунчалик севдики, Ўзининг ягона Ўғлини берди, токи Унга ишонган ҳар бир киши ҳалок бўлмасин, балки абадий хаётга га бўлмасин“ (Юҳанно баён этган Хушхабар 3:16).

— Мана шу мен учун муаммодир, — гап орасига қўшилдим. — Қандай қилиб Исо Масиҳ Худонинг ўғли бўлиши мумкин?

Жаноб Винсент, менинг сабрсизлигимни кўриб кулиб қўйди.

— Масуд, биз руҳий боғлиқ, яъни руҳий қариндошлик ҳақида гап юритаяпмиз. Сен буни яхши тушуниб олишинг керак. Бу танавий туғилиш билан ҳеч қандай алоқаси йўқ, худди мана шу нарсани мусулмонлар тушуниб етишмайди ёки тушунишни хоҳлашмайди. Биз руҳий қариндошлик ҳақида гапираяпмиз.

— Масалан, мана бу мисолга эътибор бер. Биз Муҳаммад Али Хиннихни „Бизнинг халқимизнинг отаси“, — деб англаганимизда, бутун Покистон халқи ундан туғилган ва ундан тарқаганини тушунмаймиз-ку? Албатта йўқ. Худди шу тарзда биз Масиҳийлар Худонинг ўғли ҳақида „Исо Масиҳ жисман Довуд зурриёти бўлса-да, руҳан илоҳийлик касб этади. У қайтадан тирилиб, Худонинг Ўғли эканини қудратли равишда намоён қилди.“ (Рим. 1:3–4) — деб ёзилган оятга ишонамиз.

У бу сўзларни гапирганида, хурсандчиликдан унинг кўзларидан нур таралганини кўриб, бу Сўз улар учун қандай қийматга эгалигини тушундим. — Қуръон таърифлашича, — деб гапини давом этди у, — Масиҳ, „Худонинг сўзи ва Худонинг руҳи“ сўзлари билан номланган. Бу сўзлар Муқаддас китобда ҳам худди шу тарзда У „ўғил“, — деб номланган.

Биз биламизки, агар Худо абадий экан, у ҳолда Унинг Руҳи ҳам ҳеч қандай шубҳасиз абадийдир. Масиҳ эса — Худонинг руҳи. Бундан кўриниб турибдики, Исо ҳам абадийдир ва бу бизни Исо Масиҳнинг илоҳийлигига ишонишимизга мажбур қилади. У ҳеч қандай шубҳасиз абадийдир.

Мен гапиришга гап топаолмай, қотиб қолдим. Шу пайтгача бунақанги чуқур ва ўткир тушунтиришга ва изоҳга дуч келмаган эдим. Мен кўп маротаба мусулмонларни Исо ҳақида гапирганликларини эшитганман, аммо мен бу саволни Масиҳийлар нуқтаи назаридан биринчи маротаба эшитишим эди. Мен кўрсатган далилларимни, у ер билан яксон қилгани кўриниб турар эди. Мусулмон оиладан ва мусулмон бўлганим учун, бу фикрларни ҳаммасини рад қилишни хоҳлар эдим, аммо худди шу вақт менинг юрагим илий бошлади. Ёдимга бир шоирнинг ҳазил қилиб: „Мусулмон Инжилни ўқиб, исломдан юз ўгиради“, — деган гапи ёдимга тушди. Наҳотки мен билан ҳам шундай бўлса-я!? — деб ўйлаб қолдим. Назаримда жаноб Винсент, мени аъзобланаётганимни сезди, шекилли. У мени шошилтиргани йўқ. Охири у мендан саволим бор йўқлигини сўради. Мен эса бошимни секин чайқаб қўйдим, чунки исломнинг асосий таянчлари барбод қилинган эди. У энг кучли далилларни ҳеч нарсага ярамаслигини кўрсатди.

— Жаноб, агар сиз хафа бўлмасангиз, — дедим мен, — мен қолган саволларимни кейинги сафар берсам. Энг биринчи бугун гаплашган мавзуни текшириб чиқишим керак, — дедим. У ўрнидан туриб, менинг ёнимга келди:

— Масуд, мен сени яхши тушинаман.

— Қачон бўлишидан қатъий назар мен сени кўришдан хурсанд бўламан, — деди у.

Кейинги бир неча кунни Ислом олимлари билан ибодатхонада эшитганларимни муҳокама қилишга бағишладик, шунга қарамасдан, Винсент сўзидаги кучнинг таъсири мени тарк этмаган эди. Мен унинг сўзларини ҳеч унута олмас эдим. Мен ҳаттоки, атайлаб Корачидаги Ислом олимлари ва Бутун дунё Марказий Ислом уюшмасининг бошлиғи Маулана Фазлура Раҳмон билан учрашдим. Бу одам жуда банд бўлар эди. Шунинг учун у билан учрашиш анча қийин бўлди. Бир куни кечаси, номоздан кейин тавсияномани қўлимга олиб, унинг уйига бордим. Аммо унинг жавоби далиллари мени қониқтирмади.

— Худо яратувчилигига ишонасанми? — жиддий сўради у.

— Ҳа, албатта, ҳеч қандай шубҳасиз Худо яратувчидир.

— Хўш, у ҳолда, — давом этди у, — агар сен ҳақиқий мусулмон бўлишни истасанг, сенинг Худо ҳақида саволларинг бўлмаслиги керак. Муҳаммад ҳақида қандай фикрдасан? Муҳаммад — Худонинг пайғамбарлигига ва Муҳаммад бутун Дунё учун баракалилигига, Ислом ҳақиқий дин эканлигига ишонасанми?

Устма-уст берилган саволлар, мени гангитиб қўйди. Бундай нарсалар устида тортишув бўлиши мумкин эмаслиги ҳақида аниқ тушунча берди. Бу ерда фақат ишонч бўлиши керак.

— Жаноб, кечирасиз, — сўрадим мен. — Мен кўр-кўрона ишонишим керак экан-да?

Уларнинг ҳаммаси масиҳийликнинг қанчалик бузилиб кетгани ва худди йўлдаги чангдек қуруқлиги ҳақида ёзилган эди. Мен Муҳаммадни ва Исони ҳаётини диққат билан ўрганишга қарор қилдим. Мен жаноби Кураишнинг маслаҳатини эсладим ва уни рўёбга чиқаришга қарор қилдим. Навбатдаги кечада мен таваккал Муқаддас китоб-Библияни очиб ўқидим. Исо бу китобда ёзилмаган бошқа бир талай ибратли мўъжизаларни Ўз шогирдларига кўрсатди. Булар эса Исо — Худонинг Ўғлиы Масиҳ эканлигига ишонишингиз учун ва ишониб, Унинг номи билан ҳаётта эришишингиз учун ёзилган (Юҳанно. 20:30-31).

Назаримда бу сўзлар, мен учун ёзилгандек эди, аммо яна Исонинг илоҳийлиги кўз олдимда кундаланг турар эди, мен буни ҳеч қабул қила олмас эдим. Мўъжизалар, Имон, Абадий ҳаёт! Исо Масиҳ қанақанги одам бўлган экан?! Мен Яна бир бор унинг буюк ҳаётини ўрганишга қарор қилдим ва бу изланиш мени қаерга олиб келиши мен учун қизиқ эди.

Мен Қуръон орқали Исонинг мўъжизаларидан хабардор эдим. Уларнинг ҳаммаси ҳам Библиядагидек эмас эди. Ҳадис Муҳаммадни ойни икки қисмга ёрганини, касалларни даволаганини, ўқувчиларини тўйдиргани ҳақидаги мўъжизаларни ҳикоя қилади. Исо ва Муҳаммад қилган мўъжизалар бир-биридан фарқ қиладими, йўқми?

Лекин Қуръон Муҳаммадни мўъжиза яратмагани ҳақида аниқ тасдиқлайди! Наҳотки Мусулмонлар Муҳаммадни Исога тенглаш мақсадида, Муҳаммаднинг мўъжизалари ҳақида гапиришса?

Мен 13:7 сурада ёзилганидек: „Кофир бўлган кимсалар: — Унга (Муҳаммадга) парвардигори томонидан бирон оят — мўъжиза нозил қилинса эди“, — дейдилар. Сиз (кофирларни Оллоҳ азобидан) огоҳлантирувчисизлар. Ҳар бир қавм учун (Оллоҳ йўлига) етакловчи — ҳидоят қилувчи бордир, оятлар менинг ёдимга тушди. Яна Сура 29 50-оятда Муҳаммад ҳақида шундай дейилган: „Улар (Кофирлар):

«унга (яъни Муҳаммадга) Ҳам Парвардигори Томонидан оят — мўъжизалар тушганида эди», дедилар. Айтинг, «оят мўъжизалар» ёлғиз Оллоҳнинг ҳузуридадир. Мен эса фақат (Осийларни Оллоҳнинг ғазабидан) очиқ огоҳлантирувчиман холос“.

Бошқа сўз билан айтганда, Муҳаммад пайғамбар ҳеч қачон мўъжиза яратишга давогарлик қилмаган. Лекин Исо учун мўъжизалар яратиш худди нафас олишдек оддий ҳолат экани аниқ! Мен буларнинг ҳаммаси ҳақида фикр юритганимда, менга бироз ноқулай бўлиб кетди.

Фақатгина Худо мўъжиза яратишга қодир. Исо мўъжизалар яратган. Мантиқий хулоса қилиб, Масиҳ-бу Худо эканлигини тан олишга кучим ета олармикан. Менинг юрагимни титроқ босиб ибодат қилдим:

„О, буюк Яратувчи, менга ҳақиқат йўлини кўрсат, йўлидан адашиб, сенинг қаҳру ғазабингга гирифтор бўлганлар изидан эмас, балки меҳр-мурувват кўрсатганларнинг изидан етаклагин“. Менинг кўзларим ёшга тўлиб, чин юракдан йиғладим.

Шу пайт хонада кимдир борлигини ва нимадир демоқчилигини ҳис этдим. Мен тезда орқамга қарадим, аммо орқамда ҳеч Ким йўқ эди.

Лекин кимдир ёки нимадир мени чақиришда давом этар эди. Мен стол устидаги очиқ турган Муқаддас китоб-Библияга қарадим. У ҳозиргина ўқиган саҳифамда эмас, бошқа бир саҳифада эди. Мен ишонмасдан ўқиб кўрдим:

„Сўраб туринг, сизга берилади. Излаб туринг, топасизлар. Такиллатиб туринг, сизга очилади. Чунки ҳар бир сўраган олар, излаган топар, тақиллатганга эшик очилар“ Матто 7:7–8.

Худо менга гапирди! Унинг Ўзи бу сўзларни менга кўрсатди. У менинг ибодатимни қабул қилиб ва менга жавоб берганини тушуниб, қалтираб титрадим.

Келгуси бутун ҳафта бўйи мен Библиядаги, яъни Муқаддас китобдаги мўъжизаларни ўргандим. Мен Яҳидий пайғамбарлари ва Исо Масиҳнинг мўъжизалари ўртасидаги ажойиб фарқни топдим. Назаримда пайғабарлар кўпинча Ўзининг кучларини шахсий манфаат учун ишлатганлар, Исо Масиҳ эса ҳеч қачон бундай қилмаган.

Масалан, Илия Сарепталик бевага: „...Мен учун катта бўлмаган кулча тайёрлагин ва менинг олдимга олиб кел, кейин эса ўзинг ва

болангга тайёрлайсан“ (3-Подшоҳлар 17:13), шуниси қизиқарли-ки, гоҳида пайғамбарлар, ўзининг рақиблари устидан келишилган хулосалар чиқаришда Худонинг кучидан фойдаланишган (4-Подшоҳлар 1:9–14).

Аммо Исо, Худонинг қудратига эга бўла туриб, ҳеч қачон фаришталарни, Унинг ҳаётини ёки душманларидан уни сақлаш учун чақирмади. Пайғамбарлар: „Худо Шундай деди“... — деса. Исо эса ҳамиша: „Ҳақиқатдан, ҳақиқатни мен сизларга айтаман“... — деган.

Муҳаммад ўзи ҳақида:

> „Ҳеч шак-шубҳа йўқми, мен (Муҳаммад) ҳам сизлар каби бир одамман. Менга Тангрингиз ёлғиз Оллоҳнинг Ўзи экани ваҳий этилмоқда. Бас, Ким парвардигорга рўбаръ бўлишидан умидвор бўлса, у ҳолда яхши амал қилсин ва Парвардигорига бандалик қилишда бирон кимсани шерик қилмасин“ (Сура 18:110).

Исо эса Ўзи ҳақида шундай деган: Эй огир юк остида кийналиб, хориб-толган хаммаларингиз! Менинг ҳузуримга келинг, Мен сизга ором бераман. Матто 11:28, Мен ва Отам — бирмиз. Юҳанно 10:30, Мен йўл, ҳақиқат ва хаётдирман. Менсиз ҳеч ким Отанинг олдига боролмайди. Юҳанно 14:6.

Мусулмонлар билишадики „бутун Дунё учун илтифот (марҳамат, мурувват) бўлган Муҳаммад“ ўзи ҳақидаги сура 10:49 да шундай ёзилган:

„Айтинг (эй Муҳаммад): «Мен агар Оллоҳ хоҳламаса (ўзгалар у ёқда турсин), ўзимга ҳам бирон зиён, ё фойда етказишга қодир эмасман. (Бинобарин, келажак, ғайб илмларидан ҳам хабардор эмасман, лекин) ҳар бир миллат — авлод учун бир ажал бордир. Қачон ажаллари етса, уни бирон соат четга ҳам сура олмайдилар, илгари ҳам қила олмайдилар“.

Исо эса шундай деган: „Менга осмонда ҳам, ерда ҳам бутун ҳокимият берилгандир“ (Матто 28:18). Буларнинг ҳаммаси, мени буткул эсанкиратиб қўйди. Менинг қаршимда, мени ўқитганларидек, дунёга барака олиб келган Муҳаммад турар эди, аммо у қандай куч қудрати орқали бутун дунёга барака улашар экан? — деган савол туғилди. Ахир у биз каби ўлимга қарши тура олмаган ва ҳар бир киши унинг қабрини гувоҳи бўлиш мумкин. Демак, у бизга ҳаёт бера олмайди. Бошқа тарафдан қарасак, Ислом кўзи билан имкониятсиз кўринган Исо эса, „Мен ҳаёт ва тирилишдирман“ — деб айта олгани қизиқ (Юҳанно 11:25).

Буюк Ислом пайғамбарлари Мадинадаги қабрда абадий уйқуда. Исо уч кун ўтказган қабри эса, бўм-бўш ва кўпчилик Унинг самога кўтарилганининг гувоҳи бўлишган.

Миллионлаб одамлар учун Муҳаммад пайғамбар тинчлик ва бехатарликни таъминловчи нишонадир. Аммо унинг ўзи бизнинг уни Худо кечиришимиз учун қиладиган ибодатларимизга муҳтож. Бутун дунё мўмин Мусулмонлари бир кунда 5-маротаба Оллоҳдан уларнинг пайғамбари Муҳаммадга тинчлик ато қилишини сўраб ибодат қилишади.

Мен охирги ҳал қилувчи нуқтага етиб келганимни тушунар эдим. Мен ўзимнинг саволларим билан мурожаат қилган Маулва менга қониқарли жавоб бера олмади. У фақат мендан ғазабланди. Лекин мен ҳеч кимни хафа қилгим келмасди. Фақат ҳақиқатни билгим келарди холос. Ҳозир бир нарсага имоним комил, яъни бу дунёда худди ўша вақтларда мен каби ҳақиқатни қидирувчи мусулмонлар оз эмас.

11
Қоронғуликдаги нур

Жаноб Мисси кекса сочига оқ оралаган отахон эди. У ёлғиз яшар эди. У ҳамиша мени кўришдан хурсанд эди. Мана бугун ҳам у мени бошқача бир меҳрибонлик билан кутиб олди. У чой тайёрлагунча, мен уни ошхонада кутиб турдим. Кейин тилни куйдирадиган иссиқ ширин чойни олиб хўплаб ичиб ўтирдик.

Шу пайт рўпарамдаги стол устида турган „Нажот“ номли катта бўлмаган бир китобни кўриб қолдим. Мен уни олиб бир неча варақ ўқидим. Бу китобдаги қандайдир туйғу мени жаноби Миссига савол беришга ундади:

— Биз мусулмонлар Оллоҳга бўлган имонимиз ва бизнинг савоб ишларимиз орқали топган ҳаққонийлигимиз эвазига нажот топамиз, яъни жаннатий бўламиз. Масиҳийликда ҳам худди шундай-ми? Жаноб мисси бошини чайқаб: — Йўқ, Масуд. „Ҳамма гуноҳ қилган ва Худонинг улуғворлигидан марҳрумдир“ (Рим 3;23). Биз ўзимизни савоб ишларимиз билан нажот тополмаймиз. Бу оламда нажот берадиган фақат битта ном бор-бу ном бизнинг Раббимиз Исо Масиҳ номидир. Бу Худонинг кечиримига эга бўлишнинг ва нажот топишнинг ягона йўлидир, — деди.

Ўша куни мен ундан жуда кўп нарсалар ҳақида эшитдим ва ҳеч қандай шубҳасиз уларни қабул қилдим. Биз узоқ вақт суҳбатлашдик ва оқибатда мен ўзимнинг саволларимга жавоб топгандек бўлдим. Жаноб Мисси менга айтган ҳақиқатларини ўзининг ҳаёти давомида эришган тажрибасидан келиб чиқиб гапирди. У 1947 йили Ҳиндистоннинг ажралаётган вақтида Ҳиндистондан Покистонга келган ва ҳарбий омборда кўп йил ишлаган. Кейин эса Корачига кўчиб келган ҳозиргача шу ерда истиқомат қилади. У ҳаёти давомида кўпгина қайғуларнинг гувоҳи бўлган. Унинг хотини бир неча йил олдин оламдан ўтган ва мени билишимча, унинг фарзандлари ҳам бўлган, лекин улар ҳам оламдан кўз юмишган. Шунга қарамасдан унинг

Раббимизга бўлган имони юзидан нур бўлиб таралиб турар эди. Шунда мен у гапираётган гапларининг асл маъносига ўзи ҳам ишонишини тушундим.

Мен кетиш олдида ундан ислом ва масиҳий таълимотлари таққосланган китоб, топиб беришини сўрадим, аммо унда бунақанги китоблар йўқ экан.

— Масуд, бугунги кунларда Покистонда бунақанги китобларни топиш жуда қийин. Покистон ҳукумати бундай китобларни нашр қилгани йўл қўйишмайди. Агар бирон бир кишида шундай китоблар борлигини билиб қолишса, катта миқдордаги жарима солишади.

Бу ҳақида биринчи бор эшитишим эди. Олдинлари ҳамиша, бундай саволларга инсон мустақил танлаш ва ўрганиши мумкин, айниқса динни танлашда мустақил фикрга эга, деб ҳисоблаганим учун мен чуқур ҳайратда қолдим. Жаноб Мисси менга бир неча Масиҳий китобларини бериб, эшик олдигача мени кузатиб қўйди. Мен чиқиб кетишимдан олдин, у мени бошимга қўл қўйиб:

— Сени Худо баракаласин, ўғлим, — деди. Уйда мени жаноб Курайши кутиб турган эди. Унинг мен учун яхши янгилиги бор экан. У мен учун почта бошқармасидан бўш иш ўрни топганини ва мен ариза қоғозини тўлдиришим кераклигини айтди. Мен жуда хурсанд бўлиб кетдим.

Хурсандлигимдан ўзимни йўқотиб:

— Раҳмат, опа-деб миннатдорчилик билдирдим. У кулиб:

— Сен тезда ариза беришинг керак, — деди у ва адресни менга берди. — Лекин олдин овқатланиб ол овқатинг совуб қолди, — деди. Ҳамма ажойиб кайфиятда эди. Шу пайт жаноби Курайши:

— Масуд охирги вақтлари сен масиҳийлар билан тез-тез овқатланаяпсан. Шунинг учун биз билан овқатланишингдан олдин, яхшилаб тозаланишинг ва калима қайтариб ўтиришинг керак, яна бизнинг столимизга нопоклик кириб келмасин, дейманда!, — деб таъкидлаб ўтди. Мен унинг сўзларини ҳазилга олиб:

— Менинг фикримча, сиз янада узоқроққа қарашингиз керак! У менга ҳайрон бўлиб қараб қолди. Мен тарелкани кўтариб, ҳаммага унинг савдо белгисини кўрсатдим.

— Сиз кўриб турганингиздек КНР мамлакатида тайёрланган. У ерда ҳамма коммунистлардир. Улар масиҳийларга қараганда анча гуноҳкордир, чунки улар Худога умуман ишонишмайди. Шунинг учун менинг фикримча, биз бу тарелкалардан овқат ейишимиздан олдин, ҳаммамиз бутун Қуръонни ўқиб чиқишимиз керак. Хўш, сизлар розимисизлар? Нега сизлар рози эмассизлар? Ҳамма қаҳ-қаҳа отиб кулишди.

1972 йил февраль ойида, мени почта бошқармасига ишга олгани ҳақидаги хабарни олдим, аммо мен уч ойлик тайёрлов муддатини ўтказишим керак эди. Шунинг учун мениинг ҳамма вақтим мана шу учун сарфланди. Ва шуғулланишга ортиқча вақт йўқ эди. Кейинчалик ишни бошладим. Саккиз соатлик иш вақтидан кейин, мен ўзимни машғулотларимни давом эттирар эдим.

— Мен қўлимга тушган ҳамма масиҳий китобларни ўқиб чиқдим. Мен иш вақти китоб ўқишни хоҳлашимга қарамасдан, бунинг иложи йўқ эди. Менинг вазифам текширишни амалга ошириш эди. Менга юборилган почта ичида рухсат этилмаган нарсалар бор йўқлигини аниқлашни ўргатишди. Бу жуда маъсулиятли иш эди, шунга қарамасдан ишнинг тугашини сабрсизлик билан кутар эдим. Чунки бундан ҳам муҳимроқ машғулотим бор эди.

Бир куни кечаси, мен гуноҳнинг пайдо бўлишини ва унинг табиатини текширдим. Мен Қуръонда Исони гуноҳ билан боғлиқлигини топа олмадим.

Албатта, Исо Ўзининг рақибларига: „Қайси бирингиз мени, бирон гуноҳ билан айблай оласиз?“ (Юҳанно 8:46), — деб айта олган.

Қуръон Муҳаммаднинг гуноҳкорлиги ҳақида ҳеч нарса демаяпти, аммо Сура 110 оят 3 ўхшаган оятларни Қуръондан олиб ташлаб бўлмайди. Сура 110 оят 3 шундай ёзилган: „Дарҳол Парвардигорингга ҳамд айтиш билан поклан ва У зотдан мағфират (тавба) сўранг! Зеро У тавбаларни қабул қилгувчи бўлган зотдир.“ Ёки Сура 48 оят 1–2 ни ўқисак:

> „Эй, Муҳаммад, токи Оллоҳ сизнинг гуноҳингиздан илгари ўтган ва кейин келадиган нарсалар (барча гуноҳларингизни) мағфират (тавба) қилиши учун ва сизга Ўз неъматини комил қилиб бериб, сизни тўғри йўлга ҳидоят қилиши учун ҳамда Оллоҳ сизга қудратли ёрдам бериши учун дарҳақиқат биз сизга очиқ равшан фатҳ-ғалаба ато этдик.“

Мен бу оятларни ўқиб замонавий ислом таълимот билан Қуръон битиклари орасидаги фарқни кўриб хафсалам пир бўлди. Чунки замонавий ислом Муҳаммадни гуноҳсиз деса, Қуръон эса унинг гуноҳкорлигини тасдиқлаётган эди.

Шу билан бирга мен Исонинг ва ислом таълимотининг аёлларга нисбатан, бўлган фикрининг фарқи ҳам менга аниқ бўлди. Масалан: Исони талоқ (никоҳни бекор қилиш) ҳақидаги таълимоти Матто 5:31–32 исломнинг мавқеига буткул қарама-қаршидир. Исо Ўзининг

таълимотида аёлларни ҳимоя қилса, Қуръон эса бунинг тескарисини ўқитади.

> „Хотинларингиздан қайси бир, аёл фоҳишалик қилса, ундай аёлларнинг устидан ўзларингиздан бўлган тўрт кишини гувоҳ қилинг. Агар улар гувоҳлик берсалар, бу аёлларга то ўлим келгунча ёки Оллоҳ бирор йўлга солгунча уларни уйларида сақлангиз“ (Сура 4 оят 15).

Агар бу бадномликни мусулмонлар томонидан берилган тенг ҳуқуқлилик десак, унда бунинг қадри қанча? Ҳақиқий амалиётда эса, ислом эркакларига катта имкониятлар яратилган аёлларга эса худди мол-мулкининг бир қисмидек қаралади. Ҳатто-ки Жаннатда уларга хурсандчилик ваъда берилмаган. Эркакларга эса кўп нарса ваъда қилинган — шу жумладан аниқ ноаҳлоқий роҳат ҳам, аммо аёллар ҳақида Қуръон жимжит. Аёлларни эркакларга тобе қилиб қўядиган бу фалсафа, менда нафрат уйғотди.

Мен ўйланиб секин жойимга ўтирдим. Шу пайт бирдан шамол эсиб, Муқаддас китобнинг варақларини ўйнатиб, варақлади, мени ҳайратга солиб, китобнинг шундай жойи очилди-ки, бу жой худди менинг юрагимга мурожаат қилаётгандек эди.

> „Эй халқим, ундан чиқиб кетинг! Шерик бўлманг унинг гуноҳларига, дучор бўлманг-да балоларига, кўккача бориб етди-ку унинг гуноҳи. Худо эслади унинг ноҳақликларини“ (Ваҳий 18:4–5).

Бу сўзларни ўқиб хомуш бўлиб қўрқдим. Мен нима қилсам экан? — деган савол қийнарди. Мен ҳаттоки ибодат ҳам қила олмадим. Тарозининг бир палласида мусулмонларнинг жаннат ҳақидаги таълимоти бўлса, иккинчи палласида — Исонинг оддий сўзлари эди:

> „Ўликлар тирилганда, на уйланадилар ва на эрга тегадилар, балки бамисоли осмондаги фаришталардай бўладилар“ (Марк 12:25).

Менинг назаримда, исломнинг бутун ҳаёт ташвишларига жавоб берувчи қонун ва қоидалар тўплами, деб ўйлайдиган кишилар адашаётганликлари аниқ. Улар Ислом аёлларга эркинлик беради, деб жар солишади. Аммо ҳақиқатда улар айтаётган эркинлик Худонинг

бандаси бўлган аёлларга Худо лойиқ кўрган эркинликка тенгми?

Мен мусулмон аёлларининг ўз эри билан никоҳини бекор қилиш ҳуқуқи йўқлиги, уларнинг эрлари эса эркин бўлиш учун уч маротаба „талоқ қилдим“ — деб айтиши етарлилигини эслаб ғазабим чиқди. Мен кўчага чиқиб бор овозим билан:

„Эй ислом аҳли, бизнинг мусулмон жамоатимиздаги бева аёлларга назар ташланглар, кўзларингни очиб, ўз ота-онаси уйига қайтиб келиб яшаётган аёлларга қаранглар. Эри ташлаб кетгани учун тиламчилик қилувчи, бировнинг қўлига қараб яшовчи ёки ўзининг баданини сотувчи аёлларга қаранглар, уларнинг фарзандлари азоб тортаётганини кўринглар. Эй, ислом аҳли: улар ўз уйларидан қувилган ва ўзига лойиқ ҳаёт кўрмаган, уларга назар ташланглар ва бу аҳволлар учун бизнинг ислом жамиятимизга уят бўлсин! — Икки ва уч хотинга эга бўлиб, уларни таъминлай олмайдиган эрларининг хотинлари аҳволига қаранглар. Ахир, бу пок Ислом номи билан бажарилаётган қонунбузарлик эмасми?“ — деб бақиргим келди.

Мен ўзимни кучсизлигимни ҳис қилдим. Буларни ҳаммасини кимга ҳам айта олар эдим. Ким ҳам менга қулоқ солар эди? Менинг юрагим ёшга тўлиб йиғладим ва ҳақиқий Худога: „Эй менинг Тангрим, менга ҳақиқат йўлини кўрсат“ — деб мурожаат қилдим.

Шу пайтгача мен Покистон почта хизмати назоратчисининг ёрдамчиси вазифасида ишлаб келдим.

Менинг вазифам: Покистонга келаётган ёки транзит орқали ўтиб кетаётган қонунсиз маълумотларни ўтказмасликдан иборат эди. Тез орада мен кўпгина касбдошларимни ақлга сиғмайдиган, уятли ҳатти-ҳаракатларидан хабар топдим. Масалан, конвертда топган чет эл валютасини, қонун қоида бўйича давлат банкига топшириш ўрнига ўз чўнтакларига уришар эди. Яна бошқа ўтиши тақиқланган нарсалар, парнография адабиётлари билан худди шундай иш тутар эди. Парнография журналлари, юқори почта бошлиқларининг эҳтиёжи эди, шу жумладан, чет эл валютаси ҳам.

Яна мени вазифамга исломга қарши бўлган маълумотларни топиш ва улар ҳақида хабар бериш кирар эди. Кейин эса ҳукуматимиз бу маълумотларни йўқ қилиб юборишар эди. Ўша вақтга келиб, менинг христианларга бўлган қизиқишим ошганлиги сабабли мен христиан журналларини ўқишни, ўзим учун қарор қилдим ва у журналлардан адресларини ёзиб олиб, ўзим уларга хат ёзар эдим. Шу йўл орқали, мен тез орада ҳар хил теологик қарашлар тасвирланган журналлар

ола бошладим. Уларнинг ҳаммаси ҳам фойдали эмаслигини, ҳозир тушунаман, аммо ўша вақтда таълим олса бўладиган ҳар ҳандай китоб ёки журнални ўқиш мен учун бахт эди. Шундай қилиб мен, кўпгина фойдасиз фикрларни ҳам мактуб орқали олдим. Улар орасида ёлғончи христиан масҳаблари бўлган „Иегова гувоҳлари“, Мармонлар каби масҳабларни ҳам учратса бўлар эди.

Аммо мен асосан соғлом фикрли масиҳий таълимоти билан қизиққаним учун Худо мени асради. Мени ҳақиқатга бўлган интилишларим кейинчалик ўз мевасини берди.

Менинг ҳамма вақтим буларни таққослашга ва изланишларга кетар эди. Мен яна исломни ва масиҳийларни Худога топиниш маросимларини таққосладим. Мусулмонлар айтишича: Одам Худога яқинлашишидан олдин баданни тозалайдиган диний маросимлардан, яъни таҳорат қилиб топинишса, масиҳийлар эса Худога топинувчи кишининг юраги тоза бўлиши керак, — деб эътиқод қиладилар. Юҳанно баён этган хушхабарнинг 4:24 оятида қандай Худога топиниш ҳақида ёзилган: „Худо — Руҳдир, Унга топинувчилар эса Руҳ ва ҳақиқат билан топинмоқлари лозим“.

Менинг фикримча, фақатгина Исонинг хочда бизнинг гуноҳларимиз учун қурбон бўлганлиги ҳақидаги саволга жавоб топганим, Худо ҳақиқатни тўғридан-тўғри кўрсатиши мумкинлигини уқтирди. Бу ҳақида мен кўпгина китобларда ўқиган бўлишимга қарамасдан, аммо менга ҳақиқий тушунчани Худонинг ўзи берди. Мен аминман-ки, унинг Руҳи Қуръоннинг ўзида Исонинг хочга михлангани, ўлгани ва осмонга кўтарилгани ҳақидаги далилларни менга кўрсатди. Бу мен учун муҳим ва ҳал қилувчи маънога эга эди. Ва мен юрагимдан чиқаётган овозни тўхтата олмасдан: „Эй, Художон! Агар бу ҳақиқат бўлса, у ҳолда Сени ҳақиқий Худо ва Раббимиз Исо Масиҳнинг Отаси эканлигингни тан олиб, Масиҳий бўлиш кунимга оз қолди“ деб ҳайқириб юбордим.

Мен Масиҳий таълимоти ҳақида 3-изоҳга эга эдим. Биринчиси, Масиҳийлар таълимоти, яъни Исо Масиҳ дунёга келгани, хочга михлангани, дафн қилингани, уч кундан кейин қайта тирилиб ва 40-кундан кейин осмонга олингани тасдиқланар эди. Бу мен учун тушунарли эди. Иккинчи таълимоти Ислом таълимоти эди. Улар Масиҳни хочга михланганини рад этишади, аммо уни тирик осмонга олинган деб тасдиқлашади. Ва охиргиси менинг ёшлигимдан таниш бўлган Аҳмадий таълимоти эди. Улар Исо хочга михланган, лекин хочда вафот этмаган, фақат ҳушидан кетган, кейин ҳушига келти-

рилган ва ундан кейин кўп йиллар Кашмирда яшаган, деб ҳисоблашади.

Ҳаммасидан қизиғи шундаки, иккала Ислом гуруҳларининг нуқтаи назарлари Қуръонга асосланган эди. Аҳмадий таълимоти кўп нарсаларда бир-бирига қарши, мен уларнинг ҳаммаси ҳақида батафсил айтмайман, лекин фақат Исо Масиҳ ўлими ҳақида Аҳмадий Худо сўзини ўрганувчи аҳмадин олимларнинг фикрини қараб чиқамиз. Улар камида 3 та бир-бирига қарама-қарши фикрга эгадирлар ва бир-бирлари билан келиша олмайдилар. Шу сабабдан мен уларнинг изоҳини қабул қилмадим.

Хўш, бу ҳақда Қуръон нима дейди? Қуръонда (Сура 4:157–158) оятларда шундай ёзилган: „Оллоҳнинг пайғамбари бўлган ал-Масиҳ Ийсо бинни Марямни бизлар ўлдирганмиз, деган сўзлари сабабли биз уларни лаънатладик. Ҳолбуки, улар уни ўлдирганлари ҳам, осганлари ҳам йўқ. Фақат улар учун (бошқа биров) Ийсога ўхшатиб қўйилган холос. Албатта Ийсо ҳақида талашиб тортишган кимсалар унинг (ўлдирилган, ўлдирилмагани) ҳақида шубҳада қолганлар. Бу ҳақида фақат гумонларга бериладилар, холос уни ўлдирмаганлари аниқдир. Балки уни Оллоҳ Ўз ҳузурига кўтаргандир. Оллоҳ қудрат ва ҳикмат эгаси бўлган зотдир!“

Ислом тасдиқлашича, пайғамбар учун одамлар қўлида ўлиш-жуда катта шармандалик, шунинг учун Исо Масиҳ хочга михланганлигига йўл қўйиш мумкин эмас. Шундай бўлишига қарамасдан 155-оятда яҳудий халқининг пайғамбарни ўлдириши ҳақида ёзган: „Сўнгра Аҳду паймонликларини бузганликлари, Оллоҳнинг оятларини инкор қилганликлари, пайғамбарларни ноҳақ ўлдирганликлари ва дилларимиз қулф“ деганликлари сабабли. Аммо қандай қилиб пайғамбар пайғамбарликдан ўчирилади, фақат ўзининг хизмати учун ўз ҳаётини қурбон қилгани учун-ми? Тўғрироғи тескариси бўлса керак, чунки бу ҳаракат кўпроқ ҳурматга ва мақтовга лойиқдир. Ҳақиқатдан Исо Масиҳнинг ўлими қандай бўлган? Бу саволнинг жавоби Муқаддас Китобда (Библияда) лиги аниқ, Ҳа худди ўша мусулмонлар рад этиб шу билан бирга ўзининг изоҳларида фойдаланадиган Библиядир. Жавобни Ҳаворийлар 2:22–36 да топиш мумкин.

„Эй, Исроил эрлари! Бу сўзларни тингланглар шундай қилиб бугун Исроил аҳли узил-кесил билсинки, сизлар хочга михлаган бу Исони Худо-Раб ва Масиҳ қилиб тайинлади“.

Мусулмонлар бунга рози бўлишмаслигини мен аниқ билар эдим. Бировлар Исонинг ўрнига Иуда Ишқариот хочга михланган, дейишади, бошқалар эса бунга рози эмаслар. Агар Мусулмонлар айтганидек, Худо Иуда Ишқариотни Исога ўхшатиб қўйиши орқали, У қаллоблик (алдоқчилик) қилган бўлмайдими? Иуда нега бақирмади? Наҳотки, Худо ёлғончи бўлса, наҳотки Худо шундай алмаштиришларда иштирок этса. Бундай фикрни менинг бутун вужудим рад этар эди. Аммо Симон Киринеянин билан нима қиламиз? Кўпгина Мусулмонлар ишонишича, Симон Киринеянин Исонинг хочини кўтарганлигига асосланиб, одамлар уни Исо деб ўйлаб хочга михлашган деб ҳисоблашади! Аммо менинг онгим бундай уйдирмани қабул қилмади. Ахир қандай қилиб, ҳақиқий Худонинг пайғамбари, бундай ёлғонга йўл қўйиши мумкин? Буни ақлга сиғдириб бўлмайди. Бундан ташқари, Исо Масиҳнинг хочга михлангани ҳақидаги тарих-оддий тўқима (хаёлий, уйдирма) бўлса, у ҳолда унинг шогирдлари кимлар бўлишлари керак? Агар шундай бўлса, қандай қилиб бундай ёлғонга йўл қўйишлари мумкин? Қандай қилиб улар бу ёлғон билан бирга, севги ва Худога қулоқ солишни ваъз қилдилар экан. Буни ақлга сиғдириб бўлмайди. Қандай қилиб бундай ёлғончилар ерда осмонда ўзларини ҳосилларини кўрди? Мен Йўқ, — деб хулоса қилдим ва Қуръон ҳам, ҳадис ҳам Исони хочга михланганига ва Худо уни осмонга олганига гувоҳлик беришади.

Мен катта мамнуният билан, Исо Масиҳ шахсида эски Аҳднинг пайғамбарликлари мужассамлашганига ишонч ҳосил қилдим. Мен китобни ёпдим, Менинг изланишларим охирига етган эди, энди Янги қадам ҳақида бош қотириш вақти келган эди.

12
Ўғилнинг нури томон

Келаётган якшанбада мен ибодатхонага бордим. Ва бошқа масиҳийлар билан биргаликда, чин юракдан „Сен қандай буюксан!“ қўшиғини куйладик. Қўшиқнинг ҳар бир сўзи менинг юрагимда янграб мени ўзим билан очиқ бўлишга ундаётгандек эди.

Қўшиқ тугаб ҳамма ўтирганидан кейин мен ўзимга-ўзим:

— Масуд, икки пичоқни бир қинда сақлаб бўлмаганидек, бирдан икки хўжайинга хизмат қилиб бўлмайди. Сен кимнинг изидан боришингни Муҳаммаднингми ёки Исонинг изидан боришингни ҳал қилиб олишинг керак? Нима бўлганда ҳам, сен иккисидан бирини танлашинг керак, қанча тез бўлса шунча яхши, — дедим.

Мен иккаласидан бирини танлашим зарурлигини сезсамда, менинг ўша вақтдаги шароитим оғир эди. Мен агар танлайдиган бўлсам юрагим Исони танлашини билар, аммо агар мен Исонинг изидан юришга қарор қилсам, у ҳолда бир умрга ота-онамдан, қариндошлар ва дўстларимдан ажралишим аниқ эди. Ундан ташқари мен ҳам Исломда қолиб, Исонинг издоши бўлиб юриш умидим ҳам бор эди.

Аммо бу ерда теологик муаммо пайдо бўлди. Ислом мени фақат ягона Худога ва унинг пайғамбари Муҳаммадга имон келтириб, савоб ишлар қилиб, одам ўзини қутқариши мумкин деса, Масиҳийлар фақат Исонинг изидан юрсак, унинг ўзи буларнинг ҳаммасини мени ўрнимга қилади, чунки мен Ўзимни-Ўзим қутқара олмайман, — деб ҳисоблашади. Ислом менга қандай қилиб, Худони рози қилиш йўлларини кўрсатса, Масиҳийлар эса, Исо Масиҳ инсон билан Худони бир марта ва бир умрга яраштирди, деб ишонишади. Мен шуни билардимки, менинг гуноҳкор табиатим билан Худони рози қила олмаслигимни жуда яхши билар эдим.

Қуръон менинг тасаввуримда ёмонлик қилмайдиган ва ҳаққоний кишиларга йўл бошловчидек кўринарди. Муқаддас китоб, яъни Библия эса гуноҳкорлар учун ҳаёт сўзи эканлиги аниқ ойдин ёзилган.

Ҳаттоки ҳаворий Павел ҳам гуноҳкорлардан энг охиргиси ўзимман, деб айтган.

Ҳамма нарсанинг марказида Исо шахси турар эди. Исо Масиҳ Масиҳийларнинг илдизидир. Усиз Масиҳийлик, худди зилзилада вайрон бўлган уйдек, вайронаси чиқиши аниқ. Муҳаммад эса, Қуръонда оддий бир „Муҳаммад фақат бир пайғамбар холос. Ундан илгари ҳам пайғамбарлар ўтгандирлар“ (Сура 3:144).

Мен бу икки шахс орасидаги шундай йирик фарқни кўрдим! Ваъз давом этар эди, менинг кўз ўнгимда менинг бутун ҳаётим ўтар эди. Мен хаёлимни бир жойга йиғиб ҳақиқатни қидира бошладим. Мана энди ҳақиқатни топгандек бўлганимда, икки ҳамма нарсага қодир кучлар ўртасида қолдим. Мен олдинга интилишга қўрқар эдим, аммо орқага қараб фақат ваҳшийлик ва Исломнинг қонунбозлигини кўрдим. Шу пайт мен Исонинг: „Менинг изимдан бор ва мен сенга тинчлик бераман“, — деб чақираётган овозини эшитдим.

Шу билан бирга энди Қурайишлар мен ҳақимда қандай фикрга боришади, — деган фикр хаёлимдан кетмас эди. Мен уларнинг кўз ўнгида, яхшиликка ёмонлик билан қайтарувчи ношукур одам бўлиб кўринмасмиканман? Мен илгари ҳеч жойда, уларнинг уйидагидек меҳрибонлик кўрганим йўқ ахир. Мен ночор ва ўлиш бўсағасида ётганимда, улар мени уйига қабул қилишди. Улар мен учун „мени танамга ёрдам бериш учун келган Худодан юборилган фаришталардек“ эди. Агар мен уларга Масиҳий бўлмоқчилигимни айтсам, нима бўлар экан? Бир фикрга кела олмасдан бошим қотди.

Мен Қуръондан ёки Муқаддас китобдан маслаҳат олиш умидида ўқидим. Мен ибодатхонага ҳам, шу билан бирга мачитга ҳам бирор кун қолдирмасдан қатнар эдим. Мен Масиҳий воизхонларини ҳам муллаларни ҳам эшитар эдим ва ҳамиша ҳал қилиш вақти келганлигини сезар эдим. Мени хонамда радио бор эди. Мен бу хонага ўтганимдан буён, Курайшлар ундан фойдаланишим учун рухсат беришди. Ҳаттоки жаноб Курайший менга „Узоқ Шарқ Радио эшиттириш уюшмаси“ ҳақида айтганидан кейин, уни ҳар куни эшитадиган бўлдим. Курайш ҳам уни гоҳида эшитар эди. Аммо уларни бу кўп қизиқтирмас эди. Ундан ташқари гоҳида кечки эшиттириш ўрнига Москва радиосини улаб юборишар эди.

Бир куни тонгда, ишга жўнашимдан олдин, мен бир оз радио эшитдим. Қандайдир воизхон Осмон Шохлиги ҳақида фикр юритаётган экан. Мен қулоқ учида эшитаётган эдим, аммо унинг охирги Муқаддас Китобдан ўқиган оятлари мени ларзага келтирди.

„Шундай экан, нима еймиз, нима ичамиз, нима киямиз, — деб ташвишланиб юрманглар... Лекин самовий отангиз сиз буларнинг барига муҳтож эканлигингизни билади-ку! Сиз аввало Худонинг Шохлиги ва Унинг иродаси пайида бўлинглар, шунда буларнинг ҳаммаси сизларга қўшимча қилиб берилади“ (Матто 6:31–33).

Бу сўзлар тўппа-тўғри менинг юрагимга қаратила айтгандек эди. Мен ичимда, Осмондаги Отажон, Сен фарзандлар юрагида нима кечаётганидан хабардорсан. Фақатгина Сен, мен кўчада, оч, яланғоч, дарбадар бўлиб, қолиб кетишимдан қўрқишимни биласан. Мени эзаётган бу қўрқувни фақат Худо билар эди. Аммо энди мен биламан, агар шундай қилишга тўғри келса, у ҳолда буни қабул қилишга тайёрдек эдим.

Мен иш жойимдан уч кунлик жавоб (отпуска) олдим ва кун бўйи қўлоғим остида жаранглаган Матто баён этган хушхабарни оятларига диққат қилиб ўтказдим. Бу ибодат қилиш эмас эди, мен Худони менинг ҳаётимда ўзини кўрсатишини кутиб ётар эди. (Худди шу пайтгача у менга кўринмагандек.) Бу фикрлар Худодан эмаслигини ҳозир тушунаман. Кутилмаганда менинг хаёлимга Библиядан бир оят келди: „...Мен шунча вақтдан бери сизлар билан биргаман-у, Мени танимайсанми?...“ (Юҳанно 14:9).

Мен Муқаддас китоб Библияни очиб бу оятларни топдим ва диққат билан уч оятни ўқидим (Юҳанно 14:5–9). Бу сўзлар, худди менга қарата айтилгандек эди. Шунинг учун мен ўзимни хароб бўлган, унга бутунлай ўзимнинг ишона олмаслигимни ҳис этдим.

Рўпарамда ойна бор эди, аммо ўзимнинг юзимга қарашга ор қилар эдим. Уйга кимлардир келиб кетишгани оёқлари овозлари эшитилишига қарамасдан, мен ўзимнинг қайғум ва мени ўраб олган қўрқувим қучоғида қолдим. Мен яна бир бор ўзимнинг гумонларимни текшириб кўрдим, аммо орқага йўл йўқ эди. Ҳаммаси аниқ эди.

Ўша Худо ёшлигимда: „Бу мактабда ўқиб тур, мактабни тамомлаганингдан кейин, мен сени ўзимнинг мактабимга оламан“ — деган. Худо мени кутар эди, мен эса қўрқар эдим.

Худо, мени ўзининг меҳрибон қўллари билан етаклаб, ҳақиқатни кўрсатган, мени кутар эди. Мен эса орқага қайтмоқчи бўлиб юрибман-а. „Балким, у мени кутишдан чарчагандир“ — бирдан хавотирга тушдим ва бутунлай ҳолдан толдим.

Мени мадорим қуриб ухлаб қолган бўлсам керак, чунки кутилмаганда хона бирдан ёруғ нурга тўлиб кетди ва деворлар йўқолиб

қолгандек эди. Менинг хаёлимда таниш бир девор пайдо бўлди. Мен уни танидим. У Юҳанно баён этган Хушхабар 20-бобида бўлган ҳодиса тасвирланган эди. Мен ҳаворийлар ўртасида ўтирган Тўма У ўзини йўқотган ўша шубҳа билан ўтирар эди. Бирданига улар орасидан „Ассалому алайкум“, — деб Исо пайдо бўлди. Тўма оғзи очилиб ҳайронлигича турар эди. Исо Тўмага:

„Бармоғингни бу ёққа теккиз! Менинг қўлларимни кўр, қўлингни чўзиб биқинимга қўй ва имонсиз бўлма, имонли бўл!“ — деди.

Тўма Исонинг оёқларига йиқилиб бақирди: „Эй, менинг Раббим ва Худойим!“ — деб жавоб берди. Исо унга шундай деди:

— Сен мени кўрганинг учун ишондинг. Кўрмай ишонганлар қандай бахтлидирлар! Аста секин кўриниши йўқола бошлади. Мени хона ўртасида туриб ҳозир тушимда кўрган эшитганларим ҳақида ўйладим.

Бу хушхабар қандай маънога эга эканлигини тушуниб турар эдим. Мен худди Тўма каби шубҳаланаётган эдим ва Исо менга у ҳали ҳам мени севишини ва мени ўзи томон чақираётганини кўрсатди.

Бирдан юрагимга оғир ғам тушди мен ўзимни қойиб:

„У менинг юрагим эшиги ёнида эди, мен эса уни ичкарига киритмадим — дедим. Шайтон кичик ғалаба қилди, чунки мен эҳтиёткорлик кўрмадим. Мен қандай қилиб Шайтонга қулоқ солдим. Ахир менинг юрагим ёнида бутун дунёнинг Раббийси турган эди-ку?“

Мен бирдан тиз чўкдим ва:

„Раббим, мен сенга имон келтираман. Мен сенга ишонмасдан ўрлик қилганим учун, мени кечир ва ўзингнинг қучоғингга мени қабул қил“ — деб, Худони чақириб мурожаат қилдим, юрагимнинг туридан келаётган, „Мен кимни севсам унинг гуноҳини фош қиламан ва адабини бераман. Шундай экан, ғайратга кел ва тавба қил“ (Ваҳий 3:19) — деган овозни эшитдим.

Мен ўрнимдан бошқа одам бўлиб турдим. Назаримда менинг бутун вужудим „Сен қандай буюксан“ қўшиғини куйлаётган эди. Шу пайтгача ҳеч қачон мен шу 1973- 26 апрель оқшомидагидек тинчликни, осойишталикни ва хотиржамликни сезмаган эдим. Юрагим хурсандлигидан ўйнаётгандек эди. 2 йилдан ортиқ изланишлар охирига етгандек эди. Охир оқибат Ота Худонинг шон-шуҳрати учун Исо Масиҳ — менинг Раббим ва менинг Тангрим эканлигини менинг юрагим тушуниб этди.

Эртаси куни мен жаноб Миссининг уйига бордим. У уйида йўқ экан, шунинг учун мен уни қўшни чойхонада чой ичиб кутиб ўтирдим.

Менинг юрагим ёнар эди. 2-бор ундан хабар олганимда, у уйида экан. У қўнғироқ товушини эшитиб эшикни очганида, мени кўриб ҳайратда қолди.

— Масуд, сен бугун бутутлай бошқачасан, — деди. У менинг ўзгарганим сезиларли даражада эканидан жуда хурсанд эди. У мени етаклаб деворлари безатилган катта бир чиройли меҳмонхонага олиб келди.

— Муқаддас Китоб устида қилаётган изланишларинг қандай кетаяпти, Масуд? — сўради жаноб Мисси.

Мен уни кўзларига тик қарадим ва ўша хабасиштонлик амалдор каби: „Менинг чўмиб имон келтиришимга нима тўсқинлик қилади?“ (Ҳаворийлар 8:36) — деб жавоб бердим.

У менинг сўзларимнинг маьносини тушунди, аммо унинг қарашида табассум йўқ эди.

— Масуд, сен бу қандай маъно англатишини тушунасан-ми?

— Тушунаман, — жавоб бердим мен, — Худо менга ёрдам беради.

— Агар иш ўлимга бориб тақалса-чи? — сўради у, — ёдингдами: „Сизларни ўлдираётган ҳар бир киши бу билан Худога хизмат қилаяпман, деб ўйлайди“ (Юҳанно 16:2).

Аммо ўша пайт Худонинг тинчлиги юрагимда ёниб тургани сабабли:

— Нима қилибди, Мен Исонинг: „Эй, Ота буларни кечиргин, булар нима қилишаётганликларини билмайдилар (Лк. 23:34) — деган сўзларини эслайман“ — дедим. У бу сўзларни эшитиб, мени қучоқлаб олди ва қучоқлагани бўйи ибодат қилди.

— Бугун мен учун бахтли кун, Масуд — деди ибодати охирида.

Биз менинг сувга чўмиш маъросими ҳақида гаплашиб олдик. Мессининг ўзи жамоа чўпони билан гаплашиб қўяман, дейишига қарамасдан, мен уни ҳозир мен билан бирга боришга қистадим. Биз бирга ибодатхонага бордик ва жаноб Виксент билан гаплашдик. У мени изланишларим якуни билан табриклади ва биз мени сувга чўмдириш маросимини келаётган якшанба кунига белгиладик. Жаноб Виксент, менинг чўмиш маросимимда, кам миқдордаги масиҳийлар қатнашиши керак, — деб таклиф киритди. Аммо мен менинг сувга чўмиш маросимим якшанба кунги йиғилиш тугаши билан бўлишини талаб қилдим ва худди шундай ҳам бўлди.

29 апрель 1973 йил якшанба кечаси эди. Бугун чўмиш маъросими бўлади, деб хабар қилинганда ибодатхона келиб кетувчиларга тўла эди. Одамлар ким экан, деб бир-бирларига қарашар эди. Мен ўрнимдан туриб, минбарга чиқдим. Мени орқамда жаноб Месси турар эди.

Жаноб Виксент мени қисқача таништирди. У менинг ўтган ҳаётим ҳақида гапирмаган бўлсада, аммо мен сувга чўмишга қарор қилган мусулмон йигити эканим аниқ эди. Бу улар учун одатий ҳол эмас эди. Бу жаноб Виксентнинг Корачидаги охирги чўмдириш маросими эди. Тез орада у Лондондаги Покистонликлар жамоатига кўчирилди. Ва умрининг охиригигача ўша ерда хизмат қилди.

Чўмиш маросими вақтида Исонинг шогирдлари ёдимга тушди. Исо уларга:

„Шунинг учун бориб, барча халқлардан шогирд орттиринглар. Уларни Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳ номи билан сувга чўмдириб, имонга киритинглар. Мен сизларга буюрган ҳамма нарсага амал қилишни уларга ўргатинглар“ (Матто 28:19–20).

Мен жаноб Виксентнинг: „Сени Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳ номи билан сувга чўмдираман“ — деган овозини эшитдим. Бундан бир икки йил олдин мен учун бу сўзлар, ҳеч қандай маънога эга эмас эди, аммо бугун бу Каломдаги сўзларни тўлиқ ҳис этдим ва тушундим.

„Унутмангиз-ки, биз Исо Масиҳни тан олиб сувда имон келтирганимизда, ҳаммамиз ҳам Унинг ўлимини тан олиб имон келтирдик. Биз сувга чўмиб, Масиҳ билан бирга ўлдик ва кўмилдик. Шунингдек, Масиҳ Отасининг улуғвор қудрати билан тирилганига ўхшаб, биз ҳам янги ҳаётда юришимиз лозим“ (Рим. 6:3–4).

Маросимдан кейин ҳамма келиб мени табриклади. Жаноб Месси мени янги дўстларим билан таништириб сал нарироқдаги одамлар ёнига кетди. Ҳамма тарқалганидан кейин, мен ҳам ибодатхонадан чиқиб, уни кутишга қарор қилдим. Шу пайт четда гаплашиб ўтирган уч йигитга кўзим тушди. Улар ёнига тўртинчиси яқинлашди ва уларнинг суҳбатининг шовқини менинг ёнимгача етиб келди.

— Мен сизларни анча вақтдан бери, кутиб ўтирибман, — деб гап бошлади у. — Нима бўлди? Нима йиғилиш кеч тугади-ми?

— Ҳа, оғайни, — жавоб берди улардан бири. Бугун мусла (мусулмонлардан жирканиб шундай дейишади) Масиҳий бўлди. Йигитча қизиқиб:

— У ҳозир қаерда? — сўради у. — Мен уни кўришни истайман, деди.

— Биз йиғилишда йўқ эдик, — деб жавоб беришди улар. — Биз ҳозир келдик ва уни кўраолмай қолдик, балким ҳали кўриб қолармиз, — дейишди. Мен улардан бу сўзларни эшитганимда, менинг юрагим эзилди ва мен бу ерларга бошқа оёқ босмасликка ҳам тайёр эдим. Аммо шу дақиқада четдан жаноб Месси келиб қолди. У менинг ёнимга ошиқар эди.

— Мана, қаерда экансан, Масуд, — деди кулимсираб. — Юр мен сени мана бу ёш йигитлар билан таништираман, — деди. Улар жаноб Месси билан яхши таниш эдилар. У мени уларга таништирди. Улар бошдан оёқ ҳижолатга тушишди. Чунки мен уларнинг суҳбатини эшитганимни пайқашган эди.

Ўша куни уйга қайтаётиб, бироз хавотирландим, чунки мен жаноб ва жаноби Курайшиларнинг савол жавобидан хавотирда эдим. Аммо ҳаммаси одатдагидек кечди. Менинг хонам одатдагидек тоза ва саромжон эди. Кроватим устига тартибсиз ташлаб кетган китобларим, стол устига тартибли қилиб тахланиб қўйилган эди. Мен ўзимни бахтли сезган бу уйни, энди яна ўз уйимдек ҳис қиламан-ми? — деб ўйланиб қолдим. Мен ваннахонадан чиқиб, столнинг суянчиғида осилиб турган жой намозни кўрдим. Унинг устида мусулмонлар агар мачитга бора олишмаса, ўз уйларида намоз ўқишади. Мен қандай тез-тез бу жойнамоз устида тиз чўкиб ибодат қилганларимни ва албатта жаноби Курайшининг бир йил олдин менга совға қилганини ҳам ёдимга олдим. Мен бу ерда қанчалик: „Худо менга ҳақиқат йўлини кўрсат“ — деб ибодат қилар эдим. Энди эса мен жиддий ҳаракатлар билан жойнамозни шкафга солиб қўйдим. Чунки Худога шукур-ки, энди мен ҳақиқат йўлида эдим ва хоҳлаган вақтим, хоҳлаган жойимда, ва хоҳлаган шароитда, мен Худонинг ёнига ибодат билан кела оламан. Энди мен эркин ва озодман!

Хўш, „Энди Қуръон билан нима қиламиз?“ — деб ўйладим мен. Кўзим ўнгида менга яхши таниш бўлган бир китоб турар эди. Нима шкафга солиб унутиб, юборайин-ми? Мен юрагим турида бундай қила олмаслигимни яхши билар эдим. Ахир бу китоб мени мусулмон дўстларим учун гувоҳлик бўладику. Мендан имоним ҳақида сўрашганда мен китобнинг саҳифалари орқали Исо Масиҳни кўрганимни уларга айта оламан. Ахир мен ҳақиқатни излашимда, фақат Қуръонга суянган ҳолда қилдим-ку. Энди мен уни гувоҳликларимда ишлатаман.

Мен уйқуга кетишимдан олдин, Муқаддас китобни очиб (Матто 10:16–23) ни ўқидим:

„Мана, Мен сизларни бўриларнинг орасига қўйлар каби юбораяпман... Сизларга чинини айтайин: сизлар Исроилнинг шаҳарларини айланиб чиқишга улгурмасингиздан, Инсон Ўғли ер юзига қайтиб келади“.

Мен унинг Хушхабари учун миннаддорчилик билдириб, бурилдим-у, худди болалардек ухладим.

13

Олдинга интилиш

Тез орада Кураеш оиласи мени на уйда на мачитда номоз ўқимаётганимни сезиб қолишди. Улар мени имондан қайтган бўлса керак, деб ўйлашди ва бир куни жаноб Курейши мендан тўғридан-тўғри сўради. Мен инкор этмасдан Масиҳий бўлганимни тан олдим. Бу янгилик уларни жуда ҳам хафа қилди. Кейинги бир неча ҳафта ичида уларнинг менга бўлган муносабати, бутунлай ўзгариб кетди. Бу пайтга келиб, менинг иш жойимдагиларга Исога имон келтирганим, етиб борган эди. Улардан кўпгина ҳамкасбларим, мени агар қуръондан воз кечсанг яхши иш бераман ёки чет элга кетишингга ёрдам бераман деган чет эллик Миссионерлар қармоғига тушган, деб ҳисоблашар эди. Кўплар пулга имонини сотган, деб ҳисоблашар эди. Ундан ташқари буларнинг ҳаммасига чин дилдан қизиқувчилар йўқ эмас эди. Мен улар билан Исо мен учун ким эканлиги ҳақида тушунчаларимни айтар эдим. Аммо босим қандай ишда бўлса, худди шундай уйда ҳам кундан-кунга ошиб борар эди. Курейшилар мен сўзсиз Исога берилганимга ишонч ҳосил қилганидан кейин, мен уйни бўшатиш вақтим етиб келганини ва энди ўзимни ҳаётимни, ўзим бир йўлга қўйишим кераклигини, айтди. Мен охирги тунда, хизматкорлар хонасида тунадим. Менинг ҳаётимнинг яна бир саҳифаси охирга етганини тушунар эдим. Ўша кечаси, мен тиз чўкиб, Осмондаги Отам, Худога мурожаат қилиб: „Художон, агар мени кўчада қолишим сенинг хоҳишинг бўлса, мен бунга розиман,“ — дедим.

У менинг ибодатимни қабул қилганини сездим. Аммо мен бу 4-йиллик ҳаётим давомида, 1-маротаба қаттиқ полда ётганим учун, мени ёдимга эски хотиралар ёпириб келди. Охир оқибат бир амаллаб ухладим, турганимда кун ёришиб кетган эди. Қатъийятсизлик яна мени устимдан ҳукмронлик қила бошлади. „Масуд, — дедим ўзимўзимга, — ҳали кеч эмас, вақт бор! Бор, кечирим сўра ва сени

севадиган бу оилада қоласан. Бу ердан кетсанг, нималарни йўқотишингни ўйлаб кўр. Ишингни ва келажагингни ўйла.“ Аммо мен Раббим Исони ёдимга олдим. У ҳам 40 кечаю-кундуз чўлда юрди. Мен уни шайтонга қилган жавобини эсладим. „Раббинг Худовандга сажда қил ва фақат Унга хизмат қил“.

Мен сакраб ўрнимдан турдим ва шошиб сумкани олиб хонадан чиқиб кетдим. Дарвоза ёнига келиб, тўхтадим ва мен учун узоқ вақт бош пана бўлган уйга қарадим. Мен дарвозадан чиқиб, кўчадан тўғри кетдим ва бошқа орқамга қараганим йўқ.

Масиҳий бўлганимдан кейин, ҳозирги кунгача, менинг дўстларим ва касбдошларим мени: „Ўз халқини сотган, ота-онасини ҳурмат қилмайдиган ва уч Худога ишонувчи Худосиз“, — деб мени айблаб келишади. Бу Масиҳий динини ва Библияни тушунмасликдир. Кўпгина мусулмонлар, ҳаттоки Уни ўқишга ҳам қўрқиши, менинг юрагимни оғир жароҳатлаган. Ахир очиқ ва ойдин Масиҳийлар ердаги ҳукуматларга бўйсуниш (1-Бутрус 2:13–14), ота-онани ҳурмат қилиш (Чиқиш 20:12) ва Раббим Худовандни севиш — фақат ягона ҳақиқий Худони севиш (Матто 22:37) оятда зарурлигини ёзиб қўйилган.

Ҳаттоки, Масиҳий биродарларим, менга шубҳа билан ёндашар эди. Бири мени моддий қизиқишдан Исога келган, деса бошқалари эса мени жамоат ишларини текширувчи жосус, деб шубҳаланишар эди.

Қаерга борсам, мени Исога бўлган севгимдан гувоҳлик беришим, гоҳида ишимдан қувилишимга олиб келар эди. Мени бир неча бор, ишдан ёки ижара хонадан „Бу ердан йўқол, иск ирт, ахлатчи ва бошқа бу ерга оёғингни босма“, — деган қарғишлар билан қувишар эди. Ҳамиша бундай шароитларда, Исонинг қувғин бўлганларини эслаб, юрагимда тинчлик ва хотиржамлик сақлар эдим. Худонинг Руҳи менга куч ва қудрат берадиган сўзларни эслатиб турар эди: „Агар буғдойнинг дони ерга тушиб ўлмаса, у бир донлигича қолади. Агарда ўлса, кўп ҳосил беради“ (Юҳанно 12:24).

Албатта қийинчилик, азоб ва қувғинларнинг ҳаммасини кўришга тўғри келди. Мендан сўрашади: „Наҳотки, сени бу дарбадар ҳаёт қониқтирса? Наҳотки сен, ҳаётингни охиригача, дарбадарликда ўтказмоқчисан? Ахир сени изланишларинг мақсади, шу бўлса?“

Йўқ, менинг изланишларимнинг мақсади ҳақиқатни топиш эди. Ўша наслдан-наслга қолувчи маъносиз ҳаётдан озод қилувчи ҳақиқатни топиш эди. Худонинг ўзи менинг юрагимни очди ва унга ҳақиқат йўлини кўрсатди. Бу йўлни У дунё бунёд бўлмасдан олдин

танлаган бу йўл одамзотни Худо билан яраштирувчи ягона йўлдир. Исо Масиҳ Ўзининг ўлими орқали шайтон устидан ғалаба қозонди ва ҳаётини кишанда ўтказувчиларнинг ҳаммасини қутқарди. Мен Масиҳий, бўлиб бир нарсани тушундим. Мен ўз-ўзимдан ҳеч қандай қийматга эга эмасман, аммо шу билан бирга, Худонинг кўз ўнгида менинг қийматим жуда буюк эканига имоним комил. Мана нима учун У Ўзининг сўзи орқали менга гапираётган экан:

„Бинобарин, сизга шуни айтаман: нима еб, нима ичамиз, деб жонингиз учун, нима киямиз, деб танангиз учун ташвишланиб юрманглар! Жон овқатдан, тан эса кийимдан афзал эмас-ми? Кўкда учувчи қушларга қаранглар: улар на экади, на ўради, на омборга дон йиғади. Шунга қарамай, Самовий Отангиз уларнинг ризқини беради. Сиз эса улардан анча аълороқ эмасмисиз?“ (Матто 6:25–26).

Менинг ҳаётим менга қарашли эмаслигига иймоним комил эди. Мен ҳаётимни ўз хоҳишим билан Исога топширдим ва У мен учун нима яхши ёки нима ёмон эканини яхши билади. Тўғри мени қувғин қилишди, оиламни йўқотдим, аммо шундай бўлишига қарамасдан, менинг Раббим мени юпатади ва юрагимга ором беради: Матто 10:28–31 (инжилдан ёзиш керак):

„Танни ўлдириб, жонни эса ўлдира олмайдиганлардан қўрқманглар. Яхшиси, жонни ҳам, танни ҳам жаҳаннамда ҳалок этишга қодир бўлган *Худодан* қўрқинглар. Иккита чумчуқ бир тангага сотилмайди? Аммо отангиз рози бўлмасдан, уларнинг биттаси ҳам ерга тушмайди. Сизларга келганда, бошингиздаги сочларнинг ҳаммаси ҳам саналгандир. Шунинг учун қўрқманглар, сизлар талай чумчуқлардан кўра қадрлироқсиз.“

Ҳар қандай кўнгилсиз вақтларда, шубҳа ва синовда ёлғизлик, хафагарчилик ва ҳаммасидан чарчаганимда, У энг биринчи бўлиб ёрдамга келади, бунинг учун мен Унинг номини улуғлайман ва ҳамду санолар айтаман. Худди Ҳаворий Павлус каби мен ҳам шундай дея оламан: „Бизни уришади, лекин мен ўлмаяпман, мени хафа қилишади, лекин мен ҳамиша хурсандман, мен камбағалман, лекин кўпларни бой қилиш шароитига эгаман. Мен ҳеч нарсага эга эмасман, лекин Худди Худо фарзандидек ҳамма нарсага эгаман, мен ўламан, лекин абадий яшайман. Мен ҳамма нарсани Раббим Исо Масиҳни таниш

йўлида, қийматсиз деб ҳисоблайман.“ „У бутун инсонлар ҳақиқатни билиб, нажот топишини истайди“ (1 Тим. 2:4).

„Агар бугун унинг овозини эшитсангиз яна юрагингизни тош қилманглар!“ (Ибронийларга 4:7).

Мундарижа

Миннатдорчилик изҳори 3

1 Туш 4

2 Аҳмадийлар орасидаги ёшлигим 6

3 Мен ўсаяпман 16

4 Худога яқинлашиш 24

5 Ҳақиқатга интилишим 35

6 Мен ўзимни нуқтаи назаримни ҳимоя қилдим 46

7 Ҳалокатдан қочиш 52

8 Жануб томон! 63

9 Жонимга қасд қилиш бўсағасида 77

10 Библия ва Қуръон 85

11 Қоронғуликдаги нур 95

12 Ўғилнинг нури томон 103

13 Олдинга интилиш 111

Нур томонга

Ёш мусулмон йигитининг ҳақиқатни қидириши

Стивен ёшлиги имонли мусулмон бўлишни хоҳлаган. У Қуръонни ўқиган ва кўп изланишлар олиб борган. У мусулмон ўқитувчиларининг таълимотини олган. У ҳаттоки ўзининг имонини сувда юриб, синаб кўрган.

Аммо буларнинг ҳеч бири уни қониқтирмаганлиги сабабли, у ҳақиқатни излаб, узоқ ва машаққатли бўлган қимматбаҳо ҳақиқат йўлига тушди.

У ўзини ҳақиқат изланиш йўлидаги ҳикояларини оддий тилда намоён қилганлиги сабабли, китобхоннинг ёши ва маълумотидан қатъий назар бу китотбни ўқит кизиқарли бўлади.